O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**Da'vat**

*Ko'p bilsangu ammo shu bilganingni o'z ehtiyojing yo'lida ishlata olmasang, bundan nima foyda.*

Franchesko PETRARKA

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 25 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 102 (7505)

**Ibrat**

*Jizzax tumanidagi "Ravot" xo'jaligida joylashgan 47-maktabning eski binosi bahorgi yog'ingarchiliklar paytida butunlay yaroqsiz ahvolga kelib qolgan edi. Yaqinda ushbu maktab uchun 240 o'rinli yangi bino qisqa vaqt ichida qurilib foydalanishga topshirildi.*



Инсон, шахс камолотида бошланғич синф ўқитувисининг ўрни алоҳида. Зеро, у илм истаб мактаб остонасига илк қадам қўйганча келажакка дадил нигоҳ қадаган фарзандларимизга ҳаёт ҳақидаги илк тасаввурларни сингдиради. Ана шу жажжи тасаввур эса йиллар оша кенгайиб ўқувчини илм-фан оламининг сирли чўққиларини забт этишида пойдевор вазифасини ўтайди. Шу боис, бошланғич синф ўқитувчисининг масъулияти янада улкан. Ҳамза туманидаги 77-мактабда ушбу илм даргоҳининг муқаддас остонасини дастлаб хатлаган жажжи ўқувчиларга сабоқ бериб келаётган Моҳидил Шермонованинг ўз зиммасига юкланган мазкур масъулиятни теран англаганлиги муваффақиятларига омил бўлаётир.

Суратда: фидойи ўқитувчи Моҳидил Шермонова дарс жараёнида.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

# ТАШХИС ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШСА

## УНГА МОНАНД ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ҲАМ СЎЗСИЗ ОРТАДИ

**Anjuman**

Самарқандда 19-21 декабрь кунлари Халқ таълими вазирлигининг Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик-педагогик Республика Ташхис маркази ташаббуси билан "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида психологик-педагогик ташхис хизматини такомиллаштириш" мавзусида республика анжумани бўлиб ўтди. Унда вилоятлар, шаҳар ва туман ташхис марказлари ходимлари билан бирга мактаб психологлари ҳам иштирок этдилар. Анжуман иштирокчилари дастлаб Самарқанд вилояти мактабларида олиб борилаётган психологик хизмат ишлари билан танишишди. Хусусан, Самарқанд шаҳрида таянч тажриба муассасалари ҳисобланган 21-, 33-умумтаълим мактабларида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш борасида иштирокчилар диққатини, айниқса, 33-мактаб психологи А.Ҳотамованинг 6 ёшли болаларни мактабга қабул қилиш ва уларнинг кейинги фаолиятига оид психологик кузатувлари, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш борасидаги ишлари анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман кун тартибидаги ялпи йиғилишда сўз олган Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Муҳаммадиев барча иштирокчиларни қутлаб, анжуман ишига муваффақият тилади. Сўнг Самарқанд вилояти ХТБ бошлиғи ўринбосари Б.Сафаров "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда психологик-педагогик ташхис: тажрибалар, муаммолар, истиқбол режалар" ҳақида маъруза қилди.

— Вояга етаётган фарзандларимизнинг келажакда ким бўлиши ва қайси соҳага лаёқатли эканлигини аниқлаш нафақат халқ таълими соҳасининг иши, балки бу бутун жамиятимиз тараққиёти билан боғлиқ бўлган муҳим масаладир, — деди Б.Сафаров ўз маърузасида. — Самарқанд вилоятида бугунги кунда 1173 та мактаб, 722 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлиб, мактабларда 556 нафар психолог, 733 нафар шифокор, 840 нафар ҳамшира, 897 нафар касбга йўналтирувчи мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Мактабга қабул қилинаётган болаларни ҳар томонлама кўрикдан ўтказишда бу мутахассисларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Мамлакатимизда 1998 йилга қадар мактаб ёшидаги болалар ҳозиргидек ташхис марказлари кўригидан ўтмас эди. Натижада нутқида, ақлий ривожланишида ва бошқа жисмоний заифлиги бўлса-да, болалар мактабларга қабул қилинаверарди. Бу эса, ўз ўрнида мактабда ўқитувчи ишини қийинлаштиради. Бугунги кунда жойлардаги ташхис марказлари ёрдамида мактаб ёшидаги барча болалар тиббий ҳамда психологик кўрикдан ўтказилиб, сўнгра мактабга йўлланма олишмоқда. Ваҳоланки, болаларнинг нечоғли соғломлиги таълим-тарбия самарадорлиги ва ўқувчи билим даражасининг ўсиши билан ҳам боғлиқдир. Ташхис кўриклари натижасида турли жисмоний нуқсонлари бўлган болаларга махсус мактаб-интернатларга йўлланма берилмоқда.

Вилоятда мактаб психологлари ва ҳамшираларининг касб маҳоратларини ошириш мақсадида "Энг намунали мактаб ҳамшираси", "Энг намунали тиббий хона", "Намунали психолог" каби кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда. Ана шундай кўрик-танловларда Оқдарё туманидаги 45-мактаб ҳамшираси С.Қўзиева, Темирйўл туманидаги 42-мактаб тиббий хонаси ғолиб деб топилди.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида бажарилиши лозим бўлган ишлар кўламининг кенглиги вилоят ХТБ ҳамда ЎМКҲТ бошқармаларининг ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришини тақозо қилмоқда. Бу борада вилоятда "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилганидек, таълимнинг узлуксизлиги, изчиллиги, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, ўқувчи-ёшларнинг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишни танлаш ихтиёрийлиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш яхши йўлга қўйилган. Турли ЎМКҲТ муассасаларида ўтказилган "Очиқ эшиклар" кунлари, касб байрамларида умумий ўрта таълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг иштироки ҳам яхши самара бермоқда. Аммо ҳали бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Масалан, кадрлар малакасини ошириш, мактабларни малакали мутахассислар билан таъминлаш асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА БОШҚОТИРМАЛАР
3-бет

ТАРБИЯВИЙ СОАТЛАР: УЛАР ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ
3-бет

БИР ЗУМЛИК ҚУВОНЧНИНГ АЯНЧИ
ЁХУД МУШАКБОЗЛИКНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
4-бет

ТАРИХ ВА БУГУННИНГ РИШТАСИ
4-бет

ТОЖ МАҲАЛ
5-бет

ТУНГИ ОЛИШУВ
6-бет

10 САВОЛГА 10 ЖАВОБ
XXI АСР ВАБОСИ
7-бет

ҚЎНАН БОШИДАГИ ОҚ БУЛУТ
(Esse)
8-бет

КРОССВОРД
8-бет

# УЙҒУНЛИККА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛАДИ?

**Бошланғич математик таълим стандартларига боғлиқ бўлган муаммолар ва уларнинг ечими хусусида баъзи бир мулоҳазалар**

**Fikr, mulohaza, taklif**

Фаннинг ривожланиш тезлиги, илмий-назарий натижаларнинг ҳаётда қўлланилишини тезлаштирмоқда. Бу эса ўз навбатида инсоният тараққиёти даражасига таъсир кўрсатмоқда. Жаҳон таълим тизимининг ривожланиш тажрибасида, стандартлар ва дастурлар давлатларнинг сиёсий тузилишига, иқтисодий ва маънавий даражасига боғлиқ ҳолда эҳтиёжига қараб кўп йиллик тажрибалар натижаси сифатида қабул қилинади ва ўзгартириб турилади. Ушбу мақолада бошланғич математик таълим стандартларига боғлиқ муаммолар ҳақида дастлабки назарий хулосаларимизни келтирамиз.

Стандартларга мос ўқув дастурлари бўйича ёзиладиган дарсликлар ва қўлланмалар бош-ланғич синф ўқувчиларининг мактабгача даврдаги фаолиятини эътиборга олган ҳолда ёзилиши керак. Бунда болалар боғчаларида ва махсус мактабга тайёрлаш марказларида таълим-тарбия олган ўқувчилар билан, бундай тайёргарликка эга бўлмаган ўқувчиларни психологлар ёрдамида синфларга табақалаштириб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай табақалаштиришлар, ўқувчиларнинг ўзлаштириш имкonияти билан улар ўқиши керак бўлган синф ўртасидаги уйғунликни аниқлаштиради. Дарсликларда келтирилган мисол ва масалалар системаси стандартларда талаб қилинган кўникма ва малакаларни эгаллаш учун восита бўла оладими? Арифметиканинг ўзини ўрганиш учун мўлжалланган мисол ва масалалар билан амалий мазмундаги топшириқларнинг нисбати қандай бўлиши керак? Бу каби саволларга жавоб топиш бошланғич таълим стандартларининг турғунлик даражасини аниқлаш муаммосини ҳал қилишга олиб келади.

Ўқув дастурларига мос янги дарсликларнинг яратилиши ҳозирда фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муаммоларини ҳам келтириб чиқаради. Таълим стандартларига эришиш учун, ўқитувчилар янги педагогик технологиялар билан бирга психологик билим ва методлар билан ҳам таниш бўлиши керак.

Бошланғич синфларда стандартларнинг минимал талабларини эгаллашга эришиш учун, назаримизда, ота-оналарнинг ёрдамидан фойдаланиш зарур. Шу мақсадда биринчи навбатда, математика дарсликларида арифметиканинг асосий қонун-қоидалари, мисол ва масалаларини ечиш усуллари бўйича кўрсатмалар, ўқитувчилар ва ота-оналар учун бошланғич таълим математикасини ўрганиш ва ўргатиш бўйича махсус қўлланмалар яратиш керак.

Булардан ташқари, ҳозирги кунда республикамиздаги бошланғич математик таълимда фойдаланилаётган дарслик ва қўлланмаларнинг илмий-методик таҳлили асосида янги дарсликларни яратишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак, деган хулосаларга келинди:

— Арифметика "алифбо"сини, қонун ва қоидаларни тўлиқ эгаллаб олишга қаратилган, яъни амалларни бажариш алгоритмини, соннинг ўнли ёзувини стандарт ва стандарт бўлмаган шакллари орқали тушунтириш, амалларни бажариш алгоритмидаги махсус ҳолатлар, қолдиқли бўлиш алгоритми, амалларни бажариш тартиби каби масалаларга эътибор қаратиш.

— Ўзлаштирилган қоидалар ва қонунлар асосида амалий мазмундаги мисол ва масалаларни ечишда амалларнинг хоссаларидан унумли фойдаланиш.

— Матнли масалаларнинг барчасини мазмуни бўйича синфлаштириш, системалаштириш ва махсуслаштириш.

— Сонли ифодаларнинг анъанавий бўлиб қолган барча кўринишлардан фойдаланиш.

Бизнинг фикримизча, янги стандартларга мос қўлланмалар ва дарсликлар ёзишда, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ёки уларнинг малакаларини оширишда юқоридаги хулосаларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**А.БЕКМУРОДОВ,**
**Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи**

# "ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛАЁТГАН МАКТАБ"

**("Маърифат", 2002 йил 2 ноябрь)**

**Bizga javob beradilar**

Газетамизнинг махсус мухбири А.Обиддинов Сурхондарё вилояти Бойсун туманига қарашли 46-мактабдаги аҳвол хусусида (шу мактаб ўқитувчиси Олтибой Тўрақуловнинг хати асосида)журналистик текширув ўтказиб, муаммоларни очиқчасига таҳлил ҳамда танқид қилган эди. Яқинда ана шу мақола юзасидан прокуратура текшируви ўтказилгани тўғрисида Сурхондарё вилоят прокуратурасидан жавоб хати олинди. Жумладан, унда шундай дейилади:

"Бойсун туманидаги 46-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Олтибой Тўрақуловнинг "Маърифат" газетаси муҳарририятига йўллаган хати асосида ўтказилган журналист текшируви натижаси бўйича мазкур газетанинг 2002 йил 2 ноябрь куни сонида чоп этилган "Эътибордан четда қолаётган мактаб" сарлавҳали мақола юзасидан вилоят прокуратураси томонидан текшириш ўтказилди.

Текширишда мақолада келтирилган ҳолатлар асосан тасдиқланди.

Хусусан, ушбу мақолада Бойсун туманидаги 46-сонли умумий ўрта таълим мактабида таълим-тарбия ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ўқувчиларга дарсликлар етишмаслиги, ўқувчилар дарсларга тўлиқ қатнашмаётганлиги, мактаб ҳовлиси ва синфхоналарнинг ҳолати талабга жавоб бермаслиги ва бошқа бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги қайд этилган.

Аниқланишича, мактабда таълим-тарбия ишларини бўшаштириб юборганлиги, ишни тўғри ташкил этмаганлиги учун мактаб директори А.Эргашев эгаллаб турган лавозимидан 2002 йил 2 июль куни туман халқ таълими бўлимининг 72-сонли буйруғи билан озод қилинган.

Мактаб директори лавозимида 2002 йил 14 октябрь кунидан буён Н.Муродов фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда 35 нафар ўқитувчилар ўқувчиларга таълим-тарбия беришаётган бўлиб, шундан 30 нафари олий, 3 нафари тўлиқсиз олий, 2 нафари эса ўрта махсус маълумотли педагогларни ташкил этади.

(Давоми 2-бетда)

# ТАЛАБАЛАР УЮШМАСИ

**Yangilik**

**Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида талабалар уюшмасини тузиш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчиси ва элчихона вакиллари ҳамда талабалар иштирок этишди.**

**— Уюшмани ташкил қилишдан асосий мақсад, университет талабаларини муайян дастур доирасида ўзаро яқинлаштириш, уларнинг турмуш даражасини кўтариш ва турли соҳадаги фаолиятларини ривожлантиришдир, — деди университет ректори Абдужаббор Абдувоҳидов "Туркистон-пресс" мухбирига. — Бугунги йиғилишда иш дастури, режаси, тузилиши асосий мақсад ва вазифалари тасдиқланади. Барча ҳужжатлар, хусусан, уюшма дастури талабалар томонидан тайёрланди. Унда Лондон университети андозаларининг бизга тўғри келадиган ҳамда маҳаллий шароитнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам инобатга олинди.**

**А.Абдувоҳидовнинг таъкидлашича, уюшма турли соҳаларни қамраб олувчи бешта, яъни ижтимоий масалалар, молия, кадрлар, маданий дам олишни ташкил этиш ва спорт қўмиталаридан иборат бўлади.**

**Уюшманинг асосий вазифаларидан бири талабаларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш, уларни ҳар томонлама камол топтириш, университет раҳбарияти билан талабалар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришдир.**

**"Туркистон—пресс"**

# ТАҲРИРИЯТ ХОДИМЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАР ДАВРАСИДА

**Uchrashuv**

Газета — ойна. Унда жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, кечаётган ўзгаришлар ўз аксини топади. Шу боис замон билан ҳамнафас, ҳамқадам инсон борки, оммавий ахборот воситалари билан доимо ҳамфикр бўлишга интилади. Бироқ ўз ўрнида савол туғилади: бугунги кун матбуоти муштарийлар истак-хоҳиши, уларнинг талаби билан қанчалик ҳисоблашаяптию замонавий ўқувчининг матбуотга, янгидан-янги ахборотларга бўлган эҳтиёжи қай даражада?

Маълумки, "Маърифат" газетаси халқ зиёлиларининг нашри ҳисобланиб, унда асосан бугун юртимиз таълим тизимида кечаётган ислоҳотлар, эришилаётган муваффақиятлар, бу борада юзага қалқиётган муаммолар ва уларни тўғри ва ўз вақтида ҳал этишга ўқитувчининг, умуман, зиёли инсоннинг вазифалари ҳамда ўрнига алоҳида урғу берилади. Шу жиҳатдан қараганда, газетанинг жамиятдаги ўрни муҳим эканлиги кўзга ташланади. Зеро, Ватан истиқболи, унда камол топаётган фарзандлар келажагида бўй кўрсатади. Шу боис, ўғил-қизларимизнинг дунё илм-фани сир-синоатларидан баҳраманд бўлиш асносида соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етишлари йўлида тинимсиз изланишда бўлган заҳматкаш **ЎҚИТУВЧИ**га кўмакдош, маслакдош бўлишнинг ўзи улкан масъулият демакдир. Хўш, айни кунда мазкур нашр ўз муштарийлари — ўқитувчи, таълим тизими ходимлари эҳтиёжини қай даражада қоплаяптию ўқувчи ўз маслакдошидан яна қандай кўмак кутаяпти?

(Давоми 2-бетда)

*Ўқитувчиларни мулоҳазага, мунозарага чорлаган саволлар таълим ходимларига амалий ёрдам беришга уринаётган таҳририят ишининг янада самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи кўплаб таклиф ва мулоҳазаларни юзага чиқарди.*

*Пойтахт олий таълим муассасалари орасидаги танлов натижаларига кўра, Тошкент Давлат архитектура-қурилиш институти тайёрлаган иш ҳакамлар ҳайъатининг диққат-эътиборини кўпроқ тортди.*

Ma'rifat

# ТАШХИС ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШСА

## УНГА МОНАНД ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ҲАМ СЎЗСИЗ ОРТАДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Бугун республика миқёсидаги ташхис хизмати фаолиятига бағишланган анжуманнинг айнан Самарқанд вилоятида ўтказилаётганлиги, шубҳасиз, бу соҳада меҳнат қилаётган вилоят ХТБ ҳамда ЎМКҲТ тизими ходимларининг келгусидаги ишларига ижобий таъсир кўрсатади. Негаки, ҳар бир соҳадаги ютуқ ва камчиликлар мана шундай ўзаро мулоқотлар, амалий учрашувларда ўз ечимини топади.

***

Куннинг иккинчи ярмида Республика Ташхис маркази директорининг ўринбосари Йўлдош Асадов раҳбарлигида иштирокчи психологлар билан "Таълим муассасаларида психологик хизмат ва унинг ташкилий-услубий масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Қизғин мунозарага айланиб кетган бу давра суҳбатида 6 ёшли болаларни мактабга тортиш масаласи юзасидан амалиётчи психологларнинг турли туман фикрлари баён этилди.

Албатта, ҳақиқат баҳсларда туғилади. Анжуман иштирокчилари ўз амалиётларида синаб кўрган мисоллар орқали кичик ёшдаги болаларни мактабга тортишда келиб чиқадиган муаммолар ҳақида бир тўхтамга келишди. Давра суҳбати якунида мактабларда психологик хизматни такомиллаштириш муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.

***

**Анжуман давомида биз Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик-педагогик Республика Ташхис маркази директори Ҳикматилла Рашидовга бугунги кунда Ташхис марказлари олдида турган асосий муаммолар нималардан иборат, деган савол билан мурожаат қилдик.**

— Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида психологик-педагогик ташхис хизматлари йўлга қўйилганига эндигина тўрт йил бўлди. Шу боис, бу соҳада муаммоларнинг бўлиши табиийдир. Чунки ҳар қандай фаолиятнинг самарадорлиги кадрлар таъминоти ва уларнинг салоҳиятига боғлиқ. Ҳозирги кунда мактабларнинг 76,5 фоизи амалий психолог, 75,4 фоизи касб-ҳунарга йўналтирувчи, 49,7 фоизи тиббий ходимлар билан таъминланган. Амалий психологларнинг атиги 8 фоизи олий психологик маълумотга эга, 17,8 фоизи эса махсус қайта тайёрлов курсларидан ўтган, холос.

Ташхис марказларида ва мактабларда ишлаши лозим бўлган психологларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бугунги куннинг асосий масалаларидан биридир. Мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, туман ва шаҳар ташхис марказларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш масалалари таълим тизими бошқарув раҳбарларининг доимий диққат-эътиборида бўлиши лозим.

Умуман олганда, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар, бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар етарли. Бу мазкур тизимда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг ўз ишларига янада масъулият билан ижодий ёндошувлари зарурлигини тақозо этади.

Шу куни турли вилоятлардан келган мутахассислар фикрлари билан ҳам қизиқдик.

**Сайёра МУҲАММАДИЕВА, Урганч шаҳридаги 19-мактаб психологи:**

— Самарқандда бўлиб ўтган анжуман бизда жуда катта таассурот қолдирди. Дастлаб Оқдарё туманидаги 7-, 8-мактаблар ва 6-мактабгача таълим муассасасида бўлиб, у ердаги психологик хизмат ишлари, сўнг Самарқанд шаҳридаги 21-, 33-мактабларда 6 ёшли ўқувчиларнинг мослашувлари ва 9-синф ўқувчилари билан ўтказилган тренингларни кузатдик ва ўзимизнинг иш фаолиятимиз учун анча маълумотлар олдик.

Энг асосийси, Республика Ташхис маркази раҳбарияти билан яқиндан суҳбатлашиб, уларни мавжуд муаммолардан воқиф этдик, камчиликларни бартараф этиш юзасидан маслаҳатлашиб олдик.

**Ф.НАСИМОВ, Бухоро шаҳар Ташхис маркази раҳбари:**

— Анжуманда барчамизни ташвишлантираётган масалалар ўртага ташланди. Асосийси, ҳамкасбларимизнинг фикри ва олиб бораётган ишлари билан танишдик. Бундай анжуманлар тез-тез ўтказилиб турилса, фойдадан холи бўлмайди.

**Н.АҲМЕДОВ, Фарғона шаҳар Ташхис маркази раҳбари:**

— Биз Ургут туманидаги 50-, 123-мактабларда олиб борилаётган ишлар билан танишдик. Самарқандлик ва бошқа вилоятлардан келган ҳамкасбларимиз билан ўзаро мулоқотда кўпгина саволларимизга атрофлича жавоблар олдик. Айниқса, Республика Ташхис маркази директорининг ўринбосари Й.Асадов ўтказган тренинг бизга келгусидаги ишларимизда амалий ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

**К.МАНСУРОВ, Марҳамат туман Ташхис маркази раҳбари:**

— Биз ҳам Самарқанд туманидаги 12-, 65-мактаблар ва 15-боғча-мактаб мажмуасида бўлдик. Бу ерда ҳар қанча ўрганса арзигулик тажрибалар тўпланганлигига амин бўлдик. Анжуман шу соҳада ишлаётган мутахассислар учун ўзига хос сабоқ бўлди. Биз андижонлик анжуман иштирокчилари номидан самарали ўтган анжуманнинг барча ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Назокат ШЕРБОЕВА, "Маърифат"нинг махсус мухбири.**

# "ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛАЁТГАН МАКТАБ"

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Текшириш жараёнида ушбу мақола 2002 йил 14 ноябрь куни туман халқ таълими муассасалари раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиниб, йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинган бўлса-да, лекин йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўлиқ бартараф этилмаганлиги аниқланди.

Жумладан, ўтган давр мобайнида туман халқ таълими бўлими томонидан мазкур мактабда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш борасида етарлича услубий-ташкилий ёрдам кўрсатилмаган. Мактабда фаолият кўрсатаётган педагог ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш етарли даражада таъминланмаган.

Мактаб маъмурияти томонидан педагог ходимларга нисбатан талабчанлик сусайтириб юборилган. Мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Натижада бу ҳолат тумандаги 46-сонли умумий ўрта таълим мактабида ишни ташкил этиш, ўқувчиларга таълим-тарбия бериш борасида жиддий қонун бузилиш ҳолатларини келтириб чиқарган. Хусусан, мактаб ўқитувчилари ўртасида ўз-ўзига талабчанлик сусайтириб юборилган. Бир қатор ҳолларда ўқувчиларнинг давомати белгиланмаган. Ўқувчиларнинг сабабсиз равишда дарсларга қатнашмаслик ҳолатлари мавжуд.

Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши ўта оғир аҳволда қолиб кетган. Текширишлар жараёнида Т.Холиқов раҳбарлик қилаётган 4-"А" синфидаги мавжуд 18 нафар ўқувчидан атиги 5 нафарида ўқиш, 4 нафарида она тили, 4 нафарида математика, 1 нафарида рус тили фани бўйича дарслик мавжудлиги, табиат фани бўйича дарслик эса бирон ўқувчида мавжуд эмаслиги, Г.Шомуродова раҳбарлик қилаётган 3-"А" синфидаги мавжуд 21 нафар ўқувчидан атиги 1 нафарида рус тили, 2 нафарида табиат, 8 нафарида ўқиш, 6 нафарида математика, 6 нафарида она тили фанларидан дарсликлар мавжудлиги, Ж. Эшонқулов раҳбарлик қилаётган 4-"Б" синфидаги мавжуд 19 нафар ўқувчидан 2 нафарида рус тили, 2 нафарида табиат, 3 нафарида она тили, 6 нафарида ўқиш ва 6 нафарида математика фанидан дарсликлар борлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур мактаб ўқитувчиларига ҳозирги кунга қадар атиги 2002 йилнинг сентябрь ойи учун иш ҳақи берилганлиги, мактаб заллари ва синфхоналари етарли даражада жиҳозланмаганлиги, мактаб жамоаси ўртасида ишчан муҳит яратилмаганлиги аниқланди.

Текшириш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида туман халқ таълими бўлими мутахассисларидан гуруҳ ташкил этилиб, бир қатор амалий ишлар қилинди. Жумладан, мактаб ҳовлиси ва синфхоналари тартибга келтирилди. Мактабда фаолият кўрсатаётган ишчи ва хизматчиларга аниқ вазифалар тақсимлаб берилди. Мактаб биноси, кутубхонаси текширишдан ўтказилди. Текширишда собиқ иттифоқ даври мафкурасига оид кўргазмалар ва адабиётлар мавжудлиги аниқланмади.

Мактабда дарсликлар савдоси ташкил қилинди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари учун 13 номдаги 119 дона, ижара тизими орқали эса 9 номдаги 319 дона дарсликлар бепул берилди. Мактаб кутубхонаси 170 дона бадиий адабиётлар ва 22 дона Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари билан бойитилди.

Мактабнинг тарих, география ва бошланғич синф хоналари давлат таълим стандарти талаблари асосида давлат рамзлари, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларни акс эттирувчи, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳадаги кўргазмалар билан жиҳозланди. Ўқувчиларнинг мактабга сабабсиз келмаётганлиги ҳолатларига барҳам берилди.

Мактаб ўқитувчилари, ишчи ва хизматчиларига жорий йилнинг ноябрь ойигача бўлган ойлик маошлари тўлиқ берилди ва ноябрь ойи иш ҳақини бериш чоралари кўрилмоқда.

Туман халқ таълими бўлими томонидан мактабни таъмирлаш ишларига қўшимча равишда 500 килограмм цемент, 200 килограмм оҳак, 15 килограмм бўёқ ва бошқа қурилиш материаллари ажратилиб етказиб берилди. Мактабнинг моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида 50 дона стул, 22 дона ўқувчи столи, 4 дона ўқитувчи столи, 4 дона китоб жавони, 2 дона доска ва 2 дона "Кодоскоп" аппарати ва қиш ки мавсум учун 22 тонна кўмир ажратилиб, етказиб берилди

Туман халқ таълими бўлими томонидан мактаб ўқитувчилари учун "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда таълим соҳасидаги ҳукумат қарорларини чуқур ўргатиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, "Маърифат" газетасида чоп этилган мақолада хат муаллифи О.Тўрақулов томонидан 2002 йилда мактабни таъмирлаш учун ўқувчилардан пул йиғиб олиниб, изсиз йўқолганлиги ҳам баён этилганлиги кўрсатилган бўлиб, текширишда ҳақиқатан ҳам ота-оналар ва ўқитувчиларнинг ўзаро келишуви асосида жорий йилнинг апрель ойида содир бўлган сел тошқинидан зарар кўрган мактаб ҳудудини тозалаш ва биносини таъмирлаш учун ота-оналар ва ўқитувчилардан жами 87 минг 600 сўм пул йиғилиб, шундан 45 минг 600 сўмига қурилиш материаллари сотиб олинганлиги, 42 минг сўм эса қурувчиларга иш ҳақи сифатида берилганлиги олинган тушунтириш хатлари ва тегишли ҳужжатлар орқали тасдиқланди.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда Мачай қишлоғи(фуқаролар йиғини) ҳудудида 3705 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлиб, уларга савдо хизмати кўрсатаётган 5 та савдо дўконлари 2002 йилнинг 9 ойида 55200 килограмм ун, 5750 килограмм шакар, 3050 килограмм ўсимлик ёғи, 600 килограмм макарон, 200 килограмм қуруқ чой, 4000 килограмм туз, 2850 кг гуруч, 800 дона хўжалик совуни, 7707 қути гугурт берилган.

Жорий йилнинг 4-чораги учун эса 21600 килограмм ун, 2000 килограмм шакар, 950 килограмм ўсимлик ёғи, 950 килограмм гуруч ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 13600 килограмм ун, 700 килограмм шакар, 950 килограмм ўсимлик ёғи, 300 килограмм гуруч ва бошқа турдаги маҳсулотлар билан таъминланган. Лекин ўтказилган текширишда айрим маҳсулотлар аҳолининг талаб ва эҳтиёжига мувофиқ етказиб берилмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, газетада хат муаллифи Олтибой Тўрақулов яқинда 2 нафар мачайлик фуқаролар йўл азобидан ҳалок бўлганлигини ҳам баён этганлиги кўрсатилган бўлиб, текширишда Бойсун—Мачай йўлида 2 нафар фуқаро ҳалок бўлганлиги ҳолати ўз тасдиғини топмади.

Текшириш натижаси бўйича туман прокурори томонидан туман ҳокимига ахборотнома ва туман халқ таълими бўлимига қонун бузилиши ҳолатлари ва уни келтириб чиқарган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди."

# «ЧОРВОҚ ОРОМГОҲИ» ЧОРЛАЙДИ

*Тошкент вилоятининг хушманзара Бўстонлиқ туманида «Чорвоқ оромгоҳи» соғломлаштириш марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.*

*Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов юртимизда табиат бойликларини асраб-авайлаш ҳамда ютдошларимиз соғлиғини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бир йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан айнан мана шу жойда халқаро талабларга жавоб берадиган соғломлаштириш марказини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилгани бунинг ёрқин исботидир.*

*2001 йил сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг Чимён-Чорвоқ курорт ҳудудининг табиий бойликларини асраш ва бу ерда соғломлаштириш, дам олиш тизимини ривожлантиришга қаратилган қарори қабул қилинган эди. Чимён-Чорвоқ минтақаси ўзининг қулай иқлим шароитига кўра курорт ва дам олиш мақсадлари учун махсус муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сирасига киритилган.*

*Қарорда кўзда тутилганидек, Ғазалкент-Чорвоқ-Бақачўл магистрал канализация коллектори, оқова сувлар учун насос станцияларининг қурилиши, Чирчиқ тозалаш иншоотининг кенгайтирилиши ушбу хушманзара маскан ҳудуди ва табиатининг мусаффолигини таъминлашда ўзига хос омил саналади.*

*Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ушбу ҳудудда уч юлдузли учта меҳмонхона, иккита пансионат, подстанциялар, ёзги чўмилиш ҳавзаси сингари кўплаб хордиқ чиқариш масканлари бунёд этиш режалаштирилган.*

*Марказнинг фойдаланиш учун топширилган биринчи навбатидаэса, ҳозирча 124 киши учун мўлжалланган меҳмонхона нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижлик меҳмонларнинг йилнинг исталган мавсумида кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши учун жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатади. Шунингдек, ижара пунктлари, ресторан, кафе, спорт майдончалари ҳам дам олувчилар ихтиёрида бўлади.*

*Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Тошкент вилояти ҳокими У. Мирзақулов иштирок этди.*

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**



**Қиш фаслининг бошланиши, айниқса, болажонлар учун бир олам шодлик олиб келади. Чунки улар мактабида алифбе китобини тугатишиб, Янги йил байрамига ҳам ҳозирлик кўра бошлашади. Қамаши шаҳридаги "Бойчечак" мактаб-боғча гимназиясидаги 108 нафар болажонлар ҳам куни кеча "Алифбе" байрамини нишонладилар. Бу йили ўқишга қабул қилинган 25 нафар ўқувчиларга О. Усмонова устозлик қилиб, уларнинг тўлиқ саводхонлигига эришди. Ушбу саводхонлик байрамида туман ХТБ ходимлари ва қўшни мактабдан ўқитувчилар қатнашиб, уларнинг қувончларига шерик бўлишди.**

**Суратда: Кичкинтойлар мусиқа тўгараги раҳбари Анвар Жўраев саҳналаштирган рақсни ижро этмоқдалар.**

**Зафар БАКИЕВ олган сурат.**

# ҒОЛИБ БЎЛИШНИ КИМ ИСТАМАЙДИ?

**Tanlov**

Ҳозирги вақтда таълим муассасаларида турли кўрик-танловларни ўтказиш анъанаси қарор топаяпти. Бу ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга арзийдиган иш. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий мактаб халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими билан ҳамкорликда шу йил бошида "Таълим муассасаларида миллий истиқлол ғояси асосида амалга оширилаётган тарбиявий ишлар тажрибаси" мавзуси бўйича ўтказиладиган республика танлови ҳақида"ги қўшма буйруқни ишлаб чиққан эди.

Яқинда Тошкент Давлат педагогика университети мажлислар залида ана шу танлов ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш маросими ўтказилди. Ғолиб бўлишни ким истамайди? Аммо бунинг ўзига хос шартлари ва талаблари бажарилсагина, омад ўз эгасини топади. Биринчи ўринни эгаллашга даъвогарлар етарли бўлса-да, талаб даражасига жавоб берувчи олий таълим муассасаси топилмади. Шу боис у очиқ қолдирилди. Иккинчи ўринга Самарқанд Давлат университети ҳамда Фарғона политехника институти педагогик жамоаси лойиқ деб топилди. 3-ўринни эса Тошкент Давлат иқтисодиёт, Ўзбекистон Миллий университетлари ҳамда шарқшунослик институтлари жамоаларига бериш ҳар жиҳатдан муносиб кўрилди. Шунингдек, танловдаги рағбатлантирувчи ўринлар рўйхатига Қарши муҳандислик-иқтисодиёт, Тошкент автомобиль йўллари, Тошкент молия институтлари ҳамда педагогика университетлари киритилди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимидан сўнг олий таълим муасасалари маънавият-маърифат масалалари бўйича биринчи проректорлари иштирокида қизғин баҳс-мунозара ўтказилди.

# КОНСТИТУЦИЯГА ҲУРМАТНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

"Конституция — бахтимиз пойдевори" деб аталган кўрик-танловнинг минтақавий босқичларда ўтказилиши ҳақида аввал маълум қилган эдик. Пойтахт олий таълим муассасалари орасидаги танлов натижаларига кўра, Тошкент Давлат архитектура-қурилиш институти тайёрлаган иш ҳакамлар ҳайъатининг диққат-эътиборини кўпроқ тортди. 15 та муассаса орасида институт педагогик жамоаси ва талабалар оммаси томонидан Конституцияни акс эттирувчи суратлар, безакли ишлар, видеога олинган тасвирлар ранг-баранглиги, бетакрорлиги, бир-бирига уйғунлиги билан ажралиб турарди.

Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган йиғилишда ҳам ҳақиқий ғолибни аниқлаш баҳс-мунозарага айланиб кетди. Узоқ тортишувлардан сўнг Тошкент Давлат техника университети тақдим этган иш сифат жиҳатидан юқори баҳоланиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Бу 13 та иштирокчидан энг устуни эди.

Фарғона минтақасидаги кўрик-танловда қатнашган 13 та даъвогар орасидан ғолибларни топиш ҳам осон бўлмади. Мезбон, яъни Фарғона Давлат университетига тенг келадиган "рақиб" топилмади.

Бор-йўғи учта — Урганч, Қорақалпоқ Давлат университетлари, Нукус Давлат педагогика институтларининг иши кўриб чиқилганда, кимникини юқорироқ баҳолаш сира ҳам қийин бўлгани йўқ. Иштирокчилар УрДУ жамоасини қутлашди.

Самарқанд Давлат университетидаги минтақавий кўрик-танловда Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қарши, Жиззах, Навоий шаҳарларидаги барча ОТМлар иштирок этишди. СамДУ Конституцияга ҳурматнинг ёрқин ифодасини бошқалардан кўра кўпроқ намойиш этди. Кўрик-танловда 2-ўринни эгаллаганлар сафидан ТДИУ, БухООЕСТ, Фарғона политехника институтлари, ТАТУ, ҚДУлари жой олишди. 3-ўрин соҳиблари сифатида эса Тошкент Давлат ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, ТерДУ, АнДУ, ТДЮИ, ЎзМУ, Нукус Давлат педагогика институтлари тан олинди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий Мажлис демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, республика Бадиий академияси ҳамкорликда уюштирган бу кўрик-танловда кимнинг нечанчи ўринни олганлиги муҳим эмас. Танлов бир сабаб, ОТМларининг Бош Қонунга қандай муносабатда эканликлари анча-мунча намоён бўлди. Бундан, ҳеч қандай ўрин эгалламаган даргоҳлар хафа бўлмасликлари керак. Энг муҳими, уларнинг ҳам у ёки бу даражада эътироф этилган томонлари бор эди.

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

## Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Сариосиё тумани, Охунбобоев ширкатлар уюшмаси, "Янги ҳаёт" маҳалласи, Турсуной Қораевадан САВОЛ:

"Олий ўқув юртларига тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қароридан ҳамма фойдаланса бўладими? Бирон-бир имтиёз борми? Сариосиё туманидаги халқ банкига бу тўғрида мурожаат қилиб, 2 ой сарсон-саргардон бўлиб, таълим кредитлари ололмадик. Таълим кредити ҳақида маълумот берсангиз. Банк ходимлари фақат 1 йиллик муддатга берамиз, дейишяпти.

ЖАВОБ: "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги Низом қоидаларига кўра, таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври эса бу муддатга кирмайди.

Мазкур Низомга мувофиқ тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари бўйича:

— чин етимларга, меҳрибонлик уйларида тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига фоизсиз кредитлар берилиши керак.

Таълим кредити шуниси билан эътиборлики, кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланмоғи лозим. Бу имтиёзлардан фойдланиш ҳуқуқига эга бўлган оилалар кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

Талаба таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этмоғи лозим:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган. Шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади;

в) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминлаш шаклларидан бирини банкка тақдим этиши лозим:

— мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;

— банкнинг кафолати;

— учинчи шахснинг кафиллиги;

— суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.

Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити берилиши сўраб банкка тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва кредит шартномасини имзолаши ёки кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризачига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма хулоса бериши лозим.

**Й.АҲМЕДОВ, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси**

# ТАҲРИРИЯТ ХОДИМЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАР ДАВРАСИДА

**Uchrashuv**

Обуна мавсуми қизғин тус олган шу кунларда таҳририят ходимларининг республикамизнинг кўпгина вилоятларида бўлиб, соҳа ходимлари билан ўтказаётган учрашувларида айни саволларга жавоб излаётганликлари алоҳида эътиборга молик. Зотан, муштарийлар фикри нашрнинг янада ўқишли бўлишини таъминлаши тайин. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабида газета ходимларининг ўқитувчилар билан бўлиб ўтган самимий мулоқотида ҳам ана шу жиҳатга муҳим аҳамият қаратилди.

Очиқ мулоқотни Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими услубчиси Гулзаҳро Алимова очар экан, "Маърифат" газетасининг ўқитувчилар фаолиятида етакчи ўрин тутишини таъкидлади.

— "Марифат",— деди ўз сўзида Г.Алимова, — ҳақиқий маънода бизга маърифат, илм-зиё нурини улашмоқда десак, муболаға бўлмайди. Зеро, унинг саҳифаларида эълон қилинаётган таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, сиёсат, илм-фан янгиликлари ҳақида маълумот берувчи турли қизиқарли мақолалар орқали ўтилажак дарсларимиз янада тўлақонли бўлади. Шу боис, у биз учун услубий қўлланма вазифасини ҳам бажараётир десак, янглишмаймиз.

Шундан сўнг "Маърифат" газетасининг бош муҳаррири Ҳалим Саидов билдирилган илиқ фикрлар учун миннатдорчилик билдириб, ўқитувчилардан яна қандай мавзуларни газета саҳифаларида кўпроқ кўришни истаётганликларини сўради.

— Инсон доимо янгидан-янги ахборотга эҳтиёж сезади, — деди нутқида Ҳ.Саидов. — Зеро, замон шиддатли, ундан ортда қолмаслик ҳар кимдан муттасил изланиш, ўқиб-ўрганишни талаб қилади. Шу боис сиздаги газетага бўлган талабнинг доимий ўзгариб бориши, табиий. Айни сабаб бизни олдингизга етаклади. Бугун сиз газетада нима ёки қандай мавзуларни кутаясизу ана шу эҳтиёжингиз қайсидир сабабга кўра қопланмаяпти. Бундан ташқари, нашрнинг нуқсонлари нимадан иборату, уни бартараф этиш учун қандай-чора-тадбирлар зарур?

Албатта, ўқитувчиларни мулоҳазага, мунозарага чорлаган саволлар таълим ходимларига амалий ёрдам беришга уринаётган таҳририят ишининг янада самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи кўплаб таклиф ва мулоҳазаларни юзага чиқарди.

**Мавжуда УМАРОВА, "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани ўқитувчиси:**

— "Маърифат" газетасининг ўқитувчилар иш фаолиятини такомиллаштиришдаги ўрни юксак, албатта. Айниқса, газета саҳифаларидан ўрин олган "Milliy istiqlol g'oyasi", "Bir soatlik dars", "Sinab ko'ring", "Ta'kid" каби рукнлар остида бериб бориладиган мақолалар орқали дарсларимизнинг янада ўқувчиларга қизиқарли бўлиши учун услубий ёрдам олаётган бўлсак, "Qo'ng'iroq chalinguncha" номли дам олиш саҳифасида эълон қилинаётган ҳамкасбларимиз ва ўқувчилар ижодидан келтирилган намуналарни ўқиб, ҳақиқий маънода ҳордиқ оламиз. Бу яхши, албатта. Аммо менинг назаримда, биз учун "Одобнома" дарсларида ҳам муҳим қўлланма бўладиган ҳамда ёшларимизнинг миллий анъаналар ва урф-одатлардан воқиф қилиб борувчи мавзулардаги мақолалар кўпроқ ёритилса.

**Саломат ҚУРБОНОВА, тарих фани ўқитувчиси:**

— Маълумки, юртимизда эркин демократик фуқаролик жамияти қуриш сари дадил одимлар қўйилмоқда. Бунда эса жамият кишиларининг ҳуқуқий онги юксак бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Агарда ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия беришини ҳисобга оладиган бўлсак, энг аввало, унинг ўзи ҳам ҳуқуқни, янги қонун, фармон ва қарорларни теран англаши лозимлиги кўринади. Шу боис, ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган янги қонун, фармон ва қарорларнинг газета саҳифаларида мунтазам ёритилиши биз учун фойдадан холи бўлмас эди.

**Ирода ҲАМИДОВА, бошланғич синф ўқитувчиси:**

— Ўқитувчилик машаққатли касб. Унинг машаққати шундаки, ёш ўқитувчи кўпинча дастлаб ўқувчи қалбига йўл топишда қийналса, тажрибали ўқитувчилар орасидан ҳам муносиб жой олиши осон кечмайди. Шу жиҳатни инобатга олиб, газета ҳам ёш ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаши, уларнинг иш фаолиятидаги баъзи муаммоларини бартараф этишга ҳамда услубий кўмак беришга кўпроқ урғу берса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Шоҳида АБДУСАТТОРОВА, иқтисод фани ўқитувчиси:**

— Ўқитувчи-устоз номи ҳамиша улуғланиб келинган. Бироқ, афсусланарлиси шундаки, бугунги кунда ана шундай мўътабар инсонлар айрим ҳолларда эътибордан четда қолаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, бундай ҳолатнинг янги суратга олинаётган кинофильмларда, телекўрсатувларда акс этаётганлиги бизни ташвишга солади. Агар ёдингизда бўлса, аввалги кинофильмларда ўқитувчи образи идеал инсон сифатида кўрсатиларди. Шу боис бўлса керак, фильмни кўргач, ўқитувчи бизга ҳар қанча танбеҳ берган бўлмасин, унга ҳамиша ҳурматимиз бўлакча эди. Назаримда, бугун ҳам оммавий ахборот воситалари ўқитувчи шаънини кўтаришга хизмат қилиши лозим.

Ўқитувчилар билан таҳририят аъзолари ўртасида ўтказилган худди шундай самимий мулоқотлар Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги 15-мактабида ҳам бўлиб ўтди. Учрашувда қорақалпоғистонлик ўқитувчилар томонидан ҳам пойтахт ўқитувчилари билдирган таклиф ва мулоҳазаларга мос тарзда кўплаб янгидан-янги фикрлар илгари сурилди.

*Учрашувлар сўнгида "Маърифат" газетаси таҳририяти томонидан мазкур нашрга кўп йиллардан буён мунтазам обуна бўлиб келаётган фидойи ўқитувчиларга эсдалик совғалари ҳамда ўқувчиларни доимо эзгуликка бошловчи кўплаб бадиий китобларнинг мактаб кутубхоналарига ҳадя этилиши муштарийларнинг кўнглини кўтарди.*

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ, "Ma'rifat" мухбири**

*Ўқитувчининг биология дарсларида фойдаланган ноанъанавий ижодий услубларининг турли-туманлиги ўз касбининг ҳақиқий фидойиси эканлигини исботлайди.*

*Ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини оширтириш мақсадида шартларга қўйилган баҳоларни бироз юқорироқ қўйишга ҳаракат қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина ўқувчи келгуси дарсга яхшироқ тайёрлансам дарс ғолиби бўла оламан, деб янада кўпроқ ўқишга, кўпроқ дарс қилишга ҳаракат қилади.*



# ТАРБИЯВИЙ СОАТЛАР:
## УЛАР ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

*Ёшларни мустақил фикрлайдиган, ўз фикрини дадил айтадиган, шижоатли қилиб тарбиялашда, шу билан бирга болаларни ўз-ўзини бошқаришга ўргатишда тарбиявий соатнинг ўрни каттадир. Тарбиявий соат дарслари одобнома дарсларидан фарқли ўлароқ, ўқувчилар фаол иштирок этган ҳолда қизиқарли, баҳс-мунозарали бўлиши лозим. Бунда асосий эътибор ўтиладиган мавзудан ташқари, ўқувчиларнинг бир ҳафталик фаолиятини акс эттиришга қаратилади.*

*Мен раҳбарлик қилаётган 6-синф ўқувчиларига ҳафтанинг ҳар жума кунида тарбиявий соат дарси ўтаман. Ўқувчиларим тарбиявий соат дарсларини орзиқиб ҳамда катта тайёргарлик билан кутиб оладилар. Синфга кирибоқ, уларнинг кўзларидаги қувончни кўраман. Негаки, синф ўқувчилари 3 та гуруҳга бўлинган бўлиб, улар мазкур дарсдаги қизғин мусобақада ғолиб бўлиш иштиёқида бўладилар.*

*Дарсга кираётганимда, одатда, "Ўйла, изла, топ" тахтачаси қўлимда бўлади. Унда одоб-ахлоққа оид маъносини изоҳлаш талаб қилинадиган қизиқарли сўзлар, баъзан келгуси ҳафтада ўтиладиган мавзу яширинган бўлади. Болалар ҳаяжон билан тахтачага қандай сўзлар яширинганлигини, ундаги жумбоқни биринчи бўлиб топиш қайси гуруҳ ўқувчиларига насиб этишини сабрсизлик билан кутадилар. Тахтачадаги яширинган жумбоқларнинг ечиш усулларини тушунтириб бўлганимдан сўнг, болалар ишга киришиб, топган жавобларини ёзиб, ўқитувчига топширадилар. Жавоблар оғзаки айтилмайди. Шу тариқа яширинган сўзни тез ва аниқ топганлар баҳоланиб, қайси гуруҳ ўқувчилари ғолиб чиққанлиги аниқланади ва мусобақанинг дастлабки босқичи якунланади. Ёзув тахтасига "Қаноат" деб мавзуни ёзиб бўлгач, Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги тўртлигини ёддан ўқийман.*

*Ногоҳон ғам келса сенга, ўзни тут, бўлма тажанг,*

*Шукр қилғил, токи баттароғига бўлма дучор.*

*Сен ишонгил, ғам ема, сабр айла эй дил, оқибат,*

*Шомдан тонг, кечадан кундуз келур, қишдан баҳор.*

*Ўқувчиларнинг диққати тезда жалб этилади. Тўртликни биргаликда шарҳлаймиз. Ўқувчилар қаноат ҳақида маълум тушунчага эга бўладилар. Мен юқоридаги тўртлик ҳамда қуйидаги ҳадис ва мақоллар ёзилган кўргазмали қуролни доскага иламан.*

*Сабр қилсанг ғўрадин ҳолва битур*

*Бесабрлар ўз оёғидин йитур.*

*(Мақол)*

*Озига шукр қилсанг, кўпи келур.*

*(Мақол)*

*Қаноат туганмас хазинадир.*

*(Ҳадис)*

*Айни шу пайтда болалар ёдлаган энг сара ҳадисларини, улуғ донишмандларимизнинг ибратли ҳикматлари ва шеърларини навбат билан айтадилар. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, гуруҳ бошлиқлари ҳамиша ҳушёр бўлиб, гуруҳдошларига қўйилаётган ҳар бир баҳони (баллни) дафтарларига қайд қилиб, ҳисоблаб борадилар.*

*Шеър ва ҳадислар айтиб бўлингач, ҳар бир гуруҳнинг гуруҳ бошлиқлари ўз гуруҳдошларининг бир ҳафта мобайнида дарсларга қатнашиши (давомати) ва хатти-ҳаракатлари ҳақида, тозалик текширувчилари ўқувчиларнинг тозалиги ва кийиниши тўғрисида, дафтар ва дарсликларни назорат қилувчилар эса дафтар ва дарсликларнинг тутилиши, мактабга олиб келиниши ҳақида ахборот берадилар. Баҳоланаётганда ахборотларнинг қисқа ва мазмунли ҳамда аниқлигига эътибор берилади. Агарда бирор гуруҳ ўқувчилари ҳафта мобайнида дарсга кеч қолса ёки бошқа сабаб билан дарсларга қатнашмаса, ана шу гуруҳ тўплаётган умумий баллдан маълум бир балл олиб ташланади. Дарсга сабабсиз қатнашмаган ўқувчилар эса гуруҳдошларининг олдида мулзам бўлиб, тартиб-қоидаларга бўйсунишга ҳаракат қиладилар. Яна синфдаги гуруҳларга тегишли жиҳозларнинг, гулларнинг тозалигига, шу кунги давоматига алоҳида-алоҳида балл қўйиб чиқилади.*

*Маълум бир вақт мобайнида ўқувчилар нигоҳи "Мўъжизалар майдони"га қаратилади. Унда янги ва ўтилган мавзуга оид қизиқарли, баҳс-мунозарага сабаб бўладиган саволлар қатор рақамлар билан белгиланган бўлади. Масалан, пули кўп одам боймиёки қаноатли одам бойми? Сиз яқинларингиздан кимни сабр-қаноатли одам дея оласиз? Нима учун?*

*Дарсда бирор бир гуруҳнинг вакили кўрсаткични айлантирганда бирор рақамда тўхтайди. Унда қуйидагича саволлар ёзилган бўлиши мумкин:*

*"Сабр қилсанг ғўрадин ҳолва битур*

*Бесабрлар ўз оёғидан йитур".*

*Халқ мақолини шарҳлаб, тушунтириб беринг.*

*Гуруҳ вакили бу мақолда қаноат қилган киши мақсадга етишини, қаноатсизлар эса ҳалол бўлиши мумкинлигини тушунтиради (гуруҳдошлари жавобни тўлдиришлари мумкин). Шу тариқа қизғин, баҳс-мунозара бўлиб ўтади. Тарбиявий соатларда ибратли ҳикоялардан унумли фойдаланиш ўқувчиларнинг қизиқишини янада оширади. Масалан, "Оз-оз ўрганиб доно бўлур" китобидаги янги мавзуга тегишли бўлган "Қаноатнинг фойдаси", "Очкўзлик — ёвузлик", "Таъмагир кампир" ҳикояларининг қисқача мазмунини келтириш мумкин. Ўқувчилар ҳикоялардаги воқеаларга ўз муносабатларини билдириб, яна баҳс-мунозарага киришадилар.*

*Дарс сўнгида гуруҳ бошлиқлари гуруҳдошлари тўплаган умумий баллни эълон қилишгач, ўринлар аниқ бўлади. Ғолиб гуруҳга синфнинг кўчма байроғи тантана билан топширилади. "Ким ғолиб?" кўргазмасида ҳам гуруҳларнинг ўринлари кўрсатилади.*

*Шундай қилиб, ўқувчиларнинг бир ҳафталик фаолияти ва дарсдаги иштироки аниқланади. Келгуси тарбиявий соатда ўтиладиган мавзу эълон қилиниб, дарс якунланади.*

**Араббой НИЗОМИДДИН ўғли,**
**Хўжаобод туманидаги 3-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

# МИНОРАЛАР БИЛАН БЎЙЛАШГАН МАСКАН

Юртбошимиз кўҳна Хоразм заминидаги Жалолиддин Мангуберди хотира мажмуининг тантанали очилиш маросимида: "Тарихимизнинг тамал тоши Хоразм заминида қўйилган десак муболаға бўлмас", деган эдилар.

Дарҳақиқат, бу замин тарихини авлоддан-авлодга етказиш, уни турли жойлардан ташриф буюрадиган сайёҳларга тўғри тушунтириш мақсадида, шунингдек, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Хива шаҳрида яна бир ўқув маскани — Хива туризм касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсата бошлади. 600 ўринга мўлжалланган мазкур ўқув масканида ҳозирда 275 нафар ўқувчи-ёшлар 7 та йўналиш бўйича билим олишмоқда. Инглиз ва француз тиллари таржимонлари, банк ва бухгалтерия ходимлари, электрон-ҳисоблаш машиналари операторлари, меҳмонхона хизматчилари ва рассом дизайнерлар тайёрлайдиган бу ўқув даргоҳи бугунги кунда кенг жамоатчилик диққатини ўзига қаратмоқда.

— Энг катта эътибор, ёшларга мустаҳкам билим берадиган фидойи ўқитувчилар жамоасини шакллантиришга қаратилган. Шу боис, танловдан муваффақиятли ўтган кучли, малакали мутахассис ходимлар ишга жалб қилинди,— дейди, касб-ҳунар коллежи директори "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", Полвонназир Отажонов.

Ҳа, ўтган қисқа муддат давомида бу ерда олиб борилаётган ўқув-тарбиявий ишлар барчада катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунинг натижасида "Қўриқхона" музейи маъмурияти, шаҳардаги хусусий ва давлат меҳмонхоналари, сайёҳлик мажмуаси бирга ҳамкорлик қилиш, келгусида ўз ходимларини ҳам ўқитиб, малакасини ошириш бўйича шартномалар тузмоқдалар. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг маънавий, ахлоқ ва одоб соҳасидаги тарбиясига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Шу мақсадда "Ёшлар гиёҳвандликка қарши", "Она тилим — жону дилим", "Устозим — ҳаёт чироғим" каби тадбирларни муваффақиятли ижро этаётган ўқувчилар қисқа вақт ичида олган билимларини баҳоликудрат намоён қилмоқдалар. Айниқса, Конституциямизнинг 10 йиллиги муносабати билан вилоят қўғирчоқ театри саҳнасида коллеж талабалари иштирокида намойиш этилган "Ўткир зеҳнлилар мушоираси" деб номланган байрам тадбири жуда катта олқишга сазовор бўлди. Унда туман ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳардаги мавжуд коллежлар ва умумтаълим мактабларининг маънавият бўйича директор ўринбосарлари, ички ишлар, суд ва прокуратура органи вакиллари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ходимлари, фахрийлар ҳамда ота-оналар иштирок этиб, келажак ворисларимизнинг ишончли қўлларда эканлигига яна бир карра амин бўлдилар.

Анжуман ниҳоясида барча иштирокчилар ҳомийлар томонидан ташкил қилинган қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Ўтказилган ушбу тадбир вилоят телевидениеси орқали намойиш қилинди.

Ҳозирги кунда таълим муассасасида фанлар ва мутахассисликлар бўйича чуқур билим беришга, иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиб, улар билан алоҳида ишлашга, вилоятда ўтадиган олимпиадага пухта тайёргарлик кўришга қаратилган кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**



# БОЛАГА ЭРКИНЛИК БЕРИЛСА...

**Мактабгача таълим муассасаларида болажонларни кузатганмисиз? Айримлари шўх-шодон, тезда ўйинга, мулоқотга киришиб кета оладилар. Айримлари эса уйда булбулигўё, аммо боғчада камгап, мулоқотда суст. Сабаби нимада? Ушбу саволга жавоб излаб, Юнусобод туманидаги 460-мактабгача таълим муассасасида "Болалардаги мулоқотни фаоллаштириш" мавзусида МТМ психологларининг семинари ўтказилди. Юнусобод ТХТБ ташхис маркази раҳбари Муҳира Юнусова семинар аввалида уй вазифасини, яъни "Болалар нутқини ривожлантирувчи ўйинлар ташкил этиш тажрибаси" бўйича психологлар тавсия этган ўйинларни сўради. Ҳар бир психолог ўз боғчасида ўтказаётган ўйинларини тушунтириб, изоҳлаб бергач, яширин овоз бериш йўли билан 498-болалар боғчаси психологи О. Орлова, 156-болалар боғчаси психологи И. Кузьминаларнинг "Ўхшашини топ", "Соясига қараб шаклини аниқла" ўйинлари 1-ўринга лойиқ деб топилди. Сўнг 501-болалар боғчаси психологи Сайёра Азимова семинар-тренинг машғулотини ўтказди.**

**Маълумки, оғзаки нутқ бола томонидан 7 фоиз, тана ҳарорати орқали эса 38 фоиз қабул қилинади. Семинар иштирокчилари шундай хулосага келдилар. Агар болага эркинлик берилса, ҳар бир фикри таҳлил қилинмаса, унинг фикрлаш доираси фаоллашади. Болага бир кунда 20 марта позитив тана мулоқоти (эркалаш, қучиб қўйиш, суйиб ўпиш), кўз орқали мулоқот, рағбатлантириш, фикрини маъқуллаш, арзимас ютуғини "кўпиртириб" мақташ кабилар болани мулоқотга чорлайди. Аксинча, камситиш, "тўхтовсиз тил", яъни болага беҳуда жаврайвериш уни камгап, одамови қилиб қўяди. Шундай фикр алмашувлардан сўнг чиқарилган хулосалар билан семинар иштирокчилари тарбияланувчилари боғрига қайтдилар.**

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА БОШҚОТИРМАЛАР

Ўқитувчининг қандай дарс бериши, нимани ўқитиши, синфни қандай бошқаришига қараб ўқувчининг фаол бўлиши ҳаммага аён. Ўқувчининг фаоллик даражаси, унинг тарбияси, онглилиги, самимийлиги, кайфияти интилиши билан узвий боғлиқдир. Агар бундай хислатлар ўқувчиларда бўлмаса, уларни шакллантириш ҳам ўқитувчининг вазифасига киради. Ўқитувчининг илиқ муносабати, дарсга қизиқиш уйғотиши, албатта, боланинг ўқишга бўлган муносабатини ўзгартиради ва у фаоллаштириш воситаси ҳисобланади.

Ўқитувчининг биология дарсларида фойдаланган ноанъанавий ижодий услубларининг турли-туманлиги ўз касбининг ҳақиқий фидойиси эканлигини исботлайди. Хуллас, қуйида биология фани(5-синф)дан ўтган бир соатлик очиқ дарсим ишланмаси ҳамкасбларимга маъқул бўлади, деб ўйлайман.

**Дарснинг мавзуси:** "гулли ўсимликлар билан умумий танишиш".

Дарснинг мақсадини уч қисмдан иборат қилиб тузамиз.

**1. Илмий мақсад:** гулли ўсимликлар билан умумий танишиш, ўсимлик учун умумий бўлган белгилар ва уларнинг табиатдаги тарқалишини ўргатиш.

**2. Тарбиявий мақсад:** гулли ўсимликларнинг инсон учун аҳамияти ва уларни муҳофаза қилишни ўргатиш.

**3. Мустақил фикрлашга қаратилган мақсад:** теварак-атрофимизда ўсадиган гулли ўсимликларни топиш, ўсимликлар тўғрисида топишмоқ, мақол, ҳикматли сўзлар айтиш, бошқотирмалар тузиш ва ечиш.

**Дарсни жиҳозлаш:** ботаникага доир стендлар, йиғма кўргазмалар, китоблар, журнал ва газеталар, гербарийлар, расм-альбомлар, ҳаракатли кўргазмалар ва тест- карточкаларидан фойдаланилади.

**Дарс услуби:** "Ижодий ноанъанавий услуб".

**I.Ташкилий қисм.**

Янги мавзу ўқувчиларга олдинги дарсда эълон қилиб юборилади. Дарс қизиқарли ўтиши учун синф ўқувчиларини қаторларга қараб уч гуруҳга бўламиз ва уларга "Лола", "Райҳон", "Чиннигул" каби номларни берамиз. Дарсни "Зинама-зина, билимингни сина!" кўргазма қуроли асосида олиб борамиз.




Чизмадаги **А** учбурчак ичига бирор ўсимлик расми, **В** учбурчак ичига бирор тоғ, дарё, ўрмон расмларини чизиб қўйилади. Ушбу чизмадаги кўргазмали қуролни ҳар бир ўқитувчи ўзига хос ўлчамларда олдиндан тайёрлаб олиши мумкин.

Бу ноанъанавий услуб, чизмада кўриб турганингиздек, етти шартдан иборат бўлиб, бу шартларни бажариш давомида ўқувчилар мавзуни ўзлари атрофлича ёритиб беришга ҳаракат қиладилар. Дарс давомида гуруҳ ўқувчиларининг иштирокига қараб жавоблар ўқитувчи-устоз томонидан рағбатлантирилиб борилади. Бунда уч хил рангдаги фигуралар: учбурчак, тўртбурчак ва бешбурчаклардан фойдаланилади. Яъни яшил рангдаги бешбурчак — тўғри жавобга, сариқ рангдаги тўғри тўртбурчак — тўлиқ бўлмаган жавобга ва ниҳоят қизил рангдаги учбурчак эса нотўғри жавобга берилади.

Ҳар бир жавоб берган ўқувчининг тўплаган шакллари дарс тугагунча олдида туради ва дарс охирида санаб кўриб баҳоланади. Натижада ўз-ўзидан ғолиб гуруҳ аниқланади. Энг кўп жавоб берган ўқувчига байроқча берилади ва гуруҳ сардори қилиб тайинланади. Байроқча еттинчи зинани забт этган ўқувчи ёки гуруҳга бериладиган "Jek pot" мукофоти ҳисобланади.

Диққат, ўқувчилар! "Сизга омад ёр бўлсин!", деб янги мавзуни бошлаймиз.

**II.Янги мавзунинг баёни**

Зинадаги биринчи шарт "Савол беринг—жавоб берамиз" деб номланади. Бу шартда ҳар бир гуруҳдан биттадан жами 3 нафар ўқувчи чиқиб, кўргазманинг биринчи зинасини очиб, рақам олади ва биринчи конвертдан ўша рақамли саволни олади. Ҳар бир ўқувчи ўз гуруҳининг аъзолари орасига бориб, маслаҳатлашиб, улар орасидан тайёр ўқувчи саволга жавоб беради.

1-гуруҳнинг саволи: "Ботаника нимани ўргатади?"

Жавоб: "Ботаника" грекча "botane" — кўкат, ўсимлик деган маънони билдиради. Бу фан ўсимликлар олами, ривожланиши, ташқи ва ички тузилиши, тарқалиши, келиб чиқиши, ўсимликлардан тўғри фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ўргатади.

2-гуруҳнинг саволи: "Бизнинг шароитда қандай гулли ўсимликлар ўсади?"

Жавоб: олма, ўрик, терак, тол, лола, райҳон , атиргул, турли полиз экинлари ва бошқалар.

3-гуруҳнинг саволи: "Барча гулли ўсимликлар учун хос бўлган белги нима?"

Жавоб: барча гулли ўсимликларда илдиз, поя, барг, гул, мева ва уруғлар борлиги уларнинг ўзига хос хусусиятидир. Бу гуруҳга кирадиган ўсимликлар, албатта, гуллаб мева ҳосил қилади.

Зинадаги иккинчи шарт "Расмга қараб изоҳ бериш" деб номланади. Бу шартда ҳам ўқувчилар кўргазманинг иккинчи зинасини очиб, рақамлар танлаб олиб, буларга мос расмларга қараб изоҳ беришлари керак бўлади.

1-гуруҳга, дейлик, "Бепоён чўл, ўсимликлар онда-сонда кўринади", деган расм тушсин.

Жавоб: ер юзасида ўсимликларнинг кўпчилиги сувсиз чўлда ўсишга мослашган. Расмда ўсимликлардан барглари аранг билинадиган саксовул ва қандимларни кўриб турибмиз. Кўпгина ўсимликлар чўлда эрта баҳорда ёғингарчилик кўп бўлган вақтда кўкариб чиқади ва баҳор тугаб ёзнинг иссиқ вақтлари бошланиши билан қуриб қолади. Кўпинча саксовул ва қандимларни ёз ойларида ҳам учратиш мумкин. Демак, ўсимликлар ўзи яшайдиган жойга мослашиб олади. Шунинг учун ҳам улар сувни кам буғлантиришлари учун ҳам барглари кичрайган экан.

2-гуруҳга, дейлик, "Тоғ тизмалари ва уларнинг ўсимликлар қоплами тасвирланган" расм тушсин.

Жавоб: ўсимликлар табиатда баланд тоғ чўққиларида ҳам ўсишга мослашган бўлади. Тоғларда арча, ёнғоқ, дўлана каби ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликларнинг илдизлари узун ва бақувват бўлиб, тошлар орасига чуқур кириб олади. Бу билан кучли шамоллар ва тоғ чўққисидан оқиб келаётган ёғинлардан сақланиб қолади. Тоғу тошларнинг ҳам қулаб кетмаслигига ёрдам беради.

3-гуруҳга, дейлик, "Сув ҳавзаси, кўл, ирмоқлар соҳилида ўсимликлар, сув юзасида очилиб турган гул тасвирланган" расм тушсин.

Жавоб: кўпгина ўсимликлар сувда ўсади. Бу эса сувда яшайдиган ҳайвонлар учун озиқ бўлади. Чиройли очилиб турган бу гул "Нилуфар". Унинг илдиз, поя, барглари сувнинг тагида, гули эса сув юзасида ўсади. Бизнинг шароитда маданий ўсимликлардан шоли сув ўсимлигига киради.

Зинадаги учинчи шарт "Оқ қоғозда она-табиат акси", деб номланади. Бу шарт олдиндан ўқувчиларга уйга вазифа сифатида бериб юборилган бўлиб, уччала гуруҳдаги ўқувчилар уйда чизиб келган расмларини йиғиб келиб ўқитувчи столига қўйишади. Ўқитувчи расмларни кўриб чиқиб, ясалиши, мазмуни ва мавзуга алоқадорлигига қараб ўқувчиларни рағбатлантиради.

Дейлик, 1-гуруҳ ўқувчилари "Ёз — ўтмоқда соз" мавзусида, 2-гуруҳ ўқувчилари "Олтин куз" мавзусида ва ниҳоят 3-гуруҳ ўқувчилари "Ўлкамда баҳор" мавзусида расм чизганлар.

## Amaliy mashg'ulotlar

Ҳамма расмлар ҳам ўзига хос мазмунга эга бўлиб, табиат манзаралари бола қалбидек беғубор, содда, аниқ акс эттирилган. Ўқувчилар ўзлари қалбидан ҳис қилиб чизган бу расмларни ҳеч иккиланмай "буюк кашфиёт" деб баҳоласак ва бу ижодий ишларнинг барчасига тўғри жавоб "яшил рангдаги бешбурчак"ни берсак мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса, ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини янада орттиради.

Кейинги зинадаги тўртинчи шарт "Муаммоли шарт", деб номланади. Бу шартда ҳам уччала гуруҳ аъзолари кўргазманинг тўртинчи зинасини очиб, рақамлар танлаб олиб, буларга мос, синф хонасининг учта жойида турли уч хилдаги муаммони ифодаловчи саҳна кўринишларини тайёрлайдилар.

**1-гуруҳ:** бир ўқувчи 4-5 даста гулни қўйиб дўстларига кўрсатаяпти. Шу пайт бир нуроний чол келиб:

— Ўғлим, бунча лолани нобуд қилиб юборибсиз, ахир, ҳар бир сайёҳ шунчадан уларни юлиб олишса тоғда лола қоладими, — дейди.

Бошқарувчи ўқувчи саҳна кўринишига изоҳ беради.

— Ҳа, сайрга чиққан одам табиат билан тўғри муомалада бўлиши, унга озор бермаслиги керак. Лола терганда тупроқнинг 2-3 сантиметр юза қисмидан атиги 1-2 донагина олиши, тупроқ остидаги пиёзбошига шикаст етказмаслиги керак — дейди.

**2-гуруҳ:** экологик бурчакдаги дарахт танасига бир ўқувчи "5-"А" синф. Дилшод" деб ўз исмини ёзаяпти. Иккинчи ўқувчи келиб: "Э, дўстим, нима қиляпсан, ахир, дарахтга озор беряпсан, қўй бу ишингни" - деб унинг қўлидан тортади. У эса: "Тегма менга, ёзсам нима бўпти, ахир, исмим тарихда қолади-да" - дейди. У яна "Э, каллаварам, бу ишингни кўриб синфимиз раҳбари қаттиқ хафа бўладилар ва сени ёмон кўриб қоладилар", - деб маслаҳат беради дўстига. Дилшод эса, ҳа, дўстим тўғри айтяпсан, бу ишим нотўғри, деб қилаётган ишини тўхтатади.

**3-гуруҳ:** ўқувчилар синф хонаси эшигига "Қизил китоб" деб ёзилган қизил парда қистириб қўйибдилар. Гуруҳдаги 7 нафар ўқувчи ҳар бири биттадан ноёб ўсимлик расми чизилган қоғозни кўтариб секин юриб, "Қизил китоб"га кириб кетадилар. Бошқарувчи ўқувчи: "Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кўпгина ўсимликлар йўқолиб боряпти. Уларни сақлаб қолиш мақсадида "Қизил китоб" ташкил этилган. Президентимиз Ислом Каримов ўз асарларида табиатни авайлаб-асраш тўғрисида кўп тўхталганлар. Бахтимиз қомусида белгилаб берилганидек "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб изоҳлайди.

Навбатдаги бешинчи зинанинг шарти "Билимдонлар беллашуви" деб номланади. Бу шартда кубикларнинг ҳар бирига бир сўз ёзилган бўлиб, ўқувчи уни тўғри топиб жойига қўйса, ҳикматли сўз ёки халқ мақолларидан бири келиб чиқади. Бу шарт ҳам гуруҳлар томонидан олдингилари сингари рақамлар асосида танлаб олинади.

1-гуруҳга: "даво, тоза, ҳаво, танга" сўзлари берилган.

Жавоб: Тоза ҳаво — танга даво.

2-гуруҳга: "эк, кессанг, ўнни, бирни" сўзлари берилган.

Жавоб: Бирни кессанг, ўнни эк.

3- гуруҳга: "бир, кўкаради, жойда, дарахт" сўзлари берилган.

Жавоб: Дарахт бир жойда кўкаради.

Кейинги олтинчи зинанинг шарти "Ўйла, изла, топ!" деб номланади. Бунда уччала гуруҳнинг ҳар бири биттадан топишмоқ айтишлари ва рақиб гуруҳнинг уларга берган топишмоғига жавоб топишлари зарур бўлади.

1-гуруҳ: "Хўппа семиз бир туки йўқ" топишмоғини айтади.

Уларнинг топишмоғига 2-гуруҳ аъзолари жавоб беради: "Тарвуз".

2-гуруҳ эса: "Ўзи бир қарич-мўйлови икки қарич" топишмоғини айтади.

Уларнинг ушбу топишмоғига 3-гуруҳ аъзолари жавоб беради: "Сабзи".

Худди шунингдек, 3-гуруҳ: "Қат-қат куйлаги бор, тугмаси йўқ" топишмоғини айтсин.

Ва ниҳоят, уларнинг ушбу топишмоғига 1-гуруҳ аъзолари жавоб беради: "Карам".

Зинаниинг охирги еттинчи шарти "Бошқотирмани ечинг" деб номланади. Бунда ҳар бир гуруҳдан битта ўқувчи чиқиб, конвертдан ихтиёрий равишда биттадан бошқотирма танлаб оладилар. Ниҳоят, ўқувчилар гуруҳларида ўзаро маслаҳатлашиб бошқотирмага тўғри жавобларни топадилар.

1-гуруҳга тушган бошқотирма шарти.

Энига: 1. Баҳорда биринчи очиладиган гул. 2. Сув тўплаб қўйиладиган жой. 3. Хушбўй ҳидли, бизнинг шароитда экиладиган гул. 6. Ўзидан кўп миқдорда кислород ажратиб чиқарадиган дарахт номи.

Бўйига: 1. Йил фаслларидан бирининг номи. 4. Мевали бутанинг номи. 5. Ҳар куни истеъмол қилинадиган неъмат.

**Жавоблари Энига:** 1. Бинафша. 2. Ҳовуз. 3. Райҳон.

**Бўйига:** 1. Баҳор. 4. Анор. 5. Нон. 6. Терак.




2-гуруҳга тушган бошқотирма шарти:

**Энига:** 1. Ўсимликлар тўғрисидаги фан. 4. Тоғда ўсадиган гул. 6. Номи тикувчилик асбобига ўхшаш ҳашарот.

**Бўйига:** 1. Сувда яшовчи жонивор. 2. Манзарали дарахт. 3. Судралиб юрувчи жонивор. 5. Гулламай мева ҳосил қиладиган бута ўсимлиги.

**Жавоблари Энига:** 1. Ботаника. 4. Лола. 6. Ниначи.

**Бўйига:** 1. Балиқ. 2. Тол. 5. Анжир. 3. Илон.




3-гуруҳга тушган бошқотирма шарти.

**Энига:** 1. Асал берувчи ҳашарот. 2. Далага борадиган сув йўли. 4. Одамга яқин яшовчи қуш. 6. Илдизмевали сабзавот экини.

**Бўйига:** 1. Доимо яшил рангли дарахт. 3. Лампочкага ўхшаш меваси бор дарахт. 5. Донли экин.

**Жавоблари Энига:** 1. Ари. 2. Анҳор. 4. Каптар. 6. Пиёз.

**Бўйига:** 1. Арча. 3. Нок. 5. Арпа.




Шарт охирида бошқотирмалар тўғри ёки хато эканлиги текшириб чиқилади ва ўқувчилар рағбатлантирилади.

**III. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.**

Янги мавзуни ўқувчилар кўргазма ва тарқатма қуроллар асосида, ўзаро мустақил фикр юритиб, атрофлича ёритиб беришга ҳаракат қилдилар. Ниҳоят ўқитувчи уларнинг "Гулли ўсимликлар билан умумий танишиш" мавзусидаги билимларини тўлдириб, умумлаштиради.

**IV. Дарсни якунлаш.**

Дарснинг якунловчи қисмида, ўқувчилар фаоллигини, улар тўплаган рағбатлантирувчи ҳар хил рангдаги фигуралар санаб чиқилади. Фаол иштирок этган билимдон ўқувчи "ғолиб" деб аниқланади. Ўқувчилар баҳоланади. Олдиндан тайёрлаб қўйилган синф бўйича назорат жадвали тўлдирилади.

Ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида шартларга қўйилган баҳоларни бироз юқорироқ қўйишга ҳаракат қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина ўқувчи келгуси дарсга яхшироқ тайёрлансам дарс ғолиби бўла оламан, деб янада кўпроқ ўқишга, кўпроқ дарс қилишга ҳаракат қилади. Ўзининг билимига бўлган ишончи ортади.

Дарс якунида уйга вазифа қилиб "Ўсимликларнинг ҳаётий шакллари" мавзусини ўқиб, ўрганиш, шу билан бирга расмлар чизиб, бошқотирмалар тузиб келиш топширилади.

**Барножон ОТАНИЁЗОВА,**
**Хонқа туманидаги 18-мактабнинг олий тоифали биология фани ўқитувчиси**

*Ҳамма ўйинлар ҳам фойдали, бунисига шубҳа йўқ, лекин миллий ўйинлар бобом ва бувим даврларида ҳам, тенгдошларим билан ўйнаганимда ҳам, фарзандларим, набираларим билан шуғулланганимда ҳам ажралмас дўст.*

*Мустақилликнинг илк ўн йиллигида институт 4706 нафар инженер, 1162 нафар бакалавр ва 144 нафар магистр мутахассисларни тайёрлаб берди.*



# ТАРБИЯДА КЕЧИКИШ — ЭНГ КАТТА ЙЎҚОТИШ

**Ta'kid**

Кунларнинг бирида ота-она ўзларининг 2 ёшли фарзандини кўтариб, донғи кетган домла-устозининг олдига борибдилар. Ота домлага мурожаат қилиб, бола тарбияси ҳақида маслаҳат сўрабди:

—Сиз ўқитиш илмининг устози эканлигингизни эшитдик. Сиз ўқитган ўқувчиларнинг ота-оналари самимий миннатдорчилик билан сизнинг берган тарбиянгиз ҳақида зўр эҳтиром билан сўзладилар.

Домла жавоб беришдан олдин сўради:

—Фарзандингиз неча ёшга кирди?

— Икки ёшга тўлди, — деб жавоб берибди ота-онаси.

Шунда устоз бироз хаёлга чўмиб, шундай дебди:

— Деҳқон икки йилда ўз ерига ҳар йили камида икки мартадан уруғ қадаб, тўрт маротаба ҳосил олади. Оила аъзоларига қанча ризқу рўз улашиб, рўзғордаги кам-кўстларини тўлдиради. Ҳосилнинг рўзғордан ортган қисмига фарзандининг орзу ҳавасини ният қилиб, тўйига атаб нималарнидир бисотга ташлаб қўяди. Тарбияда анча вақт йўқотибсизлар. Ҳечдан кўра кеч яхши. Болани кўпроқ ҳаракат қилишга, тенгдошлари билан турли ўйинлар ўйнашга ўргатинг. Дарҳақиқат, ёшликда ўртоқ ҳам, жисмоний тарбия билан шуғулланиш ҳам, ўрганиб олган ўзига мос ўйин ҳам, қуйингки серҳаракатликнинг барчаси гўдакнинг ақлини, малакасини ошираверади. Кўнглини кўтариб, рағбатлантириб, ҳалолликка ўргатиб улғайтирсангиз юксакликка эришади. Миллий халқ ўйинларининг бола тарбиясидаги моҳияти, ўрни беқиёс. Чунки аҳолининг кўпчилиги азалдан миллий халқ ўйинлари билан шуғулланган, ўйин билан чиниқиб, камол топган. Жисмоний тарбиянинг барча тури ҳам инсон тарбиясида катта аҳамиятга эга. Ота-боболаримиз ўйнаган миллий спорт ўйинлари ҳаётимизга сингиб кетган. Миллий спорт ўйинларини маҳаллий халқ онгидан сиқиб чиқариш йўлидаги зўравонлик ва чалғитишлар маҳаллий аҳоли саломатлигининг ёмонлашувига, касалманд, нимжон бўлиб қолишига қаратилган эди. Ёш, соғлом авлод тарбиясида миллий ўйинларга аҳамият бериш, спортда унинг азалий мавқеини тиклаш, ҳозирнинг ўзидаёқ унинг маърифий даражасини кўтариб юборди.

Миллий ўйинларни тарғиб қилиш ва тиклашнинг ҳозирги ва келажакдаги истиқболини тасаввур қилиш учун "варрак" ва "зув" ўйинлари менга — ёши ҳозир 80 дан ошиб кетган бир кексага 1927-36-йиллардаги баъзи хотираларни эсга солади.

Ўтмишни эслаш жараёнида, мустақиллик даврида бой тарихий меросимизнинг унутиб бўлмас хазинасини тиклашга қаратилган тадбирлар ўзининг улуғворлиги билан кўз ўнгимда намоён бўлади.

Ҳозирги Собир Раҳимов туманидаги катта тўқай яқинида жарлик бўлиб, ёзин-қишин нозик чим қопланиб, кўм-кўк майсазор тусида бўлар эди. Тўқай зовурлар билан бир неча қисмга бўлиб қўйилган, бу эса ер ости сувларини жарликларга чиқариб юбориш, ер шўрларини ювишга хизмат қиларди. Биз ёшлар қўй, эчки, сигир-бузоқларни шу тўқайда боқар эдик. Зовурлар 1,5 метр чуқур тўқайни бир неча катта бўлакларга бўлиб юборган, зовурнинг эни 2 метргача бўлиб, қўй ва қора моллар четга чиқиб кета олмас эди. Мол боқиш баҳона биз тенгқурлар қизғин суҳбатлар қурар, турли ўйинлар ўйнар эдик.

Баҳорда тўқайзор осмонини варраклар безаб турарди. Шамол сусайганда шамол кучини оширмоқ мақсадида унинг йўналиши қаршисига қараб югурар эдик. Шамол мўътадил, бир хил куч билан эсиб турса, қулай жойда, майса устида ёнбошлаб, учиб турган варрак ипининг қўлимиздаги қисмини қулоғимизга босиб осмони-фалакда парвоз қилаётган варрак "мусиқасини" ғурур ва гашт билан тинглар эдик. Варраклар дирдирагининг овози шу қадар ўзига хос овоз ва оҳанг бахш этар эдики, яқин фалакиётдан ўз қўлимиз билан ясаган варрак юбораётган бу овозлар бизда яна нималарнидир ижод қилиш орзуларини куртаклатар эди.

Баҳор тугагач, биз худди шу тўқайзорда мол боқиб "зув", "чиллак" ўйинларини севиб ўйнар эдик. Мактабда, жисмоний тарбия ўқитувчимиз берган тавсияларга амал қилган ҳолда қизиқиб югуришар, ким бир "зув"да энг узоққа бора олади, бир ҳафтадан сўнг югуриш масофамиз неча метрга ошди, нафасимиз сиғими қанча дақиқага ортди, шуларни ҳисоблар эдик. Вақти-вақти билан юз берган ўзгаришларнинг ойлик, фаслий якунини ўзаро муҳокама қилар, илғорлар мамнун, қолоқлар ғолибларга етиб олишни қасд қилиб ғайрат отини қамчилар эдилар. Қолоқликнинг дилда қолдирган қамчи изидек "оғриғи" муттасил хотирада тикланар, кўрсаткичларни яхшилаш истаги фаолликка ундар эди.

Миллий ўйинларга бешик, беланчакдан ошно бўлганмиз. Улар ёшимиз, ақлимиз, имкониятимиз даражасида куч, фикр ва ҳаракатлар сарфлашимизни тақозо қилади. 4 ёшимда мен билан тенг кучга эга бўлган Сайдилла 5 ёшга борганимизда мендан анча кучли, гавдали ва билимлиликда сезиларли устунликка эришди. Мен ўзимча бунинг сабабларини қидирдим ва топдим ҳам. Кейинги йили яна кўрсаткичларда тенглашдик.

Ҳамма ўйинлар ҳам фойдали, бунисига шубҳа йўқ, лекин миллий ўйинлар бобом ва бувим даврларида ҳам, тенгдошларим билан ўйнаганимда ҳам, фарзандларим, набираларим билан шуғулланганимда ҳам ажралмас дўст. Шунинг учун унинг фойдасини тез топаман, нимадир ахтариб қийналмайман. Шундагина боболаримизннинг "Илм олиш учун Чинга ҳам бориш керак" деган ўгитлари бот-бот эсимга тушади.

**Ф.НАСРИДДИНОВ,**
**профессор**

**Afsus**

# БИР ЗУМЛИК ҚУВОНЧНИНГ АЯНЧИ
## ёхуд мушакбозлик оқибатлари

Инсон фарзанди борки, яхшиликка, яхши кунларга интиқ бўлиб яшайди. Яқинлашиб келаётган янги йил тантаналари эса болажонларнинг, умуман, ҳаммамизнинг севимли байрамларимиздан. Шунинг учун ҳам йилномадаги ушбу санага оиламиз, ёру биродарларимиз билан ўзгача тайёргарлик кўрамиз. Албатта, бундай тадорикнинг чирой ҳамда завқини шаҳарларимиз кўчаларидаги турли хил безаклару янгиланишлардан ҳам пайқаш қийин эмас. Дарвоқе, халқимиз орасида йилни қандай кутиб олсанг, уни шундай ўтказасан, деган гап юради. Бунда, шубҳасиз, фарзандларимизнинг сиҳат-саломатлигию оиламизнинг файзу баракаси назарда тутилади. Лекин, айрим ҳолларда янги йилни баъзи бир оилалар ана шу назарда тутилган ҳолатларнинг бутунлай акси бўлган, яъни безовталик, оворагарчиликларда ўтказишга мажбур бўлади. Хоҳланмаган ҳодиса туфайли кўпчиликнинг тинчи бузилади. Мазкур хунук воқеанинг сабабчиси эса кичиккина бир восита туфайли юз беришини ҳаммамиз биламиз. Гап мушакбозлик ҳақида кетаётганлигини тушуниб етган бўлсангиз керак.

Сўнгги йилларда аҳоли орасида мушакбозликка қизиқиш анчагина кучайгандек, назаримда. Кичик ёшли болаларнинг, мактаб ўқувчиларининг кучсиз портловчи мушак турига қизиқишлари табиий ҳолат. Чунки уларда мушакнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунча бўлмайди. Уйда, мактабда катталар томонидан тушунтирилганида ҳам болалигига боришлари мумкин. Ачинарлиси, ақлини таниб олган ўсмирларнинг, академик лицей ва коллежларнинг, ҳатто олий ўқув юрти талабаларининг ҳам кўча-кўйда ўртоқларининг, ўтган-кетганларнинг оёғи остига кучсиз портловчи мушакларни ташлаши кишининг ғашига тегади. Фақат шугина бўлса майлику-я... Бироқ, кутилмаган тарзда ёшлар ўзлари ёки бошқалар соғлигига жиддий шикаст етказиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу масала юзасидан мутахассислар фикрини олишни лозим топдик.

— Мисол билан айтадиган бўлсам, яқинда бўлиб ўтган тўйда ёш-ёш йигитлар мушакбозлик қилишган ва у бир йигитнинг юз қисмига сакраб кетган. Бунинг оқибатида, унинг оғзи, лаблари, жағи куйиб кетган. Унга биринчи ёрдам бериш ва қисман даволаш ниҳоятда қийин кечди. Шундан сўнг бу йигитнинг соғлигини тиклаш учун ота-онаси уни АҚШнинг Сиэтл шаҳрига олиб кетишга мажбур бўлди. Бундай ҳолатлар кам бўлса ҳам барибир учраб турибди. Айтиш керакки, мушакбозлик натижасида асосан тананинг юз ва қўл-оёқ қисмлари жароҳатланади. Аксарият, юздаги жароҳат эса инсон ҳаёт йўлини бутунлай ўзгартириб юборади, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент Давлат Тиббиёт институти болалар стоматологияси кафедрасининг профессори Муҳаммаджон Азимов.



**А.ҲАКИМОВ чизган сурат.**

Шунингдек, Акмал Икромов тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори Рамзиддин Алаутдинов ҳам қуйидаги фикрларни билдирди:

— Вазирлар Маҳкамасининг мушаклар ва портловчи воситаларни сотишни таъқиқловчи қарори бўлишига қарамасдан, шу турдаги маҳсулотлар юртимизга жуда кўплаб миқдорда кириб келмоқда. Уларни асосан ноқонуний тузиб олинган савдо шаҳобчаларида ёки пул кетидан қувадиган айрим кўча сотувчилари сотишмоқда. Халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш ва милиция ходимларининг бунга қарши курашишларига қарамасдан, барибир, аянчли ҳолатлар учраб турибди. Бундай вазиятларда самарали ёрдам бериш учун Тошкент шаҳар шошилинч тиббий ёрдам марказида, 1-шаҳар клиник касалхонасида куйганлар маркази ташкил этилган. Ҳозирда бу шифо масканларида ана шундай портловчи ашёлардан куйган беморлар даволанаяпти. Шу ўринда айтиш керакки, мушаклардан болаларнинг, қолаверса, ўсмирларнинг фойдаланишларига нафақат тегишли мутахассислар, балки ҳар биримиз бефарқ бўлмасдан, қўлимиздан келганча профилактик чораларни кўришимиз мақсадга мувофиқ.

Суҳбат давомида мушакларнинг фақат зарарли оқибатлар учун хизмат қилишига амин бўлдик. Уларни катта байрам тантаналарида ишлатиш эса белгиланган хавфсизлик чораларига амал қилинган ҳолда махсус ташкилотчилар томонидан амалга оширилади. Болаларнинг катталардан яширинча уларни сотиб олишлари ҳам назорат қилиниши керак бўлган масала эканлиги кундек равшан. Мутахассисларнинг фикрича, кишиларнинг, айниқса, ёш болаларнинг юзидаги жароҳатларини даволаш жуда кўп, поғонама-поғона давом этадиган, баъзан йиллаб вақт талаб қиладиган жараён экан. Ўз-ўзидан маълумки, бу ҳолат бола руҳиятига таъсирини ўтказмай қолмайди. Негаки, бола бу даврда ўртоқларига қўшила олмайди. Натижада у яккаланиб, ижтимоий суст ривожланади.

Мулоҳазаларимиз сўнгида шуни айтмоқчимизки, ҳар бир инсон ҳаётининг очилажак саҳифаларига катта умидлар боғлайди, оиласи фарзандларининг бахтини тилайди. Бу ниятлар ижобатига эса ҳар биримизнинг огоҳлигимиз сабаб бўлишини унутмасак бўлгани.

**Азиза БОТИРОВА**

# ИЛК БОР ЎЗБЕК ТИЛИДА

**Taqriz**

Самарқанд тиббиёт коллежининг олий тоифали ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси М.Болиевнинг Абу Али ибн Сино номидаги "Тиббиёт" нашриётида чоп этилган "Лотин тили ва тиббиёт терминологияси" дарслиги янги таълим тизимининг эҳтиёжлари ўлароқ яратилди. Муаллиф кейинги йилларда ушбу соҳа йўналишида кетма-кет бир неча дарслик, дастурлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлади ҳамда нашр эттирди. Бугунги кунга қадар республикамизда ўзбек тилида илк бор яратилган. "Лотин тили ва тиббиёт терминологияси" дарслиги олимнинг кейинги изланишлари маҳсулидир. Дарслик тиббиёт йўналишларидаги касб-ҳунар коллежлари ўқув дастури асосида қайта ишланган ва тўлдирилган.

Тиббиёт институтлари ва коллежларида "Лотин тили ва тиббиёт терминологияси" фанини ўқитиш орқали талабаларга халқаро тиббиёт тили — лотин тили, тиббиёт ҳамда табобатда қўлланиладиган тиббий атамалар ўргатилади. Чунки тиббиётга оид янгиликлар, касалликлар, дорилар номи неча асрлардан бери қадимги лотин — юнон тилида бериб келинаяпти. Лотин тилини ўрганиш тиббиёт ходимларининг халқаро миқёсда ҳамкорликда ишлашларида қўл келади.

Дарслик кириш, иккита мустақил боб ва қўшимча ўқиш учун берилган материаллардан иборат. "Кириш"да лотин халқи ва тилининг тарихи, лотин тили ўлик тилга айланган бўлса-да, ҳозирги кунда тиббиёт, тарих, ҳуқуқшунослик, филология соҳаларида бу тилнинг тутган ўрни, "Лотин тили ва тиббиёт терминологияси" фанининг мақсад ва вазифалари хусусида фикр юритилган. "Фонетика" қисмида лотин алифбоси, товушлар тизими ва таснифи, урғу ва уларнинг фонетик хусусиятлари каби назарий билимлар, шунингдек, талабаларнинг мустақил ишлаш ва фикр юритиш, малакаларини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга молик турли топшириқлар берилган. Кейинги жиҳат ишнинг морфология қисми учун ҳам хосдир.

Дарсликда атамалар ясалишида қўлланилувчи сўз ясовчи қўшимчалар ва лотинча-юнонча маънодаги сўзларнинг берилиши сўз туркумларидан от ҳамда сифатларга оид мавзуларни чуқурроқ ўрганишга қаратилган. Ҳар бир мавзуда назарий билимларга боғлиқ ҳолда ёдлаш учун сўзлар, машқлар, рецептлар, мутахассисликларнинг турларига қараб, уларга оид атамалар берилган. Шунингдек, дарсликда берилган лотинча-ўзбекча ва ўзбекча-лотинча луғатлар ҳам талабаларнинг машқ ва топшириқларни мустақил бажаришига, мавзулар мазмунини чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради.

**А.НУРМУҲАММЕДОВ,**
**Н.ЖЎРАЕВ,**
**СамДУ ўқитувчилари**

# ТАРИХ ВА БУГУННИНГ РИШТАСИ
## Тошкент темир йўл муҳандислари институти тарихий сана билан юзлашмоқда



*Мамлакатимиз ҳудудида тасмадек чўзилган темир йўл тармоқларининг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти катта. Давлатнинг илмий-техникавий ва иқтисодий тараққиётини белгилаб берувчи ўта зарур ва мураккаб соҳани яратиш, шакллантириш Тошкент темир йўл муҳандислари институтида таҳсил олган мутахассислар зиммасига тушади. Бу олий ўқув даргоҳи фақат мамлакатимиз темир йўллари тақдирини эмас, балки бутун Марказий Осиё ва Қозоғистон, Волгабўйи ва Кавказ минтақасидаги темир йўллари ривожини, шунингдек, кўплаб шаҳарлардаги олий ва махсус ўқув юртларининг юзага келишию шаклланишига пойдевор яратди. Улкан салоҳият ва тарихий тараққиёт йўлига эга бўлган институт улкан сана билан юзма-юз турибди.*

*Ташкил бўлган дастлабки йилларда институт ўқитувчилари темир йўл транспортида ишлаётган муҳандислар ва Ўрта Осиё Давлат университетининг ўқитувчилари сафидан таклиф қилинган мутахассислардан ташкил топган эди. Илк ўқув йилида 35 нафар ўқитувчи ишлаган бу олий даргоҳда профессор-ўқитувчилар таркиби асосан мазкур билим даргоҳини битирган мутахассислар ҳисобига кенгайиб борди.*

*Мамлакатимиз ҳудудида ягона темир йўл тизимини шакллантиришга қаратилган улкан ишлар бу даражада бугун ҳам давом этмоқда. Ўтган йиллар давомида Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўли юзага келди. Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўлининг қурилиши, қатор темир йўл бўлимларида электрлаштириш ишлари, марказий Тошкент вокзалининг таъмирланиши, Пахтаобод механика заводи қошида юк ташувчи вагонлар ва цистерналарнинг тўлиқ таъмирланишини ташкил этиш, Салар-Ходжикент ва Тошкент-Самарқанд-Бухоро темир йўл қисмларида катта тезликдаги ҳаракатнинг олиб борилишига асос солинди. Шунингдек, Тошкент йўловчи вагонларини таъмирлаш заводи қурилиши тамомланди. Япония халқаро ҳамкорлик банки иштирокида "Электровозларни таъмирлаш заводи"нинг қурилиши бошланиш арафасида.*

*Албатта, юрт истиқболи учун мўлжалланган бундай лойиҳалар малакали мутахассисларни талаб этади. Мустақилликнинг илк ўн йиллигида институт 4706 нафар инженер, 1162 нафар бакалавр ва 144 нафар магистр мутахассисларни тайёрлаб берди. Улар Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини барпо этиш, минтақадаги фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, катта миқдордаги валюта маблағларини ишлаб топиш ва тежаш, инсонларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, шаҳар ва қишлоқларда йирик саноат корхоналарини бунёд этиш, энг муҳими, жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш манфаатларига хизмат қилишмоқда.*

*Мустақилликнинг илк туҳфаси сифатида институт "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат Акционерлик компанияси таркибига киритилди. Натижада институт мустақил республикамизнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, мутахассис кадрлар тайёрлашга киришди. Компания институтдаги йирик ҳажмдаги илмий-техникавий, тиклаш ва таъмирлаш ишларига ҳам беминнат ёрдам кўрсатмоқда. Янги кафедра, ўқув-амалий лаборатория, илмий-ижодий марказларни ташкил этиш, талабалар соғлигини мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчиларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқаришига ҳар тарафлама жиддий эътибор берилаяпти. Компания томонидан амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатаяпти.*

*Ислоҳотларни мукаммалтириш жараёнига имкон қадар ёш ва ғайратли мутахассисларни жалб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис олий ўқув юртлари маъмуриятининг ўз таркибига ёш ва юқори малакали кадрларни қўйиши асосий вазифа деб қаралади. Институт магистратурасини муваффақиятли тамомлаган С.Ниёзметов, С.Саидмуродов, С.Ҳидоятов, И.Байгузин, З.Шерматов, Б.Хушбековлар ўз иш фаолиятларини қадрдон даргоҳда бошладилар. Бинобарин, профессор-ўқитувчилар жамоаси ёш, иқтидорли, келажаги порлоқ ходимлар ҳисобига кенгайди.*

*Ишлаб чиқариш мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш узлуксиз таълим тизимининг муҳим босқичи ҳисобланади. Янги ва замонавий технологиялар ишлаб чиқаришга тез татбиқ этилаётганлиги сабабли мутахассислар замонавий билимларга доимий эҳтиёж сезишяпти. Институт профессор-ўқитувчилари темир йўл транспорти раҳбарлари ва бошқа мутахассислар малакасини оширишда фаол қатнашмоқда. Шу боис кафедралар томонидан кўп вариантли ишчи дастурлари ва темир йўл транспортининг бозор шароитидаги муаммолари бўйича компания раҳбар ходимлари малакасини оширишнинг мавзу режалари ишлаб чиқилди. Ходимларни аттестацияга тайёрлаш мақсадида услубий қўлланмалар ва бошқа зарурий ҳужжатлар ҳам вужудга келтирилди. Малака ошириш факултетининг иши темир йўл транспорти барча йўналишлари бўйича мавжуд эҳтиёжларни қондириш йўли билан ташкил этилди. Шу билан бирга у пассив кузатувчи эмас, балки ислоҳ қилинаётган "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат Акционерлик компанияси талабларига мос хизмат турларини фаол ташвиқот қилувчи сифатида ҳам кўриняпти. Тингловчилар томонидан бажариладиган битирув ишлари тақриздан ўтиб, амалий анжуманларда муҳокамага қўйилади. Иқтидорли тингловчиларнинг ишлари кафедралар томонидан таҳлил қилиб чиқилади.*

*Институт кенг миқёсда халқаро илмий алоқаларни йўлга қўйган олий таълим муассасаларидан биридир. Айниқса, мустақиллик йилларида Россия Федерациясидаги Москва, Санкт-Петербург каби етакчи темир йўл олий ўқув юртлари билан илмий-ижодий битимлар имзоланди. Новосибирск, Қозоғистон транспорт ва коммуникация академиялари, Қирғизистон қурилиш архитектура ва транспорт давлат университети, Киев қурилиш ва архитектура миллий университети, шунингдек, турли давлат илмий тадқиқот даргоҳлари унинг доимий ҳамкоридир. Улар билан тузилган халқаро шартномаларда аспирантлар, докторант ва етакчи ўқитувчилар малакасини ошириш кўзда тутилган.*

*— Институтимиздаги халқаро алоқалар педагогикада ўзаро ҳамфикрлилик, ишонч, ёрдам, ижодий ҳамкорлик муҳити асосида ташкил этилмоқда. Шу тамойиллар асосида, биз чет элдаги қатор олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар билан алоқа ўрнатганмиз. Испания, Голландия, Франция, Австралия, Малайзия, Германия, АҚШ каби тараққий этган хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро анжуманларда қатнашиш учун етакчи профессор-ўқитувчиларимиз таклиф қилиндилар. Институтимиз компьютер тармоғининг халқаро "Сорос" фонди ёрдамида Интернет тизимига уланиши, фонднинг 4000 АҚШ доллари миқдоридаги маблағи бизга ажратилганлиги ҳам қувончли воқеа бўлди. Институтимиз тарих ва бугуннинг риштаси сифатида ўз гарданидаги вазифани уддалаб келмоқда, — дейди институт ректори, техника фанлари доктори, профессор Анвар Одилхўжаев, – Шуни тан олишимиз керакки, илм-маърифат аҳли йиғилган даргоҳимизнинг "юраги" порлоқ келажак орзусида уради. Бу туйғу ҳар бир талаба, ҳар бир устоз вужудини қамраб олганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.*



**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

*"Бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир, чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам тўсиққа учрайди".*

*Тарихий манбаларга қараганда, Акбар оддий, қўли очиқ, ҳотамтой, ўта дилкаш, меҳрибон инсон бўлган.*

Taqdimot

## ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ ФИЛЬМ БИЛАН

**Ўзбек адиблари томонидан сўнги йилларда бир қанча янги, бугунги замоннинг қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти акс этган асарлар, киносценарийлар яратилди. Албатта, уларнинг ҳар бирини саҳнага олиб чиқишнинг имкони йўқ. Бироқ, шундай бўлса-да, Ўзбекфильм студияси томонидан жорий йилда 10 га яқин томошабинбоп, қизиқарли, ҳаётий воқеаларга бой, шу билан бирга бугунги жамиятнинг долзарб муаммолари акс этган кинофильмлар яратилди. Ана шундай асарлардан бири яқин кунларда киноэкранлар юзини кўради. Таниқли кинорежиссёр Машраб Кимсанов (сценарий муаллифи Яхё Тоғаев) томонидан суратга олинган мазкур кинокомедия "Тақдир ҳазили, ёхуд хўроз қочди" дея номланади.**

**Фильмнинг асосий мавзуси — бугунги жамиятимизда тобора сафи кенгайиб бораётган тадбиркор-мулкдорларимизнинг маънавий қиёфаси, маданияти ва интелектуал салоҳияти хусусида дейиш мумкин. Асар қаҳрамони — замонавий, "янги ўзбек" тадбиркорларидан бири бўлиб, унинг санъатга ўзгача шайдолиги бошқа шу тоифадаги кишилардан алоҳида ажратиб туради ва шу боис унинг ҳаётида турли ўзгаришлар, тасодифлар юз беради.**

**Янги киноасарда бир қатор таниқли қизиқчи ва киноактёрлар Эргаш Каримов, Шерали Ҳожиев, Машраб Кимсанов, Саид Мухторов, Хосият Хусановалар, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Озода Нурсаидова, Илҳом Фармонов, ҳамда хонанда Муродбек Қиличевлар суратга тушганлар.**

**Янги йил байрамига "Ўзбекфильм" киностудияси томонидан муносиб туҳфа сифатида тайёрланаётган кинофильм тақдимотига оз фурсат қолди. Ушбу кинокомедияни томоша қилиб, завқланинг!**

**Феруза НАЙИМОВА, ЎзМУ талабаси**

# МУСИҚА ВА ЁШЛАР

*Ватанпарвар ва байналмилалчи ўсмир шахси кўплаб омиллар — мактаб, оила, ёшлар ташкилоти, матбуот, оммавий ахборот воситалари таъсири натижасида шаклланади. Ана шундай самарали тарбиявий омиллардан бири — мактабда ўқитиладиган мусиқа дарслари ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларидир. Айниқса, бу соҳада республикамизда мунтазам ўтказиб туриладиган "Шарқ тароналари" ҳамда турли-туман мусиқа, санъатга доир кўрик-танловларнинг аҳамияти беқиёсдир.*

*Халқаро "Шарқ тароналари" фестивалини томоша қилиб биз турли миллат санъатини тинглаймиз, уларнинг санъатига, маданиятига қизиқишимиз, ҳурматимиз янада ортиб боради. Бу эса, ўз навбатида халқларни санъат воситаси билан янада жипслаштиради.*

*Мактабларда ўтказиладиган мусиқа машғулотлари ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг ватанпарварлик, байналмилалчилик тарбияси, бинобарин, миллатлараро муомала маданиятини шакллантиришдаги имкониятлари ўқувчиларнинг билимларини, туйғуларини бойитиш, кенгайтириш, ўз халқи ва бошқа халқлар маданияти, санъатига ошно қилиш, энг муҳими — тарбиявий восита сифатида санъатдан фойдаланиш билан белгиланади.*

*Санъат асарларининг, айниқса, миллий қўшиқ, мусиқанинг қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, инсоннинг руҳий-ижодий камолотига кўрсатадиган таъсири шундай кучга эгаки, буни сўз билан ифодалаш қийин. Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Наср Форобий ўзининг "Илмларнинг келиб чиқиши" номли машҳур асарида мусиқанинг куч-қудрати ва хосияти ҳақида тўхталиб, шундай ёзган эди: "Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар хулқини тартибга келтиради, мукаммалликка интилган хулқини мукаммаллаштиради ва мувозанатда бўлган одамлар хулқининг мувозанатини сақлаб туради. Бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир, чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам тўсиққа учрайди".*

*Ўқувчиларда мусиқа маш-*

Kuzatuv

*ғулотлари орқали тарбиялаш мумкин бўлган миллатлараро муомала маданияти сифатлари — унинг ёши, психологик имкониятларига мос келган ҳолдагина ўз халқи яратган маданий бойликлар, тил, санъат намуналарини чуқур билиш, бошқа халқлар яратган маданий қадриятларга ҳурмат билан қараш, уларга нисбатан самимий дўстлик, биродарлик, миллатчилик ва маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз бўла олиш демакдир.*

*Бу вазифани умумтаълим мактабида мусиқа дарслари жараёнида амалга ошириш учун, биринчи навбатда ишни ўқувчиларда миллатлараро муомала маданиятининг шаклланганлик даражасини аниқлашдан иборатдир. Бунинг учун эса, улардан миллий ва бошқа миллатлараро маданиятга бўлган мавжуд қизиқишни ўрганиш зарур. Кузатувлар, савол-жавоблар шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг ўз ва бошқа халқлар маданияти, санъати, анъаналари ҳақидаги билимлар савияси паст экан.- Биз ўзбек ва рус тилида сўзлашувчи аҳоли вакиллари бўлган ўқувчиларга: "Айтингчи, сиз Ўзбекистон ва қўшни республикалар халқларининг маданият, санъат, халқ ижодиёти намоёндаларидан кимларни биласиз?", — деган саволимизга олган жавобларга кўра қуйидагича хулосага келиш мумкин.*

*Миллий аҳолига мансуб ўқувчиларнинг ўзбекистонлик маданият, санъат, халқ ижодиёти арбоблари ҳақидаги билимлар даражаси паст. МДҲнинг Европа қисми республикалари ҳақидаги билимлар кўрсаткичи эса ундан ҳам пастроқ. Рус тилида сўзлашувчи аҳоли ўқувчиларида бунинг тескариси, яъни улар МДҲнинг Европа қисмидаги халқлар маданияти, санъатини ўзлари туғилиб ўсган Ўзбекистон маданияти, санъатидан бир неча баробар яхшироқ билишади. Натижада, ёнма-ён истиқомат қилувчи миллат вакиллари бир-бирларининг тили, маданияти, санъати — маънавий ҳаётини, улар орқали эса халқнинг инсонпарвар миллий хусусиятларини англай олмайдилар.*

*Шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчилар турли халқлар санъатига, халқ ижодиётига қизиқиш ҳамда ўрганиш, шу миллат болалари билан дўстлик муносабатларини ўрнатишга хизмат қилишини билишади.*

*Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларда миллатлараро муомала маданиятини шакллантиришга хизмат этадиган энг таъсирчан шакл воситаларидан бири — бу миллий санъат ва мусиқий меросдир.*

**Гуларо АБДУЛЛАЕВА, Самарқанд педагогика коллежи ўқитувчиси**

## КЎРГАЗМА ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Яқинда Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида "Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси" унвонига сазовор бўлган япониялик мусаввир Икуо Хираяма фаолиятига боғлиқ "Икуо Хираяма Буюк Ипак йўлида" номли кўргазма очилди. Кўргазма Япония ва Ўзбекистон ҳамкорлигида очилган бўлиб, 25 декабргача давом этади. Ҳозирда мусаввирнинг "Ипак йўли. Денгиздаги Хитой савдо кемаси" (1993), "Лоуланда" (2001), "Чўлда субҳидам" (1999), "Ой нури" (1994), "Суриялик аёл" (1978), "Акуша-жи ибодатхонаси субҳидамда" (1999), "Аффинити кумуш гуллари" (1993), "Султон Маҳмуд мачитида. Афғонистон" (1991) каби турли мавзулардаги рангли композициялари намойиш этилмоқда. Ушбу композициялар ўзининг нафис ва жозибадор ишлангани билан кишиларни жалб қилмоқда.*

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий академиги Икуо Хираяма "Буюк Ипак йўли"га бағишланган туркум асарлари учун Ўзбекистон Бадиий академиясининг олтин медалига сазовор бўлди.*

**Сарвиноз ҒОФУРОВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг 1-курс талабаси**

Dunyo mo'jizalari

# ТОЖ МАҲАЛ

Жаҳоннинг етти мўъжизасидан бири бўлган "Тож маҳал" мақбара мажмуаси Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида қурилган. "Тож маҳал" мақбараси Бобурийлар авлодларига мансуб бўлгани учун Бобур набираси Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳнинг Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган даврини эслаш ўринлидир. Чунки Акбар 1556 йил 14 февралда 13 ёшида тахтга ўтириб, қарийб 50 йил подшо бўлди, бу пайтда Бобурийларнинг Ҳиндистондаги ҳокимияти мустаҳкам эмас эди. Шунинг учун ёш Акбарга доимо нотинч, бир неча кичик ҳокимликларга (рожаларга) бўлинган давлат мерос бўлиб қолган. Ана шундай тарқоқ, пароканда давлатда марказлашган, мустаҳкам, бирлашган ягона мамлакат барпо қилиш ёш Акбар зиммасига тушди. Ёш шоҳнинг барча ишларини Байрамхон бошқаради. (Байрамхон туркман бўлиб, Бобур ва Ҳумоюннинг қувғиндаги йилларида уларга астойдил, содиқ хизмат қилиб, улар оиласининг энг яқин, сирдош одамига айланган шахс).

Акбар тахтга ўтириши билан Шершоҳ (Шершоҳ авлодлари афғонларнинг сурлар қабиласидан бўлиб, 1540-1555 йиллари Шимолий Ҳиндистоннинг ҳудудларида ҳукмронлик қилганлар) авлодидан бўлган Одилшоҳ Акбарга қарши чиқади. У тезлик билан катта қўшин ҳамда 1500 жанговор филлари ёрдамида Деҳли, Агра шаҳарларини ишғол қилади. Одилшоҳнинг қўшинлари Акбар лашкарларини икки томондан ўраб олиб, уларни батамом қириб ташлаш учун яқинлашиб қолганларида, Одилшоҳнинг лашкар бошлиғи Хемуннинг кўзига Акбар отган камон ўқи кириб кетиб, у фил устидан қулаб йиқилади. Аскарлар ўз қўмондонларидан айрилганларидан кейин саросимага тушиб, турли томонга қоча бошлайдилар. Акбар қўшини ғалаба қилади.

Тарихий маълумотларга қараганда, Акбар ёшлигидан овни севган, гавдаси бақувват бўлгани учун отган камон ўқи узоққа яшин тезлигида учган, жуда мерган бўлган.

1557 йили Панжоб ҳокими Искандар Сур ўзининг таслим бўлганлигини билдиради. Шундай қилиб, Ҳиндистонда кўп йиллар Бобурийлар давлатига қарши курашувчи афғон қабилалари кучлари бутунлай барҳам топиб, Акбар ҳокимияти ҳудудлари кенгайди. 1560 йили Рожпут вилоятининг бир қисмини жанг қилиб ўзига бўйсундирган бўлса, қолган катта қисмини эса, сулҳ тузиш йўли билан эгаллади. Яъни Акбар Рожпут маликасига уйланди. Натижада Акбар армияси сафига жасур, истеъдодли қўмондон Ман Сингх бошлиқ кўп минглик лашкарлар келиб қўшилди.

1563 йиллар Акбар ота-бобоси доимо орзу қилиб келган Гужорат вилоятини, кейин 1574-1575-йиллари Бангол вилоятини ва 1586 йили гўзал, мафтункор Кашмир вилоятини забт этади. Акбар Кашмирда анча вақт қолиб, дам олиб, ҳордиқ чиқаради. Кейин Синд вилоятини, ўша даврда Эрон давлати эгаллаган Қандаҳорни ҳам ўзига тобе қилади.

Унинг ҳарбий юришлари Ҳиндистоннинг кўплаб асосий, марказий вилоятлари бирлашиб, буюк давлатга айланишига олиб келди. Акбар, шундай қилиб, Бобурийлар давлати ҳудудини кенгайтириб, салтанатини мустаҳкамлади. Унинг давлати чегаралари шимолда Тибет, Жанубда Кашмирдан Гўдавари дарёсигача, ғарбда Кобул ҳудуди, шарқда Бенгал қўлтиғигача бўлган ерларни ўз ичига олган эди. Мовароуннаҳр (Туркистон)дан келган кўплаб давлат арбоблари, йирик савдогарлар Ҳиндистонда муқим бўлиб қолиб, ўз тақдирларини шу янги буюк ҳокимият тақдири билан астойдил боғладилар. Улар ҳиндлар урф-одатларини, расм-русумларини қабул қилган ҳолда маҳаллий аҳолининг бир қисмига айланиб, ҳақиқий ҳиндистонлик бўлиб қолдилар.

Марказлашган буюк давлат қишлоқ хўжалигини, ҳунармандчиликни, ички ва ташқи савдони ривожлантиришга катта аҳамият бериб, бошқа давлатлар билан олди-берди тизимини йўлга қўйди. Бу эса, ўз навбатида давлат хазинасини тўлдириб, молиявий аҳволини мустаҳкамлади, давлатнинг бойишига олиб келди. Акбар бир қанча ижобий ислоҳотлар ўтказиб, уни амалда тезлик билан кетма-кет жорий қилди.

Биринчидан, солиқ тизимини мукаммаллаштириб, ҳам мусулмонлар, ҳам ҳиндларга маъқул бўладиганини қўллади. Ер ўлчашнинг ягона, аниқ ўлчов тизимини қўллаб, одилона иш юритди.

Давлат ҳудуди кенгайиб, йирик, кўзга кўринган давлатга айлангандан кейин, Акбар ягона оғирлик ўлчови ва умумий ягона пул бирлигини жорий қилди. Бунинг натижасида олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошлар (олмос, бриллиант, дур ва бошқалар)нинг сарфи кескин камайтирилиб, уларнинг давлат хазинасида сақланишига, кўпайишига имкон яратди. Пул қимматли металлдан ясалган бўлиб, "рупия" ва "маҳурий"лар деб аталарди. Энг асосийси, Акбар жорий қилган пуллар билан бирга давлат ҳудудида турли давлатларнинг пуллари ҳам эркин муомалада бўлган. Бу эса хорижий давлатлар билан савдо-сотиқни ривожлантирди.

Акбар мамлакатдаги ҳинд, секх, жайн ва бошқа динлар намояндаларини йиғиб, диний масалалар бўйича ҳар бир динга тааллуқли мунозара ва қизғин баҳслар ташкил қилиб, ўзи қатнашган. Шунинг учун унинг саройида уламо ва шайхларнинг обрўси юқори бўлган. Тарихий манбаларга қараганда, Акбар оддий, қўли очиқ, ҳотамтой, ўта дилкаш, меҳрибон инсон бўлган. Бўйи баланд, кўкраги кенг, қўллари бақувват ва узун, қора кўзларидан нур ёғилиб турган, сочи қора, чеҳраси доимо очиқ, қорачадан келган қадди-қомати пишиқ, чиройли, паҳлавон одам бўлган. Туркий-форс тилларнинг барча шеваларида бемалол сўзлашар эди. Кўп вақт пиёда юриб, кунига ўртача 25-30 километр йўл босган. У жуда мерган бўлиб, барча уруш қуролларини моҳирона ишлата билган. 1900 марта овда кўзлаганини ўлжа туширган. У соқол қўйишни ёқтирмас, бу эса айрим дўстларига ҳамда баъзи хотинларига ёқмас эди. У турли динларга қизиқиб, айрим удумларига ҳурмат билан қараса-да, доимо ислом динига содиқ қолган. Буюк Ҳиндистон ҳудудидаги барча халқларнинг миллати, ирқи, динидан қатъи назар, уларга доимо меҳр-шафқат, иззат-икром билан қараган. Акбарнинг турли миллат вакилларидан хотинлари бўлган. Уларнинг барчасига ўз дини, урф-одатларига риоя қилишларига имкон яратган. Агар хотин турк бўлса туркча, ҳинду аёлига ҳиндуча, форс аёлига эронча гўзал, қайтарилмас, бир-бирларига ўхшамаган кошоналар қуриб берган ва барча хотинлари бир-бирлари билан иноқ бўлиб яшашган. Барчаси Акбарни жуда ҳурмат қилишган. Акбар ҳам уларни доимо ардоқлаган. Акбар тасвирий санъат, тарих, адабиётга алоҳида аҳамият бериб, доимий ҳомий бўлган. Ҳиндистон фақат Акбар даврида марказлашган буюк давлатга айланиб, халқаро миқёсда ўз мавқеини мустаҳкамлаган.

Ҳинд халқининг машҳур давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру Акбар ҳақида шундай деб ёзган: "Акбар буюк шоҳ ва ажойиб инсон. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласининг ҳақиқий асосчисидир. Бобурийлар сулоласи Акбардан бошлаб, ҳақиқий ҳинд сулоласи хусусиятига эга бўлди. Акбар Ҳиндистон тарихидаги энг машҳур антик императори Ашока (Ашока—эрамиздан аввалги 273-236-йилларда Ҳиндистон ҳукмдори бўлиб, жаҳон миқёсида Ҳиндистонни дунёга танитиб, кўплаб ижобий ислоҳотлар қилган. Ҳинд халқи уни биринчи буюк халоскори деб атайдилар) сингари буюк шахс. Акбар ҳақиқий донишманд эди. Акбар Ҳиндистоннинг 70 фоиз ҳудудини бирлаштирди".

Акбар ишларининг ҳақиқий давомчиларидан бири, унинг набираси Шоҳ Жаҳон эди. Барча манбаларда номини бузиб, аслида "Жаҳон шоҳи" ибораси Шоҳ Жаҳонга айлантирилган. Жаҳон шоҳи Акбарнинг ўғли Жаҳонгир (Салим)нинг учинчи фарзанди бўлиб, 1591 йили Лоҳур шаҳрида туғилди. Унга Хуррам, кейинроқ Шоҳ Жаҳон номи берилди. У 1628 йили Агра шаҳрида тахтга ўтирди. Унинг тахтни эгаллашида Аржумандбону (Мумтоз Маҳал)нинг отаси Осафхоннинг хизмати улкан эди. Шоҳ Жаҳон тахтга ўтиргандан кейин Осафхон (асл номи Абдул Мажид) етакчи лашкарбошиларидан бирига айланади ва доимо Шоҳ Жаҳонга содиқ хизмат қилади. Чунки унинг 1593 йили Ҳиндистонда туғилган қизи Аржумандбону (кейинги номи Мумтоз Маҳал) 1612 йили 19 ёшида 21 ёшли Шоҳ Жаҳонга турмушга чиқади. Аржумандбону Шоҳ Жаҳоннинг иккинчи хотини бўлиб, биринчи бор 1610 йили Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг энг яқин авлодларидан бўлган Мирзо Музаффар Ҳусайн Сафавийнинг қизига уйланган. 1617 йили эса таниқли саркарда Абдураҳмонхоннинг набираси бўлмиш Шоҳнавозхоннинг қизини никоҳига олади.

Лекин Шоҳ Жаҳоннинг бутун кўнгли, фикри-ёди, жўшқин ҳаёти фақат ягона Аржумандбону билан банд бўлиб, барча давлат қийинчиликлари унинг кўзига кўринмас ва оғир ташвишларини эсидан чиқарар эди. Чунки, Аржумандбону аёллик гўзаллиги билан бир қаторда аъло даражадаги хулқ-атвори, латофати, одоби, оддийлиги, ақл-заковати билан барча оила аъзоларини қойил қолдириб, уларнинг чексиз меҳрига сазовор бўлади.



Жаҳонгир келинини жуда ҳам ҳурмат қилар, шунинг учун Аржумандбонуга Мумтоз Маҳал (саройнинг энг сара, латофатли аёли) деган ном беради. Бундан ташқари уни "Маликаи жаҳон", "Бегим соҳиб", "Подшоҳ бегим" каби сифат ва номлар билан ҳам улуғлашади. Унинг нозик қадди-қомати, кўнглининг беғубор очиқлиги ва поклиги, ақл-фаросатининг ўткир ва теранлиги нафақат Шоҳ Жаҳон, балки барча сарой аҳлининг эътиборини қозонганди. Шунинг учун Шоҳ Жаҳон Аржумандбонуга сарой муҳрдори вазифасини топширади. Ҳар қандай расмий ҳужжат, фармонлар албатта "Сарой сараси" томонидан кўриб чиқилиб, кейин муҳр босилади ва ҳужжат кучга киради. Шоҳ Жаҳон энг қийин муаммоли тадбирлар ва масалалар бўйича, албатта, Аржумандбонунинг фикрини оларди. Мумтоз Маҳал ҳатто ўлимга ҳукм қилинганларни доимо ҳимоясига олиб, кўпини ўлимдан олиб қолган. Шунинг учун Ҳиндистон халқи уни севиб, ҳурмат қилган.

Шоҳ Жаҳон барча сафарларида, жангга отланганларида ҳам Мумтоз Маҳални доимо ўзи билан бирга ёнида олиб юрарди. Шарқшунос олимларнинг фикрича, Мумтоз Маҳал Шоҳ Жаҳонга нафақат маънавий озуқа, дўст, балки унга табиий куч бағишлаб, ғалабаларга эришишида асосий суянчиқ бўлган, дейишади. Шунинг учун Мумтоз Маҳал вафотига қадар Шоҳ Жаҳон салтанати бойиб, унинг ҳарбий юришларининг кўпчилиги ижобий ҳал бўлган.

1631 йилнинг июнь ойида Декан вилоятига қарши ҳарбий юриш даврида ҳомиладор Мумтоз Маҳални тўлғоқ тутади, қийин аҳволда туққани учун унинг дарди оғирлашади. Ўзини ёмон ҳис этаётган Мумтоз Маҳал катта қизи Жаҳонорони отасига хабар беришга жўнатиб, тезлик билан етиб келишини сўрайди. Тезда етиб келган Шоҳ Жаҳон Аржумандбонунинг аҳволини кўриб, изтиробга тушади, жуда қайғуради. Малика ғамгин бир ҳолатда Шоҳ Жаҳонга меҳр билан тикилиб, унинг дийдорини охирги марта кўраётганини сезиб, унга илтижо қилиб дейди: "Менинг вафотимдан кейин бошқа аёлга уйланманг, бор фарзандларимни (тўрт ўғил, олти қиз, охиргиси ҳам қиз эди) ҳақиқий инсон қилиб ўстиринг, уларнинг бахтли бўлишини таъминланг, доимо меҳрибон бўлинг ва хотирамни абадийлаштириш учун қабрим устига улкан, гўзал, дунёда тенгсиз, ягона, қайтарилмас мақбара-ёдгорлик ўрнатинг". Мумтоз Маҳал 1631 йилнинг 17 июнь куни 38 ёшида вафот этади.

Мумтоз Маҳал вафотидан кейин Шоҳ Жаҳон оғир мусибат, тушкунликка тушиб, базм-зиёфатлардан, шоҳона либослардан воз кечиб, бир муддат давлат ишларидан ҳам юз ўгириб, подшоликни ўғилларига бўлиб бермоқчи ҳам бўлган. 12 йил Ҳиндистонда яшаб, Бобурийлар сулоласининг хизматида бўлган француз шифокори ва олими Франсуа Берква, Шоҳ Жаҳоннинг ҳатто ўзини ўлдирмоқчи бўлганини ёзиб қолдирган. Олти ой ўтгандан кейин Шоҳ Жаҳон севгилисининг сўнгги васиятини бажаришга киришиб, унинг жасади олдин дафн этилган жойи, Бурҳонпур шаҳридаги Зайнобод боғидан олиниб, 1631 йилнинг декабрь ойида Агра шаҳри яқинидаги Жамна дарёси қирғоғига жойлашган Акбарободга келтириб, махсус ер ости сағанасига қўйилади ва яна олти ой ўтгандан кейин ҳозирги гўзал Мумтоз Маҳал мақбарасига келтирилиб қўйилади. 1631 йилнинг сўнгги кунларида Шоҳ Жаҳон жаҳоннинг энг машҳур меъморларини йиғиб, маслаҳатлашиб, Мумтоз Маҳал мажмуаси лойиҳасини тезлик билан чизиб, муҳокамага қўйишни буюради. Бир неча лойиҳа варианти тайёр бўлгандан кейин Шоҳ Жаҳон бу чизилган лойиҳаларни изчиллик билан ўрганиб, маслаҳатлашиб, турк меъмори Муҳаммад Исо Афандининг лойиҳасини танлайди ва қурилиш ишлари тезлик билан бошлаб юборилади. Шоҳ Жаҳоннинг ҳам меъморчиликда билими бўлганлиги учун танланган лойиҳага ўзи ўзгартиришлар ҳам киритади. Бу танловда жаҳоннинг кўзга кўринган энг таниқли меъморлари иштирок этган бўлса ҳам, устод Муҳаммад Исо Афандининг лойиҳаси асосида ёғочдан ясалиб қурилган митти мақбара кўриниши барчани лол қолдирган. Шоҳ Жаҳон бу ёғочдан ясалган андозага қараб, узоқ хаёл суриб: "Қойил, худди мен ўйлагандек, менга манзур", дейди.

Тож Маҳал ансамбли-мажмуаси жойлашган майдон тўртбурчак шаклда бўлиб, узунлиги 579,5 метр, эни 305 метр, майдон марказида томонлари 296 метр бўлган тўртбурчак шаклда боғ барпо қилинган. Майдон атрофи қизил қумтошдан қилинган баланд деворлар билан ўралган. Боғнинг жануб томонида ёрдамчи иморатлардан иборат Жилохона бўлиб, шимол томонида Тож Маҳал мақбараси жойлашган. Жануб томонида асосий, шарқ, ғарб томонларида ҳам кириш дарвозалари бор. Жилохонанинг узунлиги 186,5 метр, эни 137,2 метр бўлиб, 1653 йили қуриб битказилган. Жилохонадаги 128 та иморатдан ҳозир 76 таси бутун, бузилмаган бўлиб, қолганларини таъмирлаш мумкин эмас. Жилохона Тож Маҳал мажмуасининг керакли бўлаги эди.

Абдулла Ҳомид Лоҳурийнинг "Подшоҳнома" асарида ёзилишича, майдон ичида қурилган барча иморатлар-иншоотлар аниқ симметрик шаклда жойлаштирилган. Жилохонада Мумтоз Маҳалнинг энг яқин канизаги Сатиуннисо ва Шоҳ Жаҳоннинг хотинларидан бири Сирҳинди Бегим мақбаралари, иккита бозор ва масжиддан иборат иншоотлар бўлган.

Тож Маҳал мақбараси боғига кириладиган асосий жануб дарвозаси диққатга сазовордир. Бу дарвоза қизил қумтош ва оқ мармардан ясалган бўлиб, эни 46 метр, баландлиги 30,5 метр бўлиб, кираверишдаги арканинг баландлиги 20 метрдан иборат. Барча дарвоза табақаси эшигига ҳамда мақбара эшикларига Шоҳ Жаҳон буйруғи билан бош томони соф кумушдан бўлган латун михлар қоқилган. Лекин бу эшиклар олдин Нодиршоҳнинг Ҳиндистонга қилган босқинчилиги (1736 йиллар), кейин эса инглизларнинг 1848 йиллардан бошлаб ҳукмронлиги даврида ваҳшийларча жойидан чиқарилиб, эритилган. Бу эшикларнинг қиймати ўша даврда 127000 олтин ҳисобидаги рупия бўлган. Жанубий дарвозадан мақбарага қараб боғнинг ўртасидан эни 5,6 метр бўлган асосий канал ўтади. Каналларнинг кесишган жойида, мармар майдоннинг қоқ ўртасида ер сатҳидан анча кўтарилган, томонлари 22,6 метр, ичида бешта фавворалар ўрнатилган чиройли мармардан қилинган ҳовуз бўлиб, ҳовуз ичида доимо балиқлар сузиб, гуллар очилиб турган. Ҳозир мақбара қурилган даврдаги боғнинг биринчи дарахтларидан фақат бир дарахт (пахта дарахти) қолган. Унинг ёши 480 йилдан ошиқ. (Бу дарахт Бобур ҳукмронлик қилган вақтда ўтқазилган деган тахминлар бор). Ҳозирги Тож Маҳал мажмуаси жойлашган боғдаги дарахтлар инглиз боғбони томонидан ўтқазилган бўлиб, олдинги Тож Маҳал учун мўлжалланган боғ режаси бутунлай бузилиб, Тож Маҳал мажмуасининг аввалги гўзаллигига, мафтункорлигига шикаст етказилган.

Мақбарани қуриш учун Жамна дарёси қирғоғига қизил қумтошдан дарё қирғоғидан баландлиги 9,6 метр, боғ томондан баландлиги 1,37 метр, узунлиги 303,3, эни 111,3 метр пойдевор майдончаси қурилди. Бу майдонча тагида кўплаб чиройли хоналар қурилган бўлиб, бу хоналарда зиёратга келганлар дам олиб, ҳордиқ чиқарар эди. Бу жой салқин бўлиб, унда меҳмонхона мавжуд, ер остидаги хоналарга меҳмонхона томондан кириладиган эшик бор.

Мақбара учун томонлари 95,4 метр, баландлиги 5,5 метр оқ мармардан қилинган асосий пойдевор майдони ичида тўрт бурчагига уч қаватли, тепаси айвон ва гумбаз билан тугалланган шинам минора ўрнатилган. Мақбаранинг тўрттала томони баб-баравар, тенг ва бир хил бўлиб, баланд пештоқли аркка эга. Мақбара ичидаги марказий хона (зал) катта саккиз қирралик бўлиб, унинг ўртасида кириш аркаси қаршисида Мумтоз Маҳал даҳмаси-қабр тоши, унинг ёнида эса Шоҳ Жаҳон қабр тоши қўйилган. Иккала қабрнинг саккиз қирралик, томонлари 3,71 метр, баландлиги 1,88 метр нафис тўрсимон, панжарасимон мармар билан ўралган катта хонанинг(залнинг) тепаси ярим айлана шаклида гумбази бўлиб, энг баланд жойи 25,6 метрга тенг. Бу катта хонанинг деворлари, тепаси, поли, хуллас, барча жойи жуда ҳам силлиқланган оқ мармардан ишланган. Силлиқ деворларга нафис, нозик шаклдаги мураккаб қадама нақш ишланган. Деворларга қараган ҳар қандай одам ишланган гўзалликни кўриб, ҳайрон бўлиб, лол қолади. Мақбара ичидаги барча хоналар, жойлар, токчалар ва бошқа иншоот қисмлари шундай жойлаштирилганки, инсон кўриб, қалби албатта қувонади, ҳаяжонланади, кўриб тўймайди.

Мақбаранинг томонлари 57 метрдан бўлиб, мутаносиблик аниқ сақланган. Деворлар баландлиги 33 метр, гумбазники 24 метр, пойдевордан гумбазнинг энг баланд найзасимон учигача 74 метр, аркалар баландлиги 20 метр. Умумий мақбара биноси пойдевори ердан 6,87 метрга кўтарилган бўлиб, зиёратчилар учун мақбара биноси барча жойдан бир хил, яққол гўзал бўлиб кўриниб туради.

Ҳиндистонликлар Тож Маҳал мақбараси гумбазини коинотда, бўшлиқда жим қотиб турган ҳаво тахтига ўхшатадилар. Ҳар бир мармар плитанинг четларидаги қирралари ярим доира шаклига келтирилиб, бир-бирининг устига қўйилгандан кейин девор кўриниши ҳар қандай одамда кучли таассурот қолдиради.

Хуллас, Тож Маҳал мақбарасида ишлатилган оқ мармар товланиб туради. Яъни қуёш чиққанда бошқача, пешинда бошқа, оқшом эса бутунлай ўзгача товланади. Айниқса, тўлин ой кечалари гўзал, мафтункор, латофатли, сеҳрли тусга киради. Шунинг учун бўлса керак, кўплаб хорижий сайёҳлар уни тўлин ой кечалари мириқиб, тўймай кўришга ишқибоз бўладилар.

Ҳиндистондаги кўплаб тарихий обидаларда оқ мармар ишлатилмаган. Шоҳ Жаҳон оқ мармарни биринчи марта Тож Маҳал мақбарасида ишлатиб, тайёр бўлган мармар плиталар махсус рангсиз бўёқ-лакли ваннага солинган ва кейин махсус мосламада қуритилиб, ишлатилган бўлиши керак. Шунинг учун бу оқ мармарли мақбара биноси доимо жилоланиб, одамларни мафтун этиб туради. Бу лак сири ҳанузгача очилмаган.

Барча дарвозалар бинолари ҳам ўзларининг улуғворлиги, буюклиги, нафиснозиклиги, безаклари билан мафтункордир. Айниқса, нафис-нозик нақшлар безаги жуда моҳирлик билан бажарилган. Арка атрофига қадама нақш билан оқ мармарга ўйиб ёзилган ёзувлар шундай қойилмақом қилиб ёзилганки, томошабин ёзувдан узоқлашган сари, ёзув катталашиб боради. 24 метрли баландликда бўлса ҳам худди одам бўйидек бўлиб туюлади.

Мақбара қурилишида ишлатилган турли-туман ноёб материаллар турли мамлакатлардан келтирилган. Оқ мармар Жойпурдан, биллур, зумрад ва бошқа қимматбаҳо тошлар Ҳиндистоннинг турли вилоятларидан, яшил рангли нафис тош Уралдан (Россия), ҳаво рангли қимматбаҳо тош Шри Ланкадан, ёқут Бадахшондан келтирилиб ишлатилган.

Мумтоз Маҳал сағанасининг бош томонига жаҳонда иккинчи ўринда турадиган "Кўҳинур" олмоси қадаб қўйилган (1736 йил Нодиршоҳ Афшор Ҳиндистонга қилган юришида жойидан кўчириб, Эронга олиб кетган).

Мақбара қурилишида Эрон, Ироқ, Арабистон, Шом, Туркиядан келган меъмор, усталар иштирок этган. Мовароуннаҳрдан кўплаб меъморлар, кошинсозлар, сангтарошлар, хаттотлар иштирок этганлар. Булар ичида, айниқса, самарқандлик меъмор-лойиҳачи, машҳур Муҳаммад Шариф ва бухоролик ҳайкалтарош Ато Муҳаммаднинг меҳнатлари буюкдир.

Мақбара 1648 йили 17 йилда қуриб битказилди, бошқа қўшимча қурилишлар 1653 йили поёнига етди. Мақбара қурилишига камида 30 миллион рупия сарф бўлган (меъморнинг ўртача ойлиги 800 рупия бўлган).

Шоҳ Жаҳон бу мақбара қурилиши давомида бир қанча ижобий ўзгартиришлар киритиб, унинг жозибали, гўзал бўлишига олиб келди. У севиклиси тимсолини ўзи васият қилгандай бажариб, унинг руҳий ҳаёти, ички кайфияти, қадр-қиймати, барча кечинмаларини Тож Маҳалда ифода этди.

Шоҳ Жаҳон "Темур тузуклари"ни эски турк тилидан форс тилига таржима қилдирди. Шоҳ Жаҳон бобоси Амир Темур каби ўзидан кейин улуғ ёдгорлик қолдирди. Бобосининг ишини давом эттириб, Темурийлар авлоди нималарга қодирлигини, нафақат саркардалик, балки санъат, адабиёт, меъморчиликда ҳам тенгсизлигини жаҳон миқёсида ўз сиёсий, тарихий, ўчмас ишлари билан исботлади ҳамда инсоният тараққиётида ўз ўрнини топди.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД**

*Асака ва Шаҳрихон туманларининг ёш табиатшунослари маркази экологик тарбия беришда сезиларли ютуққа эришмоқдалар.*

*Хавфу хатарни бартараф этиш милиция ходимларидан нафақат куч-қувватни, балки сергак ва зийрак бўлишни ҳамда ақл билан иш тутишни ҳам талаб қилади.*

Qonun va fuqaro

# БИРЖАЛАР ВА БИРЖА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

## (31-МАҚОЛА)

Биржа... Мустақилликдан кейин истеъмолга кириб келган фаол сўзлардан бири. Тўғри, биз илгари ҳам бу сўз билан таниш эдик, фақат энциклопедиялар орқали. Бугунги кунда, айниқса, ўтган асримизнинг 90-йиллари ўрталарида биржа деганлари шунчалик кўпайиб кетдики, худди тижорат дўконларига ўхшаб.

Хўш, биржа ўзи нима? Биржа фаолияти нималардан иборат? Унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар мавжудми?

Мамлакатимизда биржалар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинган. Ушбу қонун 32 моддадан иборат бўлиб, ўз даври учун бирмунча прогрессив аҳамиятга эга эди. Бу шу билан изоҳланадики, мустақилликнинг дастлабки йиллари иқтисодиёт соҳасида турли мулк шаклларига асосланган бозор муносабатлари ва қолаверса, ҳаёт,ислоҳотлар шиддат билан ривожланиб кетдики, ушбу қонун ҳам ана шундай шароитда юзага келди. Биржа тушунчаси, биржа фаолиятини ташкил қилиш, устав жамғармаси, биржа фаолиятининг асосий қоидалари, операциялари, биржа товарлар экспертизаси, биржани давлат томонидан тартибга солиш, фаолиятини лицензиялаш, низоларини ҳал қилиш тартиби ва биржа субъектларининг жавобгарлиги каби масалалар ўша қонундаёқ ўз аксини топганди.

Ушбу қонунга кўра, биржа аввалдан тайинланадиган манзил ҳамда вақтда, белгиланган қоидалар асосида очиқ савдо-сотиқ ўтказиш орқали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш учун шароитлар яратувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган корхонадир. Биржанинг устав фонди ўша давр пул бирлиги бўйича 50 миллион сўмдан кам бўлмаслиги белгиланди.

2001 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан мутлақо янги таҳрир ва мазмунда "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида" қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда биржа тушунчаси аввалги қонундагидек, деярли сақлаб қолинди. Биржа — юридик шахс бўлиб, мустақил хўжалик субъекти ҳисобланади. Амалдаги қонун бўйича устав фондининг миқдори у рўйхатга олинган санадаги ҳолатга кўра қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн минг баравари миқдоридан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Биржада, содда қилиб айтганда, биржа товарлари савдоси бўлади. Шу маънода эркин муомаладаги товарлар, шунингдек, товарга доир стандарт контракт биржа товари ҳисобланади. Ер, ер ости бойликлари, сувлар, бошқа табиий ресурслар, маданий мерос, интеллектуал мулк объектлари кабилар биржа товари бўлиши мумкин эмас. Биржа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воситачилик фаолиятини бевосита амалга ошириши, бошқа юридик шахсларнинг муассасаси бўлиши мумкин эмас.

Биржа билан боғлиқ биржа листинги, брокерлик, брокер, дилер, биржа битимларининг турлари (форвард, фьючерс, опцион битимлар) каби тушунчаларга изоҳлар берилган.

Биржа листинги деганда, қонунга кўра, биржа товарларини биржа савдоларига қўйиш тартиби тушунилади. Брокер-олди-сотди битимлар тузилишида ўз мижозларининг топшириғига биноан ва уларнинг номидан воситачилик хизматини амалга оширувчи; дилер — биржада ўз номи ва ўз ҳисобидан воситачиликни амалга оширувчи шахсдир. Брокерлик ўрни - биржа томонидан юридик ва жисмоний шахсларга, одатда, пуллик асосда бериладиган, биржа битимларида ва биржа фаолиятида мазкур қонунга мувофиқ иштирок этиш ҳуқуқидир. Ушбу ўрин биржа акциядорига уни сотиш ҳуқуқисиз берилади. Биржа аъзолари — биржа томонидан белгиланган юридик ва жисмоний шахслардир. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари, биржа ходимлари биржа аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Биржа битими — биржа томонидан рўйхатга олинган олди-сотди шартномасидир. Биржада рўйхатга олинган битимлар қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари нотариал тасдиқланмайди.

Биржада юридик тилда айтганда, форвард, опцион битимлар тузилади. Форвард битимлар — муддати кечиктирилган ҳолдаги реал товарни етказиб бериш ҳақидаги олди-сотди битимлари; фьючерс битимлар — товарларга доир стандарт контрактларнинг олди-сотди битимлари; опцион битимлар — товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нарх бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди битимларидйр. Шунингдек, биржада реал товарни бошқа шахсга топшириш ёки етказиб бериш ёхуд товарга мулк ҳуқуқини берувчи хужжатларни ўзгага топшириш билан боғлиқ битимлар ҳам тузилиши мумкин.

Биржа битимининг мазмуни ошкор қилиниши мумкин эмас (айрим реквизитларидан ташқари).

Хулоса қилиб айтганда, қонуннинг ушбу, янги таҳриридан кейин биржалар фаолияти анчайин тартибга келди. Бугунги кунда Ўзбекистонда кўчмас мулк, валюта, товар хомашё биржалари каби турлари фарқланади. Улар бозор муносабатларининг ўзига хос инфратузилмаларидан ҳисобланади.

**Миродил БАРАТОВ, Шоира ЮЛДАШЕВА**

Seminar

# ЛОЙИҲА ЎРГАНИЛИБ, ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

*Тошкент туризм касб-ҳунар коллежида "Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежларида Германия техник ҳамкорлик Маркази лойиҳаси доирасида меҳмонхона хўжалиги, ресторан иши ва туризм соҳаси бўйича кичик мутахассислар тайёрлашдаги тажрибалар ва муаммолар" мавзуида семинар ўтказилди. Уни ЎМКҲТ Марказининг биринчи ўринбосари Х. Маъсудов очди.*

*Анжуман давомида "Олмота шаҳрида бўлиб ўтган IX Халқаро конференция натижалари билан таништириш", "Тошкент туризм касб-ҳунар коллежида меҳмонхона хўжалиги, ресторан иши ва туризм соҳаси бўйича кичик мутахассислар тайёрлашдаги тажрибалар", "Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ишлаб чиқариш амалиётидаги муаммолар", "Пилот касб-ҳунар коллежларида Германия техник ҳамкорлик Маркази лойиҳаси доирасида ошпазлар тайёрлашнинг жиҳатлари ҳақида" каби мавзуларда маърузалар қилинди. Дарвоқе, тушлик пайтида семинар иштирокчилари мазкур таълим муассасасида таҳсил олаётган бўлажак меҳмонхона мутахассисларининг хизматидан баҳраманд бўлишди.*

*Семинар очиқ мунозара, суҳбат ва савол-жавоб асносида ўтди.*

**Ғ. ЖАБИЕВ, "Ma'rifat" мухбири**

# УЧРАШУВ

**Яқинда Низомий номидаги ТДПУда Ўзбекистон Миллий академик драма театрининг иқтидорли актрисаси Мадина Мухторова билан учрашув бўлиб ўтди. Университет талабалари санъаткорни яхши кайфият ва кўтаринки руҳ билан кутиб олишди. Улар актрисанинг ҳаёти, фаолияти, режалари ҳақидаги ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Ўз ўрнида педагогика ва психология факультетининг биринчи курс талабалари ҳам Янги йил табриги сифатида йиғилганларга, учрашув меҳмонларига ҳаётимизда учраб турадиган муаммолар, айрим оилаларнинг арзимас сабаблар билан бузилиш оқибатлари, қизларнинг оила деб аталган муқаддас даргоҳга енгил-елпи кўз билан қарашларини очиб берувчи саҳна кўринишларини намойиш этишди.**

**Гулзода БОЙМУРОДОВА, ТДПУ талабаси**

Milliy dastur — amalda

# УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА

## педагог кадрларни иш билан таъминлашда қўл келаётир

***Навоий Давлат педагогика институти республикамиздаги энг ёш олий ўқув юртларидан бири. Бу йил институтга мустақил олий ўқув юрти мақоми берилганига роппа-роса ўн йил тўлди. Бу ерда ўзбек, рус, қозоқ тилларида таълимнинг кундузги ва сиртқи шаклларида 15 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда.***

***Махсус мухбиримиз институтда педагог кадрларни тайёрлаш ва бу билан боғлиқ жараёнлар хусусида ўқув ишлари бўйича проректор Б.Избосаровдан қуйидаги маълумотларни олди.***

— Миллий дастурнинг иккинчи босқичидаги асосий вазифа фақат мутахассис кадрларни етказиб бериш эмас, балки уларнинг етук мутахассис бўлишини ҳам таъминлашдир. Институтимизда ўзбек, рус, қозоқ тилларида таълимнинг кундузги ва сиртқи шаклларида ўн беш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрланади. Вилоятимиз ҳудудларида таълим ўзбек, рус, қозоқ, тожик, туркман ҳамда қорақалпоқ тилларида олиб борилиши институтимиз олим-педагоглари олдига муаммолар ва уларнинг ечимини топиш билан боғлиқ бир қанча вазифаларни қўяди. 2002 йилдан бошлаб бошланғич таълим ва мактабгача таълим ихтисосликлари бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар учун махсус сиртқи бўлим фаолият кўрсатмоқда. Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режаларида белгиланган барча фанлар бўйича ўқитувчилар тайёрлаш муаммоси ҳам йўқ эмас. Ушбу муаммони ҳал қилишга доир таклифлар билан Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилдик. Яқин келажакда институтимизда вилоят миқёсида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган муассасаларга юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш имкониятига эга бўламиз, деган ниятдамиз.

Бугунги мактаб ўқувчисининг ахборот олиш имкониятлари чексиз: радио, телевидение, матбуот, интернет, алоқа тизими ва бошқалар. Ҳозирги даврда ўқитувчи фақат билим берувчи ёки тарбиячи эмас, балки билим олишга ўргатувчи, йўналтирувчи ва мувофиқлаштирувчи вазифасини бажариши даркор. Айниқса, ёш авлодни ёт ахборотлардан, энг аввало, унинг мафкураси ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатувчи ғоялардан асраш ўқитувчи зиммасига тушади. Шунга мувофиқ кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини белгиловчи асосий омиллар ва талаблар бўйича қатор ишлар амалга оширилаяпти. Бундаги асосий жиҳат бир нечта: илмий-педагогик салоҳият, ўқув-моддий таъминот, ўқитишнинг замонавий технологиясидан хабардорлик ва уларни таълим жараёнида қўллаш, ўз фаолиятини таҳлил қилиб бориш ва изланиш, ташаббускорлик, шогирд ҳаракатини рағбатлантириш.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек тили, тарих, информатика бўйича 2002 йилда магистратурага қабул биринчи марта амалга оширилди. 2003 йилдан бошлаб институтимиз қошида аспирантура фаолият кўрсата бошлайди. Бугунги кунда илм-фан йўлини танлаган ёшлар учун барча шарт-шароит, имтиёзлар яратилмоқда. Албатта, талаб ҳам шунга яраша бўлмоқда. Илмий-тадқиқот иши билан шуғулланиш ёш ўқитувчиларга қўйиладиган биринчи талаб ҳисобланади. Институт қошида "Устоз-шогирд" анъанаси йўлга қўйилган. 4 нафар проректорнинг 3 нафари, 7 та факультет деканининг 5 нафари ҳамда қатор кафедра мудирлари 45 ёшгача бўлган профессор-ўқитувчилардан иборатдир.

Битирувчилар тақсимоти апрель ойида вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларининг раҳбарлари иштирокида амалга оширилади. Ёш мутахассисларнинг ишга жойлашиши бўйича таълимнинг бошқарув органлари билан ҳамкорлик бугунги кунда яхши йўлга қўйилган. 2001-2002 ўқув йилида 15 та таълим йўналиши бўйича 563 нафар талаба институтни тугатган бўлса, уларнинг 432 нафари ёки 76 фоизи Навоий вилояти таълим муассасаларига ишга юборилиб, олинган аниқ маълумотларга кўра, ёш кадрларнинг 85 фоизи ишга жойлашган. Халқ таълими вазиригининг 2000 йил 2 майдаги 01-344-сонли ҳамда Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 4 майдаги 59-01-202-сонли қўшма буйруғига асосан, институтда таълим олувчи, истеъмолчи (туман ёки шаҳар, халқ таълими бўлими) ва институт ўртасида уч томонлама шартнома тузилмоқда. Унга мувофиқ, битирувчи у ёки бу туманга ишга бориш, истеъмолчи эса иш билан таъминлаш мажбуриятини олган. 2003 йилдан эътиборан, амалиётда битирувчиларнинг иш жойига етиб бориши, айниқса, зарур соҳалар бўйича ишга жойлашишини назорат қилиш бўйича мониторинг ташкил қилиниши ва амалий ишлар олиб борилаётганлиги ҳам диққатга сазовордир..

**Ўткир ПЎЛАТ ёзиб олди.**

# ТАБИАТГА МУҲАББАТ ТАСАВВУРНИ КЕНГАЙТИРАДИ

*Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат бойликларидан тежамли фойдаланиш, уни келажак авлод учун сақлаб қолиш табиатга бўлган муносабатларни қайта кўриш зарурлигини тақозо этмоқда. Ана шу эҳтиёж эса экологик таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали ечимини топади. Андижон вилояти ёш табиатшунослар маркази фаолиятининг асосий мезони ҳам шунга йўналтирилган бўлиб, у умумий таълимнинг таркибий қисмига айланди.*

*Марказда табиатшуносликка доир 23 та тўгарак ташкил этилган. Уларнинг барчаси ёшларда табиат, олам ҳақида тўлиқ тасаввурларни таркиб топтиришда, табиат билан инсон орасидаги узвий боғланиш қонуниятларини тушуниб етишларига кўмаклашяпти. Натижада болалар ўзи яшаётган табиий муҳитни, фойдаланаётган сувни, нафас олаётган ҳавони ва истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини тоза сақлаш кўникмаларини ҳосил қилмоқдалар. Ўқувчилар тўгаракларда олган билим ва кўникмалари туфайли мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган ёш табиатшунослар кўрик-танловларида фаол иштирок этмоқдалар.*

*Асака ва Шаҳрихон туманларининг ёш табиатшунослари маркази экологик тарбия беришда сезиларли ютуққа эришмоқдалар. Улар ўқувчи-ёшларда гулга бўлган меҳр ва муҳаббатни орттиряптилар. Ҳозир ушбу марказларда гул ўстириш, етиштириш уруғчилиги бўйича ўзига хос мактаб яратилди, десак муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам иккала туманнинг ёш гулчилари мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган "Гуллар байрами"да фахрли ўринни эгалладилар.*

*Андижон туманидаги 25-мактаб, Олтинкўл туманидаги 6-мактаб, Шаҳрихон туманидаги 22-мактаб ўқувчилари—Зулфия Отажонова, Элдорбек Тўйчиев ва Мухлиса Жабборовалар эса Сирдарё вилоятида "Табиат: кеча, бугун, эртага" анжуманида қатнашиб, Андижон табиати, атроф-муҳити, ҳайвонот олами ҳақида маъруза қилиб, тенгдошлари эътиборини қозондилар. Вилоят ўқувчи-ёшларининг экологик таълим-тарбияси юқори савияда эканлигини амалда намойиш қилдилар.*

*Марказда 23 нафар табиатшунос-педагог ишлайди. Уларнинг барчаси тўгарак аъзоларига табиат сирларини эгаллашлари бўйича сабоқ беришда ўз услубларига эга. Халқ таълими бўлимлари ҳамкорликда "Болалар дастури"ни ишлаб чиқдилар. Марказнинг жойлардаги 8 та шахобчасига она-табиатга қизиқувчи 4578 нафар бола жалб этилган. Табиат ишқибозлари ўртасида тез-тез "Топқирлар ва зукколар" мусобақасини ўтказиш анъанага айланди.*

*Бугина эмас, Марказда ёш табиатшунослар билан машғулот ўтказишга доир ўқув қўлланмалари ҳам ишлаб чиқиляпти. Яқинда вилоят халқ таълими бошқармаси услубий таълим бўлими билан ҳамкорликда "Экология таълим жараёнида" деб номланган ўқув қўлланмаси тайёрланди.*

**О.СИДДИҚОВ**

Hodisa

# ТУНГИ ОЛИШУВ

Қуатбой ўшанда 2-синфда ўқирди. Бир куни мактабдан қайтаётганида бир милиция ходимининг уч нафар безорилар билан олишаётганини кўриб қолди. Бола эмасми, қизиққонлиги учун воқеани кузатиб турди. Безориларга чап бериб, уларнинг ҳужумини бартараф этаётган, орада яхшигина мушт тушириб, уларнинг бирини ерга қулатган ва кейинчалик яна бирини шу аҳволда енгиб, қочмоққа шайланган учинчиси ортидан қувиб бориб қўлига кишан солган милиция ходимига ҳавас қилганди.

Тошкент шаҳар Сирғали тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори Қуатбой Оспанов хизмат фаолияти даврида болалигида гувоҳ бўлганидек воқеаларга жуда кўп дуч келди.

У Сирғали тумани Сирғали—5-мавзеси 50-уй олдида тунги соат 03.30 ларда хизматда юрганди. Ёнида "Ўзгариш" маҳалласи посбони Акбар Ҳидоятов ва "Иттифоқ" маҳалласи посбони Геран Малхасян ҳам бор эди. Бирдан радиоалоқа орқали Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ходимларидан икки номаълум шахснинг енгил автомашинага ҳужум қилиб, машина ҳайдовчисига нисбатан талончилик жиноятини содир этиб қочиб кетгани, шундан сўнг уларни ушламоқчи бўлган икки нафар милиция ходимини ҳам оғир яралаб, воқеа жойидан ғойиб бўлгани ҳақида хабар олишди. Дарҳол ҳушёрликни икки ҳисса оширган ҳолда маҳалла ҳудудини текшира бошладилар. Ярим тун эмасми, ҳаммаёқ жим-жит. Қоронғулик, тунги сокинлик ўз ҳукмини ўтказган. Баланд қаватли уйларнинг бир-иккита хоналарини айтмаса, барча хонадонларда чироқлар ўчган, ҳамма ширин уйқуда. Бироз вақт ўтгач, улар автомобиль бозори тарафдан келаётган шарпани эшитадилар. Шарпа яқинлашган сари уларнинг бўй-басти ойдинлаша бошлайди. Ярим кечаси санғиб юрган бу кишиларнинг ҳаракатини панада туриб кузатаркан, уларнинг атрофга олазарак боқишидан, ўзларидан ҳам хавфсирагандек оҳиста юриб келишидан бу икки шахснинг радиоалоқадан узатилган хабарда берилган жиноятчилар эканлигини дарҳол пайқашди.

Зудлик билан алоқага чиқиб, бу ҳақда туман ИИБ навбатчилик қисми хабардор қилгач, Қуатбой уларни қўлга олиш чорасини кўради. Чунки уларда совуқ қурол—пичоқ борлиги ҳақида қайта-қайта айтилган, эҳтиёт чораси кўрилмасдан уларни тутишга уринмаслик тайинланганди. Чунки бу шахслар икки нафар милиция ходимига оғир тан жароҳати етказиб қочиб кетишганини Қуатбой яхши биларди.

Қуатбой Оспанов гумон қилинган шахслар хавфсирамаслиги, милиция формасини кўриши билан кўздан ғойиб бўлмаслиги учун дарҳол кийимларини алмаштириб, маҳалла посбонлари билан биргаликда уларнинг олдига пешвоз чиқди.

Содир этган жиноятлари учун қидирувда бўлган жиноятчиларнинг хавфи бартараф этилди. Муқаддам 2 маротаба судланган Эдуард Ахметшин ва Александр Федотовлар профилактика инспектори, милиция лейтенанти Қуатбой Оспановнинг вазиятни тўғри баҳолай олиб, тезкор тадбирни тўғри амалга оширгани туфайли қўлга олиндилар.

Аммо минг афсуски, ундан олдинги икки нафар милиция ходими ушбу қуролланган хавфли жиноятчилар билан олишувда олган оғир тан жароҳатидан сўнг касалхонада вафот этишди.

Хавфу хатарни бартараф этиш милиция ходимларидан нафақат куч-қувватни, балки сергак ва зийрак бўлишни ҳамда ақл билан иш тутишни ҳам талаб қилади.

Республика Ички ишлар вазирлиги ва Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси раҳбарияти тавсиясига кўра Қуатбой Оспановнинг жасорати Президентимиз томонидан муносиб тақдирланди. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида Қуатбой Оспанов 2-даражали "Шон-шараф" ордени билан мукофотланди.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси МТБ катта инспектори, милиция майори**

# МЕҲНАТКАШ МУАЛЛИМ ҚАДРИ



Ҳаётда инсоннинг ўз меҳнатидан ширинроқ ва қадрлироқ ҳеч нарса бўлмаса керак. Машаққатли меҳнатнинг орқасидан келган "бойлик"нинг нақадар жозибадор, сирли эканлигини вақт ўтган

Ta'lim fidoyilari

сайин пайқайсан, киши. Шунда беихтиёр ҳаётнинг тотли ва мазмунли ўтганлиги ўз-ўзидан сезилади. Чироқчи туманидаги 90-ўрта мактабда бир неча йиллардан буён илмий бўлим мудири вазифасида ишлаб келаётган Эшмўмин Сориевнинг педагогик фаолиятидаги ютуқлари машаққатли меҳнат орқасидан келган, дейиш мумкин.

Дастлаб у меҳнат фаолиятини ўзи ўқиб битириб чиққан мактабда кутубхона мудирлигидан бошлаган. 1978 йилда Қарши педагогика институтини (ҳозирги ҚарДУ) сиртдан туғаллаб, ўз мутахассислиги бўйича табиат-география фанидан ўқувчиларга сабоқ бера бошлайди. Э. Сориев зукко ва талабчанлиги билан ўқитувчилар орасида тезда кўзга ташланади. Шу боис, 1986 йилдан бугунга қадар илмий бўлим мудири вазифасида ишлаб келмоқда. У нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар билан ҳам тил топишиб, ижодий муҳит оғушида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Дарсларнинг мунтазам равишда узлуксиз олиб борилиш ҳолатини доимий кузатиб бориб, кези келганда ўқитувчиларга керакли маслаҳатлар беради. Унинг бу соҳадаги баланд-пастликларни илғаб фаолият юритиши ҳамиша теварагидаги ўқитувчиларга ўрнак бўлиб келган. 1989 йил Э.Сориевнинг "Мактабда кабинет тизимини ташкил қилиш" мавзуидаги илмий бўлим мудирлик фаолияти вилоят бўйича оммалаштирилган. Унинг бу тажрибасини бугунга қадар вилоят бўйича мактабларнинг илмий бўлим мудирлари қўллаб келмоқда.

"От изини той босар", деганларидек, унинг уч нафар фарзанди ота касбини танлаган. "Бугун ўқитувчи нонининг нақадар тотли эканлигини фарзандларим ва шогирдларим қиёфасида кўряпман", дейди у.

**Ғофур ЖАБИЕВ**

# ИЛК БОСҚИЧ БЕЛЛАШУВЛАРИ ЯКУНЛАНМОҚДА

*Мана бир неча йилдирки, юртимизда ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилиш мақсадида яратилган уч босқичли спорт тизими талабларига асосан мамлакатимиз таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасалари ўқувчи-талабалари ўртасида оммавий равишда спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ЎМКҲТ муассасаларида таълим-тарбия олаётган ўқувчи-ёшларни жисмоний ва ахлоқан баркамол тарбиялаш, соғломлаштириш мақсадида ташкил этилаётган мусобақалардир.*

*Шу кунларда мазкур мусобақаларнинг илк босқич беллашувлари таълим муассасалари доирасида якунланиб, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-ёшларидан таркиб топган жамоалар туман ва шаҳар миқёсида "Баркамол авлод — 2003" спорт ўйинларининг кейинги вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмани қўлга киритиш учун ўзаро баҳслашишмоқда. Оммавий тус олган бу ўйинларда мамлакатимиз ЎМКҲТ муассасаларининг деярли барча ўқувчи-ёшлари қамраб олинган. Биргина Тошкент шаҳрини олиб қарайдиган бўлсак, бу спорт мусобақаларининг биринчи босқичида пойтахтимизда мавжуд бўлган 115 та таълим муассасаси ўқувчи-талабаларининг 60 мингдан зиёди иштирок этмоқда. Спортнинг ҳар бир тури бўйича жамоалараро беллашувлар барча шарт-шароитларга эга бўлган таълим масканларида ташкил қилинмоқда. Масалан, муросасиз беллашувлар сузиш бўйича С.Раҳимов қурилиш ва миллий ҳунармандчилик, белбоғли кураш бўйича Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежларида юқори даражада ўтказилди. Куни кеча Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган беллашувларда эса Мирзо Улуғбек туманида жойлашган технология ва информатика касб-ҳунар коллежлари жамоалари футбол бўйича баҳслашиб, натижада технология коллежи ўқувчи-ёшлари 3:1 ҳисобида, баскетбол бўйича ўтказилган мусобақада информатика коллежи спортчилари геодезия ва картография техникуми спортчиларини 18:14 ҳисобида енгиб, шаҳар босқичига йўлланма олишди.*

*— 2003 йил Андижон вилоятида ўтказиладиган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари таркибига спортнинг шохмот, қўл тўпи, бокс, бадиий гимнастика, оғир атлетика каби турлари ҳам киритилиб, эндиликда ўқувчи-ёшларимиз спортнинг 14 та тури бўйича баҳс юритишади, — деди ЎМКҲТ Маркази ўқув адабиётлари, ахборот ва таҳлил бўлими бошлиғи Абдиқодир Норқулов. — Спорт турлари кўпайиши билан уларда қатнашадиган иштирокчилар сони ҳам ортиб, жами 2786 нафарни ташкил этмоқда. "Баркамол авлод" спорт ўйинлари Низоми қайта кўрилиб, қўшимча таклифлар киритилди. Бундан ташқари, ушбу мусобақаларнинг ҳар бир спорт турлари бўйича намунавий спорт либосларини тикиш тўғрисидаги Йўриқнома ҳам ишлаб чиқилиб, нашрдан чиқарилди ва ҳудудий бошқармаларга тарқатилди. Ҳозирги кунда ЎМКҲТ муассасалари спорт кийимлари тайёрланиб, кўргазмага қўйилди. Шу билан биргаликда "Баркамол авлод" спорт ўйинлари машъаласини ёқиш ва уни якуний финал босқичи ўтказиладиган манзилга олиб бориш маросимининг Низоми ва махсус ритуали ишлаб чиқилиб, унда қатнашувчилар сони аниқланди.*

**Нурлан УСМОНОВ**

# УНИВЕРСИАДА БЕРГАН ХУЛОСА

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан 2 йил муқаддам асос солинган олий ўқув юртлариаро "Универсиада" спорт ўйинлари жорий йилда Бухорода зўр муваффақият билан ўтказилди. Унда республикамиздаги 60 га яқин олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган минглаб талабалар спорт соҳасида ўз куч ва имкониятларини намойиш қилдилар.

Спортнинг 12 тури — волейбол, баскетбол, қўл тўпи, енгил атлетика, дзю-до, кураш, белбоғли кураш, сузиш, шахмат, стол тенниси, катта теннис ва футбол бўйича мусобақаларда 91 та олтин, 91 та кумуш ва 113 та бронза медаллари учун баҳслар бўлди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоаси 36 та олтин, 23 та кумуш ва 16 та бронза медалларини қўлга киритиб, биринчи ўринни қўлга киритган бўлсалар, иккинчи ўринга жамоа ҳисобида юқори кўрсаткичларга эришган Навоий давлат педагогика институти талабалари сазовор бўлдилар. Улар ҳисобида 9 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронза медали жам бўлди. Ушбу натижалар мазкур олий таълим муассасаларида спортни оммалаштириш тадбирларининг изчил амалга оширилаётганлигидан далолат.

"Универсиада-2002" ўйинларида асосий баҳслар сузиш, дзю-до, кураш, енгил атлетика спорт турлари бўйича бўлиб ўтди. Навоий давлат педагогика институти талабалари сузиш тури бўйича асосий олтин шодаларини қўлга киритган бўлсалар, Тошкент давлат иқтисодиёт университети толиблари жамоаси дзю-до, баскетбол, сузиш, стол тенниси ва шахмат бўйича юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Таъкидлаш лозимки, спортда ғолибликка икки йўл билан эришилади, яъни биринчиси рақибдан устун келиш ва иккинчиси спорт меъёрий (разряд, рекорд ва ҳоказо) талабларини аъло даражада бажаришдир. Мамлакатимизда ўтказилаётган турли спорт мусобақалари, шу жумладан "Универсиада" ўйинларида ҳам ғолиблик тамойиллари устуворлик қилмоқда. Спорт меъёрий талаблари кўрсаткичлари бўйича ўринларни эгаллаши эса иккинчи ўринда бўлиб қолмоқда. Бу ҳол спортчиларнинг маҳоратини ошириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга маълум даражада салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, баъзи олий ўқув юртлари республика миқёсидаги нуфузли бу мусобақадан четда қолмоқдалар. Айрим муассасалар бу йирик спорт анжуманида "хўжакўрсин"га иштирок этишяпти. Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети, Тошкент архитектура-қурилиш, Молия, маданият институтлари, ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси шулар жумласидан.

Айни пайтда 2004 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган "Универсиада" ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу борада олий ўқув юртлари спорт мажмуаларини кенгайтириш, улардан талаб даражасида фойдаланиш, 2003 йилда Кореяда ўтказиладиган Жаҳон универсиадасида иштирок этиш учун кўпгина амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Универсиада спорт турлари ва халқ миллий ўйинларини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Шу боис, назаримизда олий ўқув юртларида от ўйинлари — улоқ-кўпкари, пойга, "қирқ тош", "оқ суяк", чиллик сингари ўзбек миллий ҳаракатли ўйинларини универсиада дастурига киритиш лозим. Бу, ўз навбатида ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг миллий спорт турлари билан оммавий равишда шуғулланишларига замин яратади.

**А.ИСТОМИН,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети жисмоний маданият ва спорт кафедраси мудири, профессор,**
**Т.ХОЛДОРОВ,**
**педагогика фанлари номзоди**

*Шу йилнинг 8—11 декабрь кунлари Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўзбек кураши бўйича II Осиё чемпионати бўлиб ўтди.*

*Қизғин баҳсларга бой бўлган II Осиё чемпионатида биринчи ўрин Ўзбекистон, иккинчи ўрин Эрон Ислом Республикаси, учинчи ўрин Монголия давлатига насиб этди.*

# II ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

*Чемпионат якунида Осиё кураш конфедерацияси президенти Жагдиш Татлер чемпионатнинг энг яхши курашчилари: эркаклар ўртасида мутлақ вазн тоифасидаги ғолиб эронлик Аркап Ифоти, аёллар ўртасида 63 кг вазн тоифасидаги ғолиб—монголиялик Нурмандан хонимларга махсус совғалар топширди.*

**Севиндиқ ШОДМОНОВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

# КЕМПО МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Tadbir

**Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш, камол топтириш, улар орасида спортни янада оммавийлаштириш мақсадида турли хил мусобақалар, турнирлар ташкил этилмоқда. Уларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилган ва яратиб берилмоқда. Шу мақсадда Самарқанд вилоятида шарқ якка кураши ва қўл жанги федерацияси қошида Кемпо, яъни японча қўл жангги маркази ташкил этилган бўлиб, марказ икки йиллик фаолияти давомида минглаб ёшларни спортнинг бу тури билан шуғулланишга жалб этиб келмоқда. Яқинда Самарқанд шаҳридаги "Боғишамол" спорт мажмуасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Шарқ якка кураши ва қўл жанги Федерацияси ҳамкорлигида японча қўл жанги бўйича Республика чемпионати бўлиб ўтди. Унда 300 дан ортиқ кемпочилар иштирок этди. Жумладан, самарқандлик 9 ёшли Беҳзод Толипов республика чемпиони унвонини қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида эса мезбонлар биринчи ўринни, Тошкент шаҳри жамоаси иккинчи, бухороликлар учинчи ўринларни эгаллашди.**

**Азиз НОРҚУЛОВ,**
**ЎзМУ талабаси**

**Ҳурматли Холби МАҚСУДОВА!**



*Сизни 50 ёшга тўлганингиз муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Ўтган умрингиз давомида таълим-тарбия ишини самарали йўлга қўйиш ва унинг моддий техника базасини мустаҳкамлашдаги саъй-ҳаракатларингиз таҳсинга сазовор.*

*Сизни шундайин шодиёна кунларда табриклаб, келгусидаги фаолиятингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлишини, танингиз соғ-саломат, хонадонингиз ҳамиша файзли бўлишини, кўплаб баркамол шогирдлар тарбиялаб етиштиришингизни тилаймиз. Доимо умрингиз узоқ бўлсин.*

**Тошкент вилояти Паркент туманидаги 4-мактаб жамоаси, шогирдларингиз, оила аъзолари.**

*Вохидова Зубаржат Набиевна номига 27.02.93. йилда берилган №05-02/8546 рақамли уйнинг далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, Марказий қўмита аъзоси Юсуф Абдуллаевга синглиси

**Ирода Агзамова**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, жамоат ташкилотлари Олий ўқув юртлариаро ўқув-методик бўлим бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент Рауф Ярқуловга онаси

**Матоб ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

# 10 САВОЛГА 10 ЖАВОБ

## ёки XXI аср вабоси

*2002 йил ОИТС касаллигига чалинган кишиларнинг 3.1миллиондан ортиқроғи ҳаётдан кўз юмди. Келаётган йилда бу кўрсаткич тахминан 5 миллионга етиши башорат қилинмоқда. Ҳозир эса дунё бўйича 42 миллион киши айнан шу дард исканжасида азоб тортмоқда.*

*Мутахассисларнинг башорат қилишича, ОИТСга қарши курашиш шу зайлда кечадиган бўлса, 2010 йилга бориб хасталанганлар сони яна 45 миллионга кўпайиши мумкин экан. Унинг эса 40 фоиздан ортиқроғи Осиё ва Тинч океани мамлакатларига тўғри келиши айтилмоқда. (Ҳозир ҳам касалликнинг 20 фоизини шу ҳудуд аҳолиси ташкил қилади). Агар бу жойларда кўнгилдагидек профилактик ишлар олиб борилса, айтилган кўрсаткич 29 миллионга тушиши мумкин экан. Лекин, энг ачинарлиси, касалликларга чалинганларнинг 25 фоизи ҳозирда шу ҳудуд ўсмирларига тўғри келмоқда.*

*Хабарингиз бор, 90-йилларда ҳам худди шундай башорат қилинганди. Унда: 2000 йилга келиб Ер юзида 30-40 миллионга яқин киши ОИТС билан хасталаниши тахмин қилинганди. Бу касалликнинг кўп қисми айнан Африка давлатларининг Замбия, Жанубий Африка, Уганда ва Эфиопия давлатларида тарқалиши айтилган эди. Ўша вақтда бу башоратга унчалик эътибор бермаган бўлишимиз мумкин. Чунки, бу давлатлар биздан узоқда жойлашганди. Лекин, шу эътиборсизлигимиз туфайли эндиги кўпайиши башорат қилинаётган касаллик бизнинг Осиёга қаратилди.*

*Биз яна аввалгидек бефарқ бўла оламизми? Йўқ, албатта! Чунки, ажал оёғимиз тагида ўрмаламоқда. Бунга ҳеч кимнинг бефарқ бўлишга ҳаққи йўқ! Ғафлатда қолмайлик!*

*Яхшиси, шу ерда биринчи башорат натижаларига, унинг аянчли оқибатларига рақамлар орқали бир назар солсак.*

| Ҳудуд | Касалликнинг қайд этилиши | Катта ёшдагилар ва болалар ўртасидаги кўрсаткич | Катта ёшдагилар ва болалар даражаси (2002 йилги кўрсаткич) | Аҳоли ўртасидаги тарқалганлик даражаси (2002 йилги кўрсаткич) | Касалланган аёлларнинг даража миқдори |
|---|---|---|---|---|---|
| Жанубий Африка ва Сахари ҳудудлари | 70-йиллар охири — 80-йиллар боши | 29, 4 млн | 3,5 млн | 8,8 фоиз | 58 фоиз |
| Шимолий Африка ва Яқин Шарқ | 80-йиллар охири | 550000 | 83000 | 0,3 фоиз | 55 фоиз |
| Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё | 80-йиллар охири | 6,0 млн | 700000 | 0,6 фоиз | 36 фоиз |
| Шарқий Осиё ва Тинч океан давлатлари | 80-йиллар охири | 1,2 млн | 270000 | 0,1 фоиз | 24 фоиз |
| Лотин Америкаси | 70-йиллар охири — 80-йиллар боши | 1,5 млн | 15000 | 0,6 фоиз | 30 фоиз |
| Кариб ҳавзаси | 70-йиллар охири — 80-йиллар боши | 44000 | 60000 | 2,4 фоиз | 50 фоиз |
| Шарқий Европа ва Марказий Осиё | 90-йиллар боши | 1,2 млн | 250000 | 0,6 фоиз | 27 фоиз |
| Ғарбий Европа | 70-йиллар охири — 80-йиллар боши | 570000 | 30000 | 0,3 фоиз | 25 фоиз |
| Шимолий Америка | 70-йиллар охири — 80-йиллар боши | 980000 | 45000 | 0,6 фоиз | 20 фоиз |
| Австралия ва Янги Зеландия | 70-йиллар охири, 80-йиллар боши | 15000 | 500 | 0,1 фоиз | 7 фоиз |
| Жами: | | 42 млн | 5 млн | 1,2 фоиз | 50 фоиз |

Агарда бу рақамларни мушоҳада қилиб кўрадиган бўлсак, айтилган башоратнинг қанчалик тўғри чиққанини инкор этолмаймиз. Шу боис, биз башорат тўғри чиқар экан деб касалликнинг кўпайишига замин яратмайлик! Унга қарши курашишда ҳаммамиз бир тану бир жон бўлайлик!

### ОИТС КАСАЛЛИГИ НИМА?

ОИТС, яъни орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллиги киши организмидаги иммунитет танқислиги вируси, яъни ОИТВ юқиши оқибатида пайдо бўлади. Ва одамнинг ҳимоя воситаси ҳисобланган иммунитет тизимини жароҳатлайди. Бу касаллик икки даврга бўлинади. ОИТВ инфекцияси даври ва бевосита ОИТС даври. Биринчиси одамнинг иммунитет (ҳимоя) тизимига таъсир кўрсатади. ОИТС эса ОИТВ инфекциясининг якуний даври ҳисобланади.

**ОИТВ инфекцияси ва ОИТСнинг ўртасида қандай фарқ бор?**

ОИТВ инфекцияси инсон организмида вирус бору касаллик аломатлари ҳали намоён бўлмаган давр. ОИТС — касалликнинг сўнгги босқичи. Бунда инсон организми ҳар қандай микробга бардош бериш хусусиятини йўқотади.

**Бу касалликлар қандай аломатлар билан намоён бўлади?**

ОИТВ инфекциясида одам организмига тушган вирус таъсирига иммунитет тизими маълум даражада жавоб қайтаради. Лекин касаллик аломатлари деярли бўлмайди. Уни фақат лаборатория текширишлари кўрсатади. Вирус билан организм ўртасидаги кураш узоқ давом этади. Ва вируснинг ғалабаси билан якунланади. Шу даврда ОИТС бошланган ҳисобланади. Бу вақт учун аломатлар йўқ. Зероки, бу даврда дуч келган микроб касаллик қўзғотиши мумкин. Шунинг учун тузалиши қийин бўлган турли-туман касаллик аломатлари билан намоён бўлади.

**ОИТВ инфекцияси даври қанча муддат давом этиши мумкин?**

Инфекция юққан дастлабки даврларда одам ўзини соғлом ҳис этиши мумкин. Бундай ҳолат ҳеч қандай аломатларсиз 8-10 йилгача чўзилиши мумкин. Бу даврда одам соғломдек кўринса ҳам, ўзи билмаган ҳолда, касаллик вирусини бошқаларга юқтириш хавфи юқори. Аммо касаллик қандай кечишидан қатъи назар, албатта, ОИТС даврига ўтади.

**Касаллик вируслари қайси йўллар билан юқади?**

Вирус инфекцияси юққан одамнинг қонида, эркакларнинг шаҳватида, аёлларнинг жинсий аъзолари чиқиндиларида ва кўкрак сутида бўлади. Шунинг учун вирус асосан уч йўл билан юқади. Қон орқали, жинсий алоқа воситасида ва инфекция юққан онадан ҳомиласига ўтади. Вирус қон орқали юқиши қуйидаги ҳолларда рўй беради:

— томир орқали наркотик модда олувчиларда;

— умумий шприц ва игна ишлатганда;

— тери қоплами бутунлигини бузиб бажариладиган муолажалар воситасида;

— вирус билан зарарланган қон қуйилганда;

— стерилланмаган тиббиёт анжомлари ишлатилганда.

Жинсий алоқанинг ҳар турида. Бундан ташқари оғизда яра бўлган ҳолларда вирус юқади.

Вирус юққан онадан туғиладиган фарзандга ҳомиладорлик даврида, туғиш жараёнида ва гўдакка кўкрак сути билан юқиб қолиши мумкин.

**Вирус бошқа одамга яқин муносабатда бўлганда, яъни қуйидаги ҳолларда юқмайди:**

— Қўл бериб кўришганда, ўпишганда, қучоқлашиб кўришганда;

— йўталганда ва аксирганда;

— умумий телефондан фойдаланганда;

— шифохонадаги беморни бориб кўрганда;

— ҳашаротлар чақиши воситасида;

— умумий ҳожатхонадан фойдаланганда;

— ҳовузда бирга чўмилганда;

— ички ва сиртқи кийимлар орқали.

**ОИТВ/ОИТС ва бошқа таносил касалликлари ўртасида боғлиқлик борми?**

Сифилис (захм), гонорея (сўзак), хламидия ва бошқа таносил касалликларини юқтирган одамларга ОИТВнинг юқиш эҳтимоли 10 марта катта. Киши бетартиб жинсий алоқалардан ўзини тийиши, ОИТВ ҳамда бошқа таносил касалликларидан сақланиши мумкин. ОИТСга даво бўлмаганлигига қарамай, таносил касалликларини даволаш йўллари мавжуд. Шунинг учун таносил касалликларини даволаш ОИТСнинг олдини олиш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Вирус юқиш хавфини қандай камайтириш мумкин?

Дардни даволагандан кўра, олдини олган маъқул. Ушбу ақидага амал қилган ҳолда, аввало, ахлоқан пок юриш лозим. Кейингиси, аввал айтганимиздек, вируснинг юқиш йўлларининг олдини олсак, камайиши мумкин.

**Бу касалликларни қандай даволаса бўлади?**

Афсуски, ОИТСга даво йўқ. ОИТВ юққан даврда киши ҳаётини узайтирувчи дори-дармонлар республикамизда топилиши гумон. Бундан ташқари, улар жуда қиммат. Ҳозирча бу касалликдан сақланишнинг бирдан-бир йўли унинг олдини олиш усулидир. Даволаш учун ҳозирги кундаги мавжуд дорилар фақат касалликнинг ОИТС даврига ўтишини бироз орқага суради. Уларни мунтазам қабул қилиш лозим. Бир йил давомида даволаниш 12-15 минг доллар туради.

**ОИТВ/ОИТС вирусини юқтирган кишилар жамият учун хавфлими? Агарда киши ўзида ОИТВ юқиб қолди, деб ўйласа нима қилиш керак?**

Бу вирусни юқтирган кишилар ўз дўстлари, оилалари ва ҳамкасблари учун ҳеч қандай хавф туғдирмайдилар. Бундай одамлар ёрдамга муҳтождир. Агар киши ўзида бу касаллик юқиб қолди, деб ўйласа, бундай ҳолларда ОИТС профилактика маркази ва улар қошидаги ишонч пунктларига мурожаат қилишлари керак. Бу ерда ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб топишингиз мумкин. Ҳаммаси хуфиёна ва сир сақланган ҳолда иш олиб боради.

### ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Агар ёдингизда бўлса, ВИЧ/СПИД гиёҳвандлик ва жинсий алоқа орқали ўтадиган инфекция (ЖАОЮИ) профилактикаси орқали ўтадиган инфекциялар профилактикаси бўйича Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ агентликлари қўшма лойиҳаси 1999 йил 1 декабрда имзоланганди.

Унинг юзага келиши Тошкент шаҳрида ВИЧ/СПИД гиёҳвандлик бўйича эпидемик вазиятни ўрганиш натижалари билан боғлиқ. Бунда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги лойиҳа тайёрлаш ташаббускори бўлган. Ижро этувчи ташкилот республика СПИД маркази. Лойиҳанинг дастлабки босқичида Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлардан БМТнинг Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик жамғармаси, ВИЧ/СПИД бўйича глобал дастур (ЮНЭЙДС)ва СОРОС жамғармаси ҳомийлик қилишган.

Лойиҳа доирасидаги ишларга тўхталадиган бўлсак, дастлаб 2000 йил 3 июлда 3 та Ишонч пункти (ИП)ташкил қилинди. ИПнинг фаолиятини ЎзССВ бундай пунктларни соғлиқни сақлаш тизимига татбиқ этиш ҳақида буйруқ чиқарди. Натижада республикамизда бундай пунктлар 200 дан ошиб кетди.

Шундай қилиб, 2001 йил 1 декабрдан лойиҳа фаолиятида иккинчи босқич бошланди. У ёшлар орасида "наркотик моддаларга талабни камайтириш ва гиёҳвандлар орасида наркотиклар келтирадиган зарарни камайтириш" дастурлари амалга оширилмоқда. Бу босқичда лойиҳа ҳомийлигини БМТнинг "Гиёҳванд воситалар устидан назорат ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича дастури" (ЮНДКТ)нинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ўз зиммасига олди.

Лойиҳа раҳбари Шоносир Шоваҳобов (10 саволга жавобни ҳам шу кишидан олганмиз) лойиҳанинг мақсад ва вазифалари ҳақида қуйидагиларни айтиб берди:

— мақсад, республикамизга ВИЧ/СПИД ЖАОЮИ (жинсий алоқа орқали юқадиган инфекция) гиёҳвандлик профилактикаси борасидаги тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;

— тадбирлар самарасини оширишда маҳаллий мутахассисларга ёрдам бериш;

— аҳолини, биринчи навбатда ёшлар эътиборини ВИЧ/СПИД гиёҳвандлик масалаларига қаратиш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар доирасида рисола, буклет тарзида маълумотлар чоп этиш;

— ҳукумат ва нодавлат ташкилотлари томонидан тартибсиз жинсий алоқа билан шуғулланадиган аёллар орасида ўтказиладиган профилактик тадбирларга ёрдам бериш;

— касалликка мойил гуруҳ аъзолари тегишли ташкилотларда маслаҳат ва малакали тиббий ёрдамни бемалол олишига имконият яратишдир.

Агар лойиҳанинг бу қисми ҳам ҳаётда ўз аксини топса, касалликнинг анча олди олинади.

### БИР ЙИЛДА 779 КИШИДАН 1755 КИШИГА ЕТДИ

1993 йилдан 2001 йилгача республикамизда ОИТС билан касалланганлар сони 779 нафар эди. Биргина жорий йилда бу кўрсаткич 1755 нафарга кўпайди. Бу шундан далолат берадики, ОИТС республикамизда кўпаймоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлашимиз мумкинки, бу рақам фақат рўйхатга олинганлар сони, холос! БМТнинг ВИЧ/СПИД бирлашган дастури (ЮНЭЙДС)нинг тавсиясига кўра, расмий рўйхатга олинганларнинг сонидан келиб чиқиб, бу ўринда ОИТС билан касалланганлар 5-8 баробаргача кўп дея, айтиш мумкин экан.

### ШАРҚИЙ ЕВРОПА ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДУНЁ НИГОҲИДА

Бу давлатларда эпидемия тарқалиши энг оғир бўлиб, ёшлар ўртасида ёйилмоқда. Бундан ҳам даҳшатлиси, қайд этилаётган касаллик 13-14 ёшли болаларда учрамоқда. Булар асосан наркотик моддалар истеъмолидан тарқалмоқда. Бунинг сабаби, иқтисоднинг яхши эмаслиги, ишсизлар сонининг кўпайишида эканлиги қайд қилинмоқда. Бундан ташқари, 10 йил ичида Марказий Осиё давлатлари наркотик моддалар транзит йўли бўлганлиги эътироф этилмоқда.

Оддий мисол, 2001 йил июнда Қозоғистонда 1926 нафар касаллик қайд қилинган. 2002 йилнинг олти ойлигида эса яна 620 та касаллик аниқланган. Бундай аянчли аҳвол Болтиқбўйи давлатларига ҳам тааллуқлидир. Эстонияда 1999 йилдан 2001 йилгача 1474 касаллик рўйхатга олинган. Латвияда 1997 йилдан 2001 йилгача 807 нафар ва 2002 йил июнгача яна 308 нафар киши касаллик гирдобига тортилган. Аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, инсоният бу касалликдан катта талофат кўриши табиий.

Энг ачинарлиси шуки, бу касалликнинг охири ўлим. Буни яхши биламиз. Лекин, касалликларнинг қўзғатувчилари бир одамдан бошқасига қандай юқишини ҳам биламиз! Ҳатто ундан сақланиш учун нима қилиш кераклигини ҳам биламиз!

Аммо... Нега одамлар билган нарсаларига амалда риоя қилмайдилар? Нега енгилтаклик оқибатлари тўғрисида ўйлаб кўрмайдилар?

**Шерзод АҲМАТОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

**Ko'ngil bitiklari**

## ҒАЗАЛЛАР

**Ўзидан ўзгани топмадим инсоф элида покроқ,
Бу эл аро изладим, топмадим ўзимдан хокроқ.
Туғилмади, туғдирмади манфаатга йўқ эҳтиёж,
Туғилдиму туғдирдиму манфаатдан дил ғамнокроқ.
Кўйида мен тонг йиғладим, ҳажрида мен тун йиғладим,
Ким фано бўлди кундан кун кўзим ёшидан намнокроқ.
Ўзин ҳажри, ўзин қадри, ўзин сабрини тиладим,
Тилим ўзга, дилим ўзга ўздан ўзга йўқ бебокроқ.
Вафо излаб ўзидан ўзга меҳрибони топмадим,
Топмадим бани инсон ичра айлаб ёқони чокроқ.
Ўзи азал, ўзи абад, ўзи аввал, ўзи охир,
Менман хазон, менман жуфтроқ, ўзга йўқ ўзидан тоқроқ.
Инсоф элида эл бўлинг, фосиқу ёв бўлманг дўстлар,
Фосиқ аҳли сиз бўлинг покроқ, Ўктам бўлса нопокроқ.**

***

**Ўзи равон, кўзи ризвон, тиларман равзаи ризвон,
Бу ғамгин кўнглима сиғмас бугунким каъбасиз даврон.
Ўзимдан ўзгани излаб ўзимдан ўзга янглишдим,
Уйқусиз бу кечаларда синикди сарғариб армон.
Аввали пок, охири пок, азали пок, абади пок,
Қачонким келди қайғулар кўзимда қайнади уммон.
Ризвон онинг, даврон онинг, армон манинг, орзу манинг,
Бегоналар этма ўздан деб йиғларман, ўзи султон.
Кўки ҳайрат, ери ҳайрат, таги эрур абад қайғу,
Келар тирбанд, кетар тирбанд, ўзи турғун, ўзи мезбон.
Аччиқ-аччиқ йиғлаюрман, охир билмас ҳасрат-алам,
Амон сўраб азобимга ўртанадур бани инсон.
Қули бўлмак толеимдур билсанг агар онинг Ўктам,
Шукрин қилиб хуррам ўлдим, бу фанода мен ҳам меҳмон.**

***Ўктам ҲАКИМАЛИ***

## УСТОЗ ВА ШОГИРД



**Азиз дўстлар, эшитдим бир қиссани,
Тинглангиз, айтиб берай ҳиссани.

Бу ўлкада бир паҳлавон бор экан,
Элу халқи — ҳамма унга ёр экан.

Топширармиш ҳамма ўз фарзандини,
Ўргатар деб паҳлавонлик пандини.

Ниҳоятда устод қаттиқ қўл эмиш,
Ёшу қари — шогирдлари мўл эмиш.

Ўргатармиш барчасини бир маром,
Ҳаммаси ҳам қилар экан эҳтиром.

Аммо кўрса, шогирдлардан биттаси
Муғомбирдир, содиқ эмас, қисқаси.

Устод унга бир кун деди: —Озод сен,
"Дастур" тамом, ўзинг энди устод сен.

Мамнун бўлиб кетди шогирд уйига ,
Олишарди, ким чақирса тўйига.

Катта бир тўйда вакил устод учун,
Фахрланиб "товоқ" кўтарди "от" учун.

Унга қарши ҳеч ким журъат этмади,
Ҳакам эса қайта-қайта айтарди.

—Чиқмас экан ҳеч ким агар бу зотга
Биз берамиз бедов отни устодга.

Шу аснода ўша шогирди нонкўр,
—Олишаман, чиқсин, деди, ўша зўр.

Ҳакам деди: —Паҳлавонлар чиқишсин,
Эл олдида яхши ўйин қилишсин.

Зудлик билан паҳлавонлар шайланди,
Бирин-кетин, иккаласи айланди,

Устод кўриб шогирдини бўлди лол,
Ўз-ўзига дерди: — Ё раб, бу не ҳол?

Бирдан шогирд келди устод ёнига,
Ёқасидан олиб тортди домига.

Устод бирдан ноёб усул қўллади,
Аллоҳ эса яна мадад йўллади.

"Ё Али", — деб устод бирдан ҳайқирди,
Шогирдини кўтариб ерга урди.

Шогирд зўрға ердан турди ва деди:
—"Дастур"да лек устод бу тоб йўқ эди.

—Сендек баъзи шогирдларга ҳар доим,
Усулим кўп, билиб қўйгин, мен қоим.

Қарсак чалиб давра деди: —"Офарин".
Жазоси шул йўқотса ким одобин.

Эй шогирдлар, камтар бўлинг ҳамиша,
Устодлар ҳурматин айлангиз пеша.**

***Юсуф Вализода ДАРБАНДИЙ***

# ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

**Дам олиш саҳифаси**

**Эссе**

# ҚЎНАН БОШИДАГИ ОҚ БУЛУТ

**(Ч.Айтматовнинг "Чингизхоннниг оқ булути" қиссасини ўқиб)**

Қўнан, болам, ҳозир қайлардасан? Балки қабринг ҳам теп-текис бўлиб кетгандир. Балки қабринг узра улкан дарахтлар бўй чўздимикан? Эҳтимол, хоки пойинг ўрнида чиройли шаҳарлар барпо бўлгандир? Ҳар қалай, жисминг тупроққа айланган бўлса ҳам руҳинг тирик-ку. У Сариўзак даштларида, лочин қанотларида, тўрғай нолаларида ҳаёт қўшиғини куйлаётгандир?..

Менинг норасида Қўнан болам, мен сени онанг Дўғўланг бағрида, унинг сийнасини хушнуд эмаётганингда кўрганман, отанг Эрдене сенинг қулоқларингга: — "Сенинг исминг Қўнан. Эшитаяпсанми, болам? Сенинг исминг — Қўнан" деганини ўз қулоқларим билан эшитганман.

Бу номард тақдир, нобакор тузум, Тўрт томон ҳукмдори малъун Чингизхоннинг ёвуз истак-хоҳиши, амр-фармони сени ота-онанг бағридан юлиб олиши, уларни қийнаб ўлдириши ва сен чўри Олтун қўлида қолишингни етти ухлаб тушингда кўрармидинг? Эссиз болам-а, сен ҳали мурғак эдинг, кўрмасдинг, сезмасдинг, ҳис қилмасдинг, Қўнан!

Ҳукмдорликнинг ҳирси бутун вужудини қамраб олган Чингизхон ёвуз истакларининг рўёбга чиқиши учун, Ғарбга юришда тўла ютиб чиқилмагунча аёлларни ҳомиладор бўлмасинлар деб, олий фармон берган эди. Унгача қўрғонларда биров туғибди, деган гап қулоғимга чалинмасин, деганди у.

Бу ваҳшийлик, азалий табиат қонунларини инкор қилиш, яратганнинг ўзига қарши бориш, кабира гуноҳларга ботишдан Тўрт Тараф ҳукмдори чўчиб ўтирмади. Қайтанга у ҳатто Худони ҳам ўзига хизмат қилдиришни истарди, зотан, аёлнинг юкли бўлиши бандага Оллоҳнинг иноятини эканлигини тан олмади.

Қўнан болам, Чингизхон устидаги оқ булут аслида сенга юборилган, сен онанг қорнида мурғак жисмингга жон ато этилган кундан бошлаб, Оллоҳ булутни сенинг онанг Дўғўлангга соябон бўлиши учун юборганди. Ахир, сен золим хоннинг амри — фармонига қарши яралган эдинг. Сенга яшаш қисматини Яратганнинг ўзи инъом этганди. Оллоҳнинг қудрати олдида Тўрт Тараф ҳукмдорининг ҳохиш-иродаси нақадар ожиз эканлигининг исботи эди бу.

Мен сенга айтсам, Қўнан, сен яралган куни боши узра муаллақ турган оқ булутга кўзи тушган хоннинг "юраги орқасига тортиб" кетмадими, миясига ақл бовар қилмас бир фикр ялт этиб ўтгани, у ниманидир англагандай лол бўлиб қолиши, эти муз қотиб жимирлаши, кўз ўнги қоронғулашиб ер чир-чир айланиши, у ҳам бандаи ожиз эканлиги, унинг бошида ҳам ўлим борлиги, абадият қонуни бўлмиш туғилиш ва ўлим муқаррарлигини зоҳиран тан олмаса ҳам ботинан ҳис қилган эмасмиди?

Жигаргўшам, Қўнан, сен улғайиб катта бўлгач, отанг Эрдене хонга юзбоши бўлганлигини, онанг Дўғўланг енгилмас қўшин Байроғи учун комидан ўт сочувчи аждар суратини ипак билан тикиб беришини эшитгандирсан. Сен шуни билишинг керакки, отанг ва онанг фақат сенинг яшаб қолишинг учун жон чекдилар, қайғурдилар. Ўшанда сен уч кунлик чақалоқ эдинг, отангнинг сўзларини эслай оласанми?

Эрдене: Одамлар шармандаликдан қочади, номусорини йўқотиб қочади. Ишқилиб бошимни қутқарсам бас, дейди. Биз тақдир фарзанд ато этгани учун қочишга мажбурмиз. Бахт ва бахтсизлик битта илдиздан кўкаради.

Дўғуланг: Мен хон яловларига аждарпар тикаман. Ҳеч ким билмайди. Улар ҳаммаси сенсан, Эрдене. Ҳамма тиккан байроқлардаги аждарларим ўзингсан. Мана энди қисмат экан, мен аждардан ўғил кўрдим. Агар мени ўлдирсалар, сени ва ўғилчангни тирик қолдиришармикан?

Болагинам, мен сенинг чўри Олтун қўлида қолиб, унинг қуриган кўксига тангрининг иноятн билан сут келгани ва сен ютоқиб-ютоқиб эмганингдан хабарим бор. Сенга ризқ-насиба етказгани учун қанчалар қувонганим, Оллоҳга шукроналар келтирганимни билсанг эди. Ундан кейинги тақдиринг нима билан тугаганини тасаввур қила олмайман. Шундай бўлса ҳам сенга орадан неча замонлар ўтиб, сенинг бошинга тушган қисмат XX асрнинг ўрталарида менинг авлодимга — қатағон қурбони бўлмиш Қуттибоев оиласига тушганини айтсам, балки ишонмассан. Сенинг акаларинг бўлмиш Довул билан Эрмак оталари Абутолибни қанчалар севар эди-я. Асирликда юраги зада бўлган, зўравон Сталиннинг қамоқхоналарида зардоб ютган бечора Абутолиб! Болаларини кўриш учун вагон тирқишидан қараб, Бўронли бекатга термулиб ўтиши ва унинг руҳий ҳолатини сенга айтишга тилим ожиз, юрагим кўтармайди. Абутолиб керза этикли Эдигейни, эски телпак ва оёғига кигиз этикча кийган тирмизак Эрмакни, улар томонга оҳиста юриб бораётган Зарифа ва Довулни вагон тирқишидан сўнгги бор кўриши эди. Эндигиси чидаб бўлмас — айрилиқ. Бу айриликнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмаслиги... мени XXI асрга қадам қўяётган отанинг ҳам кўнглини садпора қилар, кўзларимдан тўкилган ёшлар юзимни ювarди...

***

Мана, Қўнан болам, сен билан ҳам анча ҳасратлашиб олдик. Агар руҳинг кезиб юрган бўлса, сўзларимни эшитаётгандирсан.

Мозийдан бош кўтариб XXI аср қуёшига мамнун боқаман. Ерга чуқур илдиз отаётган дарахтнинг бақувват шохларига, соғлом новдаларига ҳавасланиб кўз тикаман. Ҳа, баҳор нафаси уфурган бу новдалар ҳаёт ишқини куйлай бошлайди. Куртаклар бағридан оппоқ-оппоқ гуллар очилади, яшил япроқлар ниш уради. Борлиқни оқлик, яшиллик қуршаб ола бошлайди. Улар зангори само, саррин еллар, ҳаётбахш қуёш нуридан баҳра олиб мева беради, насл қолдиради...

Сенинг туғилишинг ва яшашинг учун хайриҳох бўлган оқ парқу булут бугун менинг авлодим боши узра муаллақ турибди. Салом, Оқ булут!

Салом, янги аср!

**Абдуаҳад ЎРМОНОВ,**
**Асака туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси**

ТВ-4 Халқаро телеканалида ҳар якшанба куни намойиш этилаётган "Инглиз тили Сиз учун" масофавий инглиз тили курсининг 11- дарс саволлари:

QUESTIONS for Episode 10
Theme: free time/ "smell the flowers"

1. Write abont something yon nsed to do when you were younger, but don't seem to have time for now.
2. When yon take time off from work or study, what do you do in order to relax and forget abont work?
3. What is the first thing yon want to do when you find yonrself in an embarrassing situation?

Бизнинг манзил: Тошкент 700011, Навоий кўчаси 69, ТВ-4, "Инглиз тили Сиз учун" кўрсатувига ёки uztv-4@uzpak. uz электрон почтаси.



# ВАТАН МАНЗАРАСИ

# КРОССВОРД



**ЁЙЛАР БЎЙИЧА:** 1. Ватанимизда бошланаётган йилга берилган номдан: "Обод ... йили". 2. Мумтоз адабиётда дўст, қадрдон маъносидаги сўз. 3. Якунланган йилда таваллудига 140 йил тўлган ўзбек маърифатпарвар шоири,тилшунос олим,"Олти тилли луғат" асари муаллифи. 4.Ҳажвий саҳна асари. 5 Янги йил меҳмони. 6.Кўрк берувчи нарса. 7.Вақт, давр. 8.Инсоннинг ҳар жиҳатдан етуклик даври. 9. Ой туғилган кундан келгуси Ой туғилган кунга қадар вақт асос қилиб олинган йил ҳисоби. 10. Савдо маскани. 11. Тансиқ таом. 12. Гўзалларга хос ёқимлилик. 13. Мукаррама Турғунбоева саҳналаштирган ўзбек халқ рақси. 14. Ўтмиш, тарих даври. 15. Кунчиқар мамлакат пойтахти. 16. Игна баргли доим яшил дарахт. 17. Айём кўрки, чирой. 18. Миллий нон тури. 19. Йил ҳисоби тури. 20. Шамсия йил ҳисобидаги олтинчи ой номи. 21. Жимжитлик, сокинлик. 22. Батамом, мукаммал. 23. Бирор соҳадаги билим, маълумот. 24. "Хуш келибсиз" мазмунидаги ифода.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1. Бошланаётган йилда таваллудига 1220 йил тўладиган буюк риёзиёт олими, фалакиёт ва жўғрофий илм соҳиби бўлган ватандошимиз – 2,7-16,5,6,2,12,9,1,10.

2. "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ"асарини ёзиб қолдирган маърифат ҳомийси, драматург, шу йил таваллудининг 125 йиллиги нишонланадиган ижодкор – 2,24,17,8,7,7,2 2,2 1,7,5,3,1,10.

3. Ҳафта куни – 22,8,9,2.

4. Ўзбек халқ қўшиғи тури – 15,8,7,14,6.

5. Бирор ишни амалга ошириш учун энг қулай пайт – 20,8,6,11,2,4.

6. Куннинг ярми ўтган вақт – 23,19,13,1,3.

7. Минора соат – 18,8,6,2,3,4.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги ва марказидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда уларни йўналиш бўйича ўқиш билан эзгу сўзларни билиб оласиз.

**Фозилжон ОРИПОВ тузди.**

**Xullas...**

**ЭГАСИЗ ОЁҚ КИЙИМИ**

У 77 кунда ясалди. Размери 753 96 квадрат метр чарм сарфланган бу оёқ кийимига "бор-йўғи" 225 кило елим лозим бўлди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, бу ботинка бўйи 37,5 метрлик кишигагина (ажабо!) тўғри келиши мумкин. Аммо бундай улкан одамни етти иқлимдан чироқ ёқиб ахтарсангиз ҳам тополмайсиз...

Филиппин пойтахти Манилада яшовчи этикдўзларнинг миясига бу фикр қаёқдан ҳам келиб қолди? Одамзот қизиқда, бир ғоя туғилдими, уни амалга оширмагунча қўймайди. Бўйи 5 метрли бир жуфт оёқ кийимига, аслида, ҳеч кимнинг эҳтиёжи ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, этикдўзлар икки ярим ой деганда, баҳайбат оёқ кийимини тикиб битиришди. Уларнинг нияти, дунё бўйича рекорд натижага эришиш бўлган, шекилли.

Манилада энг йирик оёқ кийимининг тақдимот маросими бўлдию, унинг муносиб эгаси топилмади. Ва топилмаса ҳам керак. Энди уни фақат музейларда сақлаш мумкин, деган фикрни билдиришди иштирокчилар.

**КАСАЛЛИКНИ ЯШИРГАНИНГ БИЛАН...**

Қарилик давоси йўқ касаллик, буни тан олиш керак. Аммо машҳурларнинг аксарияти бу касалликнинг мумкин қадар ўзларидан чекинишини, яъни доимий равишда яшариб юришни хоҳлайдилар.

Америкалик машҳур актриса ва хонанда Шер журналистларга берган интервьюсида: "60 ёшимда ҳам менга йигитлар мафтун бўлишини истардим!" деган эди. Ҳозир у 57 ёшда бўлиб, мафтункор ва жозибадор бўлишнинг турли йўлларини ахтармоқда. Пластик жарроҳларнинг операция столига ётиш Шер учун ҳеч гап эмас. Хоним ўзининг нафақат юзи, балки танасини яшартириш хусусида ҳам бош қотириб, бунинг чорасини топди. Пастки иккита қобирғасини олдириб, қоматини тик тутишга ёрдам берувчи қандайдир материал қўйдирди.

Шерхоним 37 та альбом яратишга муваффақ бўлган. Продюсер ва режиссёрликда унинг ўзига хос мактаби бор. Қисқаси, ками йўқ бир аёл. Аммо харчанд уринмасин, ҳаётнинг азалий қонуни қаршисида у ожизлигича қолаяпти. Ахир, инсон ёши улғайгани сари, куч-қувватдан қолаверади. Бу касалликни яширганинг билан иситмаси ошкор қилади, деганга ўхшаш бир гапда...

**ҚАДИМГИ АНЪАНАНИНГ ТИКЛАНИШИ**

Тарихчиларнинг далолат беришича, Германияда эркакларнинг соқол ўстиришлари XIX аср охирида жуда авжига чиққан. Германияда бирлашув ҳолати ҳукм сура бошлагач эса бу урф ҳар кимнинг ихтиёрий ишига айланган. Бошқача айтганда, соқол қўювчилар кескин камайган.

Ҳозир хорижий давлатларда эски анъана қайтадан тиклана бошлади. Америкалик Пол Робинс соқол ўстириш бўйича "даҳшат" натижани қўлга киритди. 11 йилда унинг соқоли 4 метру 23 см.га етди. Буниси ҳам майли, аёлларнинг соқол ўстириши мутлақо учрамайдиган ҳол. Аммо Жейна Окри 25 см.лик соқолга эга деб хабар беради Бельгияда чиқадиган "Суар" газетаси.

**ana shunaqa gaplar**

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-1127.
Тиражи 23099 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи:
Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00